



ҲАБИБ ТЕМИРОВ

МАКРМИ Ё МУХАББАТ

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

**МАКРМИ
Ё МУҲАББАТ**

Қисса ва ҳикоялар

«Tafakkur qanoti»
Ташкент – 2019

УҮК: 821.512.133

КБК: 84.(Ү)6

Т-92

Темиров, Ҳабиб

Макрми ё муҳаббат. Қисса, ҳикоялар/ Ҳ. Темиров. –
Тошкент: «Tafakkur qanoti» 2019. – 144 бет.

УҮК: 821.512.133

КБК: 84.(Ү)6

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM
INV № 2023/14-93

ISBN 978-9943-513-91-4

© Ҳабиб Темиров, 2019 й.
© «Tafakkur qanoti», 2019 й.

МАКРМИ Ё МУҲАББАТ

Кисса

Хукм

Талабалик йилларимда бир фаранг киносини кўрган эдим. Янглишмасам, “Қонли тўй” деб аталарди. Унда ёш, хушрўй хуштор топган бойвучча аёлнинг қари эридан кутулиш йўлидаги ранжу коми хусусида ҳикоя қилинган эди. Ўшанда мен фильмнинг воқеасидан кўра режиссёрнинг маҳорати, ижро чиларнинг ролни қойилмақом қилиб ўйнашига эътибор берган эканман.

Ҳаётда айнан шунга ўхшаш мана бу воқеада ўзим беихтиёр иштирок этиб турган чоғда мен бу ҳақда ёзиш, тасвирлашнинг ўзи нечоғлик оғир эканлигига ишонч ҳосил қилдим...

– Ўрнингиздан туринг, суд келяпти!..

Мехри темир панжара ортида ҳам худди ўша-ўша... бағоят гўзал эди. Шу топда унинг рангпар юзига қараб, болалигимда кўрган яна бир фильмни эсладим: “Чангда қолган гул”... Аммо бу хилқатни ҳозир чангда қолган гулга муқояса этиб бўлмасди. Наинки гулга...

Мехрини мен илк бор йўлда кўрган эдим. У билан кўшни шаҳарга қатновчи автобусда бирга кетганимиз. У олдинги қатордаги ўриндиқда экан, дафъатан эътибор қилмабман. Иттифоқо, орқасига ўгирилиб, менга катта-катта кўзларини бир лаҳза синовчан қа-

даб ўтди. Ёнидаги йигит унга “Мехри” деб мурожаат этгани учун исмини билиб олдим. Катта-катта кўзла-ри қўксимга бир лаҳза қадалган эса-да, майин бир из қолдирди. Икки ёшнинг суҳбатига беихтиёр эътибор қилдим.

- Мехри, менинг муҳаббатим чин, ишонинг...
- Ишонганим билан...
- Сиз мени барибир олмайсиз, демоқчимисиз?
- ...
- Мен сизни кечирганман. Фақат... Энди унинг юзига қарамасангиз бўлди.
- Юзи курсин унинг. Юзига ҳам, изига ҳам қарамайман...

Мен Мехрининг ифодали гапиришидан адабиётчи бўлса керак деб ўйладим. Йигит эса... афсуски, унинг юзини кўролмадим. У олдинга сал эгилиб, имкон қадар паст овозда гапиришга қаракат қилас, бироқ овози жарангдор ва ўқтам бўлгани учун сўзларини ихтиёrsиз равишда тинглаб ўтирадим.

“Аслида уни ўша номардлиги учун қаматтириб юбориш керак эди. Аммо сизнинг шаънингизга ҳам доғ тушар эди...”

Гап авзоидан бу ерда нозик бир сир борлигини англадим. Шу боис суҳбатнинг давомини тинглаш энди нокулай эди. Бунинг устига йигит овозини яна ҳам пасайтириб гапира бошлади. Мен “гап ўғирлаш”-ни йифиштириб, ўз хаёлларимга берилдим.

Қарангки, орадан уч-тўрт ой ўтгач, тасодифаň бир тўйда қатнашишга тўғри келди.

Ким билсин, бу тасодифмиди, ҳаётнинг мубҳам қонуниятими, ҳарқалай ўша никоҳ маросимиiga мени вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар

бўйича терговчиси, мактабдош ўртоғим Абдували олиб борди.

– Яхши бир шогирдим уйланяпти. Бирров бориб, табриклаб келамиз...

Давра бағоят тўқис ва чиройли эди. Ёрқин чироқлар остида хушнуд чехралар. Давра тўридаги алвон гиламга “Хукмжон ва Мехрининг висол оқшомига хуш келибсиз” деб ёзилган. Куёвнинг исми ғататироқ экан-да, деган фикр ўтди хаёлимдан. Келин Мехри.

Шошма-шошма, бу ўша Мехри эмасмикан? Қарасам... худди ўзи! Узокдан бўлса-да, унинг гўзал қиёфасини аниқ кўрдим. Унга келинлик либоси жудаям ярашган. Яна ҳам очилиб, тиниқлашиб, ойдай тўлишиб, порлаб турарди.

Бизни қўярда-кўймай тўрга, азиз меҳмонлар даврасига ўтқазиши. Куёвнинг отаси билан танишдик. Ўрта ёшлардаги хушчақчақ, қорамағиз одам экан. Гап орасида “Ўғлингизнинг исми нега бунақа?” деб сўрадим. Кулди.

“Раҳматли хотиним судья бўлиб ишлаган. Қай бир жиноят ишини қўраётиб денг, тўлғоқ тутиб қолган. Ана шунда ўзи ҳавас қилиб, Хукм деб қўйган. Ўзиям жа ҳукмфармо аёл эди бояқиш. Барвақтроқ ўтиб кетди... Лекин мана ўғлимиз онасининг изидан бориб, унинг орзу-ҳавасини рўёбга чиқаряпти...”

Менга табрик учун сўз беришди. Сал ширакайфроқ бўлиб қолган эканманми, гапимнинг охирини жўнроқ ҳазилга айлантирдим.

– Куёвимиз Хукмжон келинимиз Мехрихонга бир умр асирикка ҳукм қилинсин, деганлар қўлларидағи қадаҳларини кўтаришларини сўрайман.

Автобусдаги сирли сұхбат ҳам, түй ҳам, әхтимол маълум вақтдан сүнг ёдимдан чиқиб кетар эди. Чунки касбим тақозосига күра турмуш чорраҳаларидағи бундай воқеаларга күп дуч келганман. Бироқ...

Бу гал ундай бўлмади.

Ўша куни тўйдан барвақтроқ турадиган бўлдик-у, куёв билан келин ўтирган жойга бориб, хукм билан хайр-хўш қилдик. Шу топда автобусдаги сұхбатни әсладим-у, Ҳукмнинг кўзларига қарадим. У баҳтиёр эди. Унинг содда ва самимий нигоҳида қониқиш кўрдим. Бу қониқиш, әхтимол, ўз орзусига эришганликдан ёки бир қизнинг шаънини сақлаб қолганлиги учун ўз виждоний бурчини бажарганликдан ва балким...

Ҳарҳолда у шод, масрур эди. Иттифоқо, келиннинг чехрасига разм солдим. Ҳарир чачвон ортида бир жуфт қора кўзлар ғолибона қулиб турарди. Оҳ, нечоғлик гўзал эди бу музaffer қўзлар. Билмадим, Мехрихон кимнинг устидан қозонган ғалабаси гаштини сурмоқда эди?

Ўша номард, бевафо йигитнингми ва ё соддадил қишлоқи йигит Ҳукмнингми?

Ўша тўйдан кейин бирон йил ўтдими, камроқми, бир куни терговчи дўстим Абдували ишхонамга ҳовлиқиб кириб келди.

– Ҳа, дўстим, тинчликми? Машқинг пастроқ кўринади?

Абдували терговчи бўлсаям, адабиётга жуда қизиқар, шеърлар ёзар, давраларда Алишер Навоий, Гамлет монологларини қойил қилиб ижро этиб юрарди. Бу гал ҳам ўзи сезмаган ҳолдами ё азбаройи ҳаяжонланганиданми монолог ўқиб юборди:

– Э, сўрама, дўстим, мен...мен... писта пўчоғидан кема ясамоқчи бўлиб юрган эканман, мен... мен адашдим.

– Ҳой, тушунтириброқ гапирсанг-чи, нима бўлди?

– Ҳалиги бола эсингдами, тўйига боргандик, ўша бола пора билан қўлга тушиб қамалди. Эҳ, ифлос! Мен унга қанчалик ишонган эдим-а, қанчалик умидим катта эди-я! Афсус...

– Эҳтимол тухматдир? Ташкил қилишгандир?

– Ҳамма бало шундаки, тухмат ҳам эмас, ташкил ҳам қилинмаган. Ҳаммаси рисоладагидай. Ўзи сўраб, ўзи айтилган жойга бориб, айтилган ишни қилиб, катта миқдорда порани олаётганда қўлга тушган.

– Энди нима бўлади?

– Нима бўларди, кетди камида ўн йилга!..

Бу воқеанинг тасаввуримга тикандай санчилиб қолганига сабаблар ана шулар эди. Аммо қўлга кирган зирапчани игна билан кавлаб олиб ташлаш мумкин бўлгани сингари, хотирадаги нохуш воқеаларни ҳам унтиш мумкин. Мен ҳам шундай қилдим. Гарчанд бу осон кечмади. Ўзимни мажбур қилдим. Аввалига чинакам эркаклик, мардлик даъво этган бу шоввоз алалоқибат номарднинг ишини қилиб, ҳақли жазога мустаҳқ бўлган экан. Эслаб ўтиришга арзимайди. Аммо...

Кунларнинг бирида қўйидаги мазмунда мактуб олдим:

“Ассалому алайкум, муҳтарам муҳаррир! Ушбу мактубни тухматга учраб қамалган, айни навқирон ёшида қоқ белидан синдирилган бир инсон ёзмоқда...”

Мактуб Ҳукмдан эди. У ўз хатида нопок инсонларнинг ифлос кирдикорларини фош этмоқчи бўлгани

учун мудҳиш тухматга учраганини ҳаяжон билан баён этганди. Хат охирида шундай жумлалар бор эди:

“Энг алам қиласиган жиҳати бу тухматга мен ишонган, эътиқод қўйган одамлар ҳам алоқадор деган шубҳам бор. Агар омон-эсон кутулиб чиқсан, ҳам масининг жазосини ўзим бераман...”

Бу сирли сўзлар менинг ўйга толдирди. Биродарим Абдувалига қўнғироқ қилдим.

– Менга ҳам шу мазмунда хат ёзган. Нимага шаъма қилаётганини тушунмадим. Аммо тухмат деганида жон борга ўхшаяпти. Унинг иши қайта тергов қилингяпти. Агар чиндан ҳам тухматга учрагани исботланса, оқланади...

– Тахририятнинг араласиши шарт эмасми?

– Ҳозирча йўқ. Зарур бўлса, ўзим айтаман...

Хукм оқланди. Абдували берган ҳужжатлар асосида газетамизда “Ҳақиқатнинг мунгли кўзлари” сарлавҳали мақола чиқардим. Уни тахририятда бир муддат ишлаб, бош муҳаррир билан чиқишолмай бўшаб кетган, ҳозир адвокатлик қилиб юрувчи “хукуқшунос журналист” Хондамир Бакирдан бошқа ҳамма мақтади. Хондамир Бакир кўзини лўқ қилиб “Юзаки ёзилган” деди. Мен эътибор қилмадим.

Мақола чиққанидан кейин кўп ўтмай тахририятга бир қария кириб келди. Ғам юки қаддини эгиб, юзларига тарам-тарам ўчмас излар солган бу одамни қаердадир кўргандек бўлдим.

– Мен... Мен... Мен Хукмжоннинг отаси Мухлис акангизман-ку, муҳарриржон, наҳотки танимадингиз?..

– Э-э, узр, оқсоқол, – дедим каловланиб. – Сал ўзгарибсиз...

- Э, сал дейсизми, бу Ҳукмнинг дарди мени адо қилди, укажон.

- Яна нима бўлди? Ахир Ҳукм қамоқдан чиқди-ку?

Оқсоқол оғир тин олди. Кўзларидан ёш қуйилди. Ингранди.

- Ҳукм... йўқолиб қолди, укажон. Ўн кунки, дараги йўқ.

- Хотини нима дейди?

- Ярим кечаси чиқиб кетган эди, қайтиб келмади, дейди.

- Милицияга хабар қилинганми?

- Милиция қидиряпти, бормаган фолбинимиз, сўрамаган жойимиз қолмади. Сиздан илтимос қилиб келдим. Расми билан газетага чиқарсангиз, бирон дарак топилармикан?

- Майли, оқсоқол, албатта чиқарамиз.

Отахонга далда бериб кузатдим. У қолдириб кетган суратга разм солдим. Ҳукмнинг кўзлари. Худди ўша, мен тўйда кўрган хотиржам, содда ва самимий нигоҳ.

Абдувалига қўнғироқ қилдим:

- Ҳукм йўқолган экан, бир оғиз айтмабсан, – деб ўпкаладим. У индамади. Газетага чиқармоқчи эканимизни айтдим.

- Энди ҳожати йўқ, – деди у оғир тин олиб.

- Нега?

- Ҳукмни... унинг жасадини бугун топдик. Отаонасига хабар бериб улгурганимиз йўқ. Ҳозир текшириш кетяпти.

- Қаерда экан? Нима бўлган экан?

- Ўлдириб, каналга ташлашган экан.

- Ким?

– Буни ҳозир айтишим қийин. Тергов жараёнида маълум бўлади.

Ногаҳон Ҳукмнинг мактубидаги сирли жумлалар ёдимга келди. Беихтиёр сўрадим.

– Хотини... алоқадор эмасми?

– Аниқлаяпмиз. Хотини ҳам ҳибсга олинган...

Мен Абдувалига дабдурустдан берган саволим учун ўзимни койидим: гумон имондан айиради, деган гап бор. Наҳотки, Мехри ўзини жондан севган, энг оғир вазиятдан қутқарган мард бир йигитнинг юзига оёқ босса. Йўқ! Мехри бегуноҳ бўлиши керак. Мехридай гўзал аёл бундай қаттол жиноятга қодир эмас...

– Ўрнингиздан туринг, суд келяпти.

Мехри чиндан ҳам гўзал эди. Ҳибс азоби унинг чиройини яна ҳам орттирган эди. Мен уни дастлаб Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идаги Зебога, Лев Толстойнинг “Тирилиш”идаги Катеринага ва яна кимларгadir ўхшатдим. Шу муқоясаларим баробарида унинг гуноҳсизлигига ишондим. Ҳақиқат юзага чиқади, Мехри оқланади, деб кутдим.

Суддан бир муддат олдин Абдували бўлган воқеани қисқача айтиб берганди:

– Мехрининг Ҳукмдан олдин юрган йигити бўлган. Тахминга кўра, у Ҳукмнинг қамалишига ҳам алоқадор. Ҳукм буни кейин тушунган. Оқланиб чиққанидан кейин, у нимадир қилмоқчи, қайсиdir йўл билан қасос олмоқчи бўлган шекилли. Буни сезиб қолган рақиби қотил ёллаган. Қотил кечаси Ҳукмнинг ҳовлисига кириб, уни сўрида ухлаб ётган жойида бўғиб ўлдирган. Кейин қопга солиб, олиб чиқиб кетган ва Бўзсув каналига ташлаб юборган.

– Мехри қаерда бўлган ўша тун? – Ўзининг айтишича, боласи билан у ичкарида ётган, ҳеч нарсани сезмаган. Лекин бунга ким ҳам ишонади?

– Нега энди, эҳтимол, чиндан шундай бўлгандир.

– Йўқ, ошна, ундаи бўлмаган. Қотилликнинг ташкилотчиси бу ишни Мехри билан бамаслаҳат қилганини дастлабки терговда бўйнига олди. Кейин Ҳукм қамоқдалил пайтида Мехрини ўша йигит билан бир неча бор кўришган...

Мен ҳеч нарса деёлмадим. “Ўша йигит Мехрига тухмат қилаётган бўлиши мумкин-ку” деган фикримни негадир айтмадим.

Суд жараёнида Мехри айбини бўйнига олмади. “Мен гуноҳсизман, бу иш Ҳукмдан қасос олиш ва мени бир умр бадном этиш учун атайлаб қилинган” деб туриб олди. Аммо...

Суд Мехрининг айбини исботланган деб топди ва уни жиноят ҳақида хабардор бўлиб, хабар қилмагани учун тўрт йилга кесди. Ташкилотчига ўн икки йил берилди. Гарчанд бу йигит тергов пайтидаги сўзларидан қайтиб, айбини бўйнига олмади. “Мен Мехрини севардим ва бир умр севаман. Аммо бу ишни мен қилмаганман” деб турди.

Ажабо, мен бу йигитни биринчи бор кўраётган бўлсам-да, нимасидир танишдек туюлди. Бағоят ишончли қилиб гапираётганди у. “Артистлик қилияпти, шекилли” деб ўйладим.

Ёлланган қотил йигирма йилга ҳукм қилинди.

Суд тугади. Маҳкумларни олиб чиқишаётганда Мехри бир зум ортига ўгирилди. Нигоҳи менга тушди. Унинг кўзлари... ҳамон ўша-ўша... мағрур боқиб

туар әди. Абдували суд хужжатлари асосида яна бир мақола ёзишиңи таклиф этди. Мен Хондамир Бакирнинг биринчи мақола ҳақидаги гапини эслаб, негадир иккиландим. Абдувалига “Сал кейинроқ ёзаман” дедим. Кўнглимнинг бир чеккасида “Мехри айбдор эмас” деган ишонч бор әди.

МЕХРИ

Орадан анча вақт ўтди. Бир куни ишдан қайта-ётиб, куз оғушидаги маҳзун хиёбонда, маъюс ўй суриб ўтирган хушрўй жувон эътиборимни тортди. Унинг ёши ҳали ўттиздан ошмаган бўлса-да, сочларига оқ оралаган, юзлари сўлғин, кўзлари ғамгин әди. Лекин бу ташбеҳлар аёлнинг соҳир малоҳатию мағрур нигоҳига асло соя сололмас ва у сокин оқшом чўкаётган хиёбонга намозшомгул сингари нофармон нур сочиб, мунааввар этиб туар әди. Бу аёл ўша мен билган Мехри әди.

– Кечирасиз. Сиз... Сиз Мехри эмасмисиз? – дедим салом-аликни ҳам унутиб.

Менинг бу ҳолатим дафъатан узоқ вақтдан бери йўқотган ўйинчоини топиб олган боланинг суюнишига ўхшаб кетди. Бундан ўзим ҳам уялдим, ўнфай-сизландим. Мехри эса кипригини ҳам қоқмади. Мени кўриб суюнганини ҳам, афсусланганини ҳам билолмадим. Фақат чуқур “уҳ” тортганини сездим.

– Мен сизнинг дардингизни янгилаб, хафа қилиб қўйдим, шекилли. Узр. Кечиринг. Майли, мен борай. Хайр, – дея ортимга бурилдим.

– Йўқ-йўқ, – деди у сокин ва майин овозда. Сиздан хафа бўлганим йўқ. Шунчаки, ўзим... Сиз... Сиз... ўша мақола ёзган мухбирсиз-ку. Шундай эмасми?

– Ҳа...

– Сиз... Ҳукм аканинг номи оқланишига ёрдам берган эдингиз. Лекин... Менга ёрдам бермадингиз. Ҳеч ким ёрдам бермади. Мен, етим ўсган кимсасиз бир қиз туҳматга учраб, қамалиб кетавердим. Умрим хазон бўлди.

– Нега унақа дейсиз? Мана, кутулиб чиқибсиз-ку!

– Афв этилдим. Аёллигим учун. Лекин судландим-ку!

– “Судланди” дегани ҳаёти тамом бўлди дегани эмас-ку.

– Ҳарҳолда...

– Мехри, минг бор узр... Менимча, энди ҳаммасини очиқча гаплашса бўлар. Ўшанда сиз чиндан ҳам хабарсиз бўлғанмисиз?

– Ҳа, хабарсиз эдим. Ёз пайти. Ҳукм ака ҳовлида ухлардилар. Баъзан ярим кечаси ишга чақириб қолишиша, индамай чиқиб кетаверардилар. Мен ўшанда ҳам у кишини ишга чақириб кетган бўлишса керак, деб ўйлаганман.

– Сизга яна бир нозик савол бераман. Истасангиз, жавоб қайтаринг, истамасангиз йўқ. Ҳалиги йигит билан чиндан муносабатларинг бормиди? Дарвоҷе, у йигитнинг исми адашмасам, Жасур эди.

– Ҳа. У ҳам мени яхши кўрарди. Менга уйланмоқчи эди...

– Шу боис ҳам Ҳукмни орадан олиб ташламоқчи бўлган экан-да?

Мехри индамади. Чуқур ўйга толди. Анчадан сўнг босиқ овозда деди:

– Билмадим. Ўшанда у гуноҳсизман, деган. Бизни бир мартагина юзлаштиришганди. У қасам ичган, мен қилмаганман, деган.

– Сиз шунга ишондингизми?

Мен бу савол билан “Мехри-чи, Мехри Жасурни севармиди?” деган жумбоқни ҳам ечмоқчи эдим. Аммо не ажабким, Мехри саволимни жавобсиз қолдирди ва жумбоқнинг жавобини топишим учун яна бир йил керак бўлди.

Мехрининг қалбини ҳадеб тирнайвермаслик учун суҳбатга нуқта қўйдим. Фақат хайрлашаётиб, ундан ушбу воқеа ҳақида бирон нарса ёзайми, деб сўрадим.

– Ҳожати бормикан? – деди у ўйчан, – Ёзсангиз... ёзинг. Фақат бир илтимос, менга боламни, ўғлимни кўриб туришга рухсат беришса бўлгани.

– Ўғлингиз кимнинг қўлида?

– Қайнотамнинг. У киши ҳалиям мени Ҳукм аканинг ўлимида айбдор, деб ҳисоблайди. Ўғлимнинг миясига ҳам шу гапни куйган. Онанг қотил, у сенга бегона, дебди.

– Сабр қилинг, Мехри. Вақт энг одил ҳакам, энг яхши ҳаким. У ҳақиқатни жойига қўяди, дардларингизни даволайди. Болангиз улғайиб, эсини танигач, сизни барибир топади. Мақолани эса мен барибир ёзишим керак. Сизнинг тўла оқланиб, юзингиз ёруғ бўлиши учун. Юзингиз албатта ёруғ бўлади.

– Ишқилиб айтганингиз келсин.

Мен Мехридан ҳозир қаерда, нима иш, нима тириклилик қилаётганини, телефони қанақалигини сўрай олмадим. Негадир журъатим етмади. Фақат хайрлашув чоғида ўзимнинг телефон рақамимни ёзиб бердим. – Кўнғироқ қилиб туринг, менда айrim саволлар туғилса, сўрайман, – дедим.

– Хўп, – деди у ва кетди. Хиёбон нохуш қоронғулик бағрига чўмди. Бирин-кетин порлай бошлаган кўча

чироқлари на бу қоронғуликни ва на менинг күнг-лимдаги зим-зиё хуфтонни ёритолмас, мен Мехрига айтолмаган күпдан-күп гапларимни ана шу зулмат күйнига бекитишга беҳуда уринар эдим.

ЖАСУР

Орадан анча вақт ўтди.

Бир куни телефон жириングлади. Ногоҳ хаёлимдан “Мехри бўлса-чи” деган фикр кечди. Чунки мен унинг күнғироғини кутиб юргандим. Гўшакни кўтардим. Эркак киши одоб билан саломлашди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом!

– Мени танимадингиз ва танимаслигингиз табий.

Воажаб!.. Бу таниш овоз кимники эди? Мен қачон эшитган эдим бу овозни?

– Мен Жасурман, – деган овоз янгради қулоғимга.

– Сиз мени бир марта, суд пайтида кўргансиз...

Эсладим. Бу Жасур. Суд пайтида унинг нимасидир таниш эканлигини ўйлаганим, лекин бу саволимга жавоб тополмаганим хотирамга келди. Нега ўшанда унинг овозини дарров танимаганман? Демак, автобусда Мехрига тасалли берган, ўйланишни ваъда қилган йигит Ҳукм эмас, Жасур экан-да! Демак... Мехрини алдаган Ҳукм... Унда нега Мехри Жасурга эмас, Ҳукмга текканди?

– Биз учрашишимиз керак, – дедим унга шоша-пиша. – Менинг сиздан сўрайдиган гапларим бор.

– Яхши. Фақат тезроқ учрашайлик. Акс ҳолда мени энди ҳеч қачон кўролмаслигингиз ва саволларингиз бутунлай жавобсиз қолиши мумкин.

– Нега?

– Буни учрашганимизда айтаман.

– Бир соатдан кейин... йўқ, ҳозироқ сизни таҳририят ёнидаги хиёбонда кутаман. Узокда эмасмисиз, кела оласизми?

– Келишдик!

Жасур улкан арғувон остида чекиб турган экан. Қўришдик. Улғайибди. Яхши кийинган. Қамоқдан қочиб келган одамга ўхшамайди. У хавфсираб, синчилаб разм соганимдан сездими ё фикримни ўқидими, ҳарҳолда кўнглимдаги саволга дарров жавоб берди.

– Хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Қамоқдан қочиб келганим йўқ. Афв асосида озодликка чиқдим. Аммо яқин кунларда яна қамалиб кетишим мумкин.

– Нега энди?

– Мехрини ўлдириб кетишган.

– Ё, раббано! Қачон? Нега? Ким?

– Уч кун олдин. Мен қамоқдан қайтиб келганимдан сўнг уни роса қидирдим. Яқиндагина манзилини топдим. Излаб борсам йўқ экан. Мен унинг уйига келиб кетганимдан сўнг ўлдирилган. Менинг келганимни қўшнилар кўришганди. Гумон яна менга тушяпти. Ҳайронман, нима қилиш керак. Сиздан маслаҳат сўраб келдим.

– Сиз... Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? Буни ким қилган бўлиши мумкин?

– Билмадим. Бошим қотиб қолди. Балким... Ҳукмни ўлдириб, мени қамоқقا тиққан одамларнинг иши бўлса керак.

– Кимлар ўшалар? Бирон гумонингиз борми?

– Йўқ. Эҳтимол, Мехри калаванинг учини топган бўлиши мумкин. Шунинг учун ўлдиришгандир...

- Сиз... Сиз ҳақиқатнинг тагига етишингиз керак.
- Қандай қилиб?
- Билмадим. Билмадим... Прокурор дўстим Абдували ёрдам берар. У ҳалол, адолатпарвар йигит.
- Мен унга ишонмайман. У яна айни менинг бўйнимга осади ва энди оттириб юборади. Менга Хондамир Бакир исмли адвокат-журналистга учрашни маслаҳат беришди. Суриштирсан, уни таҳририятларда ҳам, бошқа жойларда ҳам ёмон кўришаркан. Шу боис у ёрдам беролмаса керак, деб ўйладим.
- Бўлмаса... Билмадим, нима қилиш керак?
- Ёлғиз йўли бор. Агар бу ишга сиз киришсангиз, бир кунмас бир кун ҳақиқатни юзага чиқаришингиз мумкин. Албатта, агар қамалиб қолмасам, ўзим қиламан бу ишни. Лекин бунга ишониш қийин. Шунинг учун сизнинг олдингизга келдим. Мехри сиз ҳақингизда яхши гапларни айтган ва телефонингиз рақамини берган эди. Унинг хотираси ҳаққи-хурмати шу ишга киришинг. Лекин эҳтиёт бўлинг. Энди мен борай. Ҳойнаҳой, аллақачон қидиришаётган бўлишса керак...
- Дарвоқе... Нега ўшандан... Мехри сизга эмас, Ҳукмга теккан эди?

Жасур бу саволимдан негадир ҳайрон бўлди. Фамгин кулиб, елкасини қисди:

- Юргурганники эмас, буюрганники, дейишади-ку!

Жасур кетди. Мен изтироб ва ҳаяжон оғушида хиёбонни анча вақт кезиб юрдим. Мехри билан сўнгги бор суҳбатлашган ўриндиқ ёнида ўй суриб турдим. Унинг маъюсликда яна ҳам гўзаллашган чехрасини кўз олдимга келтириб, дилимдаги саволларга жавоб изладим.

Айни пайтда Жасурнинг “Меҳрининг хотираси ҳаққи-хурмати ҳақиқатнинг тагига етишга ҳаракат қилинг” деган ўтинчи кўксимни эза бошлади. Нима қилмоқ керак? Жасурнинг сўзлари самимийиди? У чиндан ҳам бегуноҳми? Ундай бўлса, Меҳрининг қотили ким? Бу жумбоқнинг ечими қайдади?..

Эртасига Абдували билан учрашиб, Меҳрининг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни суриштирдим.

– Сен буни қаердан биласан? – деб сўради ҳайрон бўлиб Абдували.

Менга...

“Жасур айтган эди” десам, уни сотиб қўйган бўлмасмиканман, деган андиша билан иккиланиб қолдим.

– Жасур айтмаганмиди, мабодо, – деди Абдували шошиб. Уни қачон кўрган эдинг?

– Кечаш...

– Эҳ, сени қара-ю, нега дарров менга қўнғироқ қилмадинг?

– У “Мен ўлдирмаганман, гуноҳим йўқ” деди.

– Бўлмаса қаердан билар экан Меҳрининг ўлдирилганини?

– У эртасига Меҳри билан учрашгани яна ўша ерга борган экан.

– Қизиқ... – деди Абдували ўйчан. – У хатосини тушунмаганми ёки атайлаб тушунмасликка олганми...

– Нима деганинг бу?

– Гап шундаки, ўлдирилган Меҳри эмас. У яшайдиган хонадон соҳибаси, бева аёл. Қотил қоронғида адашган бўлса керак.

– Меҳри қаерда экан ўша тун?

– У кундуз Жасур келиб кетган пайтда уйдан чиқиб

кетган экан. Шундан бери дараксиз. Хавфни сезган ва узокроқقا қочган бўлса керак.

– Бир нарсага тушунмадим. Жасурга Мехрини ўлдиришнинг нима кераги бор экан?

– Ҳамма гап мана шунда-да! Ана шу саволга жавоб топилса, масала ойдинлашади.

– Қотиллик жойида бирон из қолгандир ахир? Бу ишни Жасур қилғанлиги исботландими?

– Излар бор... Аммо бу ҳали тўла исбот дегани эмас.

– Ҳартугул, ўзинг ҳам бунга шубҳаланаётисан. Шундай эмасми?

– Шундай. Шубҳаланиш – бу менинг касбим зарурати.

– Бу гал Мехри алоқадор эмасми, ишқилиб? Ўзининг қатлига шерикчилик қилмаганмикан? – дедим кесатиб.

Абдували киноямга эътибор қилмади. Кўзлари чақнади.

– Унақа шубҳа ҳам йўқ эмас. Ким билади, дейсан. Улар хонадон соҳибасини гумдон қилиб, биргаликда қочиб кетган бўлишлари ҳам мумкин. Фақат бу гумонни инкор этувчи биттагина ҳолат бор.

– Қанақа ҳолат?

– Жасур шаҳардан чиқмаган бўлиши керак, Чунки ҳужжатлари уйда қолган. Аммо тўрт томонни имла-тешик қилиб ахтардик, ақалли бирон-бир из топилмаяпти. Ўша сен учрашган кундан бери уни ҳеч ким кўрмаган.

– Демак, уни охирги марта кўрган одам мен эканман-да?

– Шунақага ўхшайди.

– Унда... Чиндан ҳам улар бирга қочишган бўлишлари мумкин.

– Қочиб қаёққа ҳам боришарди, – деди Абдували. – Бир кунмас бир кун барибир қўлга тушишади.

Кўнглим тундай қоп-қора бўлди. Бу мудхиш воқеага аралашиб қолган кунга лаънатлар ўқидим. Ҳаммасидан ҳам мен бу мубҳам, чигал ҳодисада ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиққани, сўнгсиз гумонлар зулматида заифгина милтираб турган шамнинг сўнгани, ечмоқчи бўлганим мураккаб жумбоқнинг ниҳоятда оддий, ниҳоятда жўн, бемаъни бир воқеелик бўлиб чиққани алам қиласарди. Бинобарин, бунга шунча вақтимни, шунча асабимни сарфлаганимга афсусландим, қаҳрландим.

– Албатта қўлга тушишади, – дедим. – Бироқ буёғи энди мени қизиқтирмайди. Буёғида энди ҳеч қандай маъно йўқ, оғайни, – дедим Абдувалига. – Сенга эса омад тилайман...

Шундан сўнг бу воқеанинг давоми билан қизиқмадим. Ногаҳон ёдимга тушса, “ушлашгандир, қамашгандир” дея қўл силтаб кўярдим. Абдували билан кўришиб қолган пайтларимизда ҳам бу ҳақда сира гап очмасдим...

Беш-ўн кундан сўнг унинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди.

– Ишдан кейин бир кириб ўт, гап бор.

– Қанақа гап?

– “Мехри воқеаси” билан боғлик.

– Ушладингларми?

– Шунга яқинроқ... Келсанг, биласан.

– Кўйсанг-чи, биродар, мен бу воқеани унутиб юборишга қарор қилганман. Ушлаган бўлсаларинг, яхши, тергов қиласизлар, суд, қилиб жазо берасизлар. Менга энди қизиғи йўқ...

– Кел, келавер... масала бошқачароқ. Биз иккаلامиз бироз янглишганга ўхшаймиз.

Шу гап яна ичимга ўт солди. Нимада янглишганимиз? Мехри гуноҳсизмикан? Наҳотки? Кўнглим сезгандай бўлувди-я...

– Корасувда Жасурнинг жасадини топдик, – деди Абдували ва қўлимга қисқагина матн ёзилган бир қоғозни узатди.

– Ўқи!

Бу экспертиза холосаси эди.

“Ўтказилган кимёвий ҳамда ДНК таҳлиллари давомида мурданинг бирон-бир аъзосига шикаст етгани ёки заҳарлангани аниқланмади. Шу асосда у сузолмаслик оқибатида чўкиб ўлган ёки ўз жонига қасд қилган, деган холосага келинди”.

– У ўзини ўлдирган, – деди Абдували. – Қочиб юриш бефойдалигини тушунган. Барча қилмишлари учун ўзини-ўзи шу тахлит жазолаган.

– Мехри-чи?

– Мехри топилмади. Менимча... энди уни қидирмаса ҳам бўлади.

– Ахийри, унда гуноҳ йўқ, деган қарорга келибсан-да?

– Қарорга эмас, фикрга. Ҳарҳолда иш ёпилди.

– Демак, мен Мехри ҳақидаги мақолани ёзишга киришсам бўларкан-да?

– Унинг ўзини кўрмасдан қанақа ёзасан? Гуноҳсиз, деб ёзасанми?

– Бу ўзимга, ўз виждонимга ҳавола.

– Агар... Мехри кутилмаганда топилса-ю, “Бу ишларнинг бошида мен тургандим” деса-чи?

– Сен шубҳаланишингни ҳеч қўймас экансанда-а, Хондамир Бакирга ўхшаб?

– Кўй, ўша Хондамир Бакирни, андишасиз, сурбет бир кимса. Ундан узокроқ юрганинг маъқул. Ҳар жойга бурнини тиқиб юради, “хукуқшунос-журналистман” деб. Қўлимга тушсайди... ўзим билардим. Майли, қўявер, айт-чӣ, ҳархолда нима деб ёзардинг?

– Унда... яна бошқа мақола ёзишга тӯғри келади, – дедим Абдувалига.

– Унинг номи “Журналистнинг хатоси” бўлади, – деди Абдували кулиб.

Кеч кузнинг ёмғирли оқшоми қўйнида симобдек ялтираб ётган шаҳар кўчалари бўйлаб уйга қайтар эканман, Мехрининг менга анчайин таниш ва қадр-дон бўлиб қолган сокин ва музaffer нигоҳини кўз олдимга келтиришга ҳарчанд уриндим-у, аммо негадир бунинг уддасидан чиқа олмасдим.

Шу боисдан қанча ҳаракат қилмайин, мақолани ҳадеганда ёза олмадим. Кўрган ва эшитган воқеаларим шу қадар чалкаш, зиддиятли эдики, унинг бош қаҳрамони Мехри бир қарасанг, ҳамма фожиа ва кулфатларнинг асосий айбдори бўлиб кўринар, яна бир қарасанг, туҳматга учраб, бошига оғир савдолар тушган бегуноҳ муштипардек таассурот қолдиради. Бунинг устига Абдували айтганидек, Мехрининг ўзини кўрмасдан туриб ёзиб бўлмасди. Қизик, нега Абдували Мехри ҳақида унақа деди? Ҳазиллашдими? Ё у ҳамон Мехридан шубҳаланармикан? Демак, мақолани кечикириб туришга тӯғри келади.

Бу борада таҳририятга бир шикоят хати келди-ю, ўзимга таниш бўлган ўша воқеаларни яна қайта бошдан ўрганишга, таҳлил этишга ва давомида иштирок этишга мажбур бўлдим.

МАКТУБ

Салкам ўн беш варакли бу шикоят мактуби Мехридан эди.

У хат бошида ҳаётида юз берган фожиали воқеалар ҳақида қисқача ҳикоя қилган, сўнгра тергов ҳамда суд чоғида айрим муҳим ҳолатларга етарлича жиддий эътибор берилмагани хусусида гапириб, таҳририятдан ана шу йўналишда холисона текширув ўтказишни сўраган эди.

Мактубдаги аввал маълум бўлган воқеаларни такрорлаб ўтирмасдан Мехри айтиётган “Муҳим ҳолатлар” ҳақида тўхталаман. Уларнинг мазмуни қўйида-гича.

Бу одам Мехри ва Ҳукмнинг тўйидан сўнг муайян муддат кейин, оддий кунларнинг бирида қўнғироқ қилди. Мехрининг гўзалликда танҳо эканини айтиб, у билан танишишга, иложи бўлса учрашишга, лоақал телефон орқали суҳбатлашиб туришга изн сўради.

– Уят бўлади, қўйинг, – деди Мехри хушмуомалалик билан.

– Ҳарқалай ўйлаб кўринг. Мендек одам билан таниш бўлиш, айниқса яхши таниш бўлиш сизга ҳеч қачон зарап келтирмайди, – деди у одам. Эртаси куни пайт пойлаб яна қўнғироқ қилди.

– Лоақал кимлигимни, қандай мавқега ва қанақа имкониятларга эга эканимни билишни истамайсизми? – деди у одам.

– Бунинг менга нима кераги бор? – деди Мехри энсаси қотиб. – Кўйинг, илтимос.

– Агар истасам... шу бугуноқ керак бўлиб қолишим мумкин, – деди ўжарлик ва анчайин қўполлик билан.

– Қанақа одамсиз, ахир, қўйинг, керакмас дедим-ку сизга. Мен эрлик аёлман. Эрим билиб қолса...

– Эрингиз билмайди. Хотиржам бўлинг. Вақти келиб, мабодо билиб қолган тақдирда ҳам ҳеч нарса деёлмайди.

– Бас қилинг, – деди Мехри телефон гўшагини шараклатиб қўяр экан.

Индинга яна қўнғироқ ва яна сирли, шармсиз таклиф... Мехри бу ҳақда Хукмга айтсаммикан ё йўқми, деб ўйлади. Айтди. Хукм аввал кулди:

– Бирорта жиннидир-да, ёшми, кексами?

– Ёш йигитга ўхшамайди. Ўрта ёшли одам, шекилли.

– Унда мияси айниб қолган. Эътибор қилма.

Эртасига яна қўнғироқ. Аксига олиб, нуқул Хукм ишда пайтида. Мехри бу гал чидаёлмади. Хукмга “Телефон рақамини ўзгартиринг” деди. Ўзгартиришди. Икки кун жимлик. Учинчи куни яна қўнғироқ ва яна ўша овоз.

– Бу одам янги телефон рақамини ҳам билиб олибди, – деди Мехри.

– Падарига лаънат, ушласам ўлдираман, – деди Хукм. – Шошма-шошма, эртага рақам аниқлайдиган телефон олиб келаман...

Хукм рақам аниқлайдиган телефон олиб келишга улгурмади. “Пора” олаётганда қўлга тушиб, ҳибсга олинди.

Ўша куни кечқурун яна қўнғироқ бўлди.

– Эшитишимга қараганда, хўжайнингиз қамалиб қолибди. Ёрдам керак эмасми? – деди ўша одам. Мехри “Чўкаётган одам хасга ёпишади” деганлариdek, беихтиёр:

- Керак! Агар қўлингиздан келса, ёрдам қилинг! – деб юборди.

- Яхши. Ёрдам қиласман. Лекин аввал сиз билан учрашишимиз керак.

- Албатта, аммо... Сиз кимсиз, қаерда ишлайсиз? Қаерга боришим керак?

- Ташвишланманг. Бугун кечқурун соат тўққизда уйингиз яқинидаги бекатга чиқсангиз, ўзим бориб олиб кетаман сизни.

- “Олиб кетаман?” Қаёққа?

- Холироқ жойда ҳаммасини батафсил гаплашиб оламиз.

Мехри қўрқди. Иккиланди. Шубҳасиз, бутун вужуди билан Ҳукмга ёрдам қилгиси, уни кутқаргиси келар, аммо... Йўқ. Бу йўл билан эмас.

- Йўқ-йўқ. Бунақа учрашолмайман. Ишхонангизни айтсангиз, идорангизга борардим.

- Мен сизни еб қўймайман. Ёмон фикрга борманг. Эртагача ўйлаб кўринг...

Эртасига кўнгил сўрагани Жасур келди. Гарчанд тўйдан кейин у қадамини узган бўлса-да, оғир кунда хабар олишим керак, деб ўйлаган шекилли.

Мехри йифлади. Жасур далда берган бўлди:

- Ҳукмнинг порахўр эканига ишонмайман. Орага тухмат аралашган бўлиши керак.

Шу пайт телефон жиринглади. Яна ўша одам. Мехри нажот истаб, Жасурга қаради. Гўшакни қўли билан бекитиб, унга воқеани қисқача айтди. Жасур ғазабланди. Гўшакни олиб, жаҳл билан гапирди:

- Ўв, қанақа одамсиз. Ёрдам қиласиган бўлсангиз, айтинг, ҳузурингизга борайлик, – деди.

- Сен аралашмай кетавер, – деди овоз. – Йўқса... ёмон бўлади, бола.

- Кўлингдан келганини қил, ифлос, – деди Жасур.
- Шу гапинг эсингда турсин, – деди овоз ва ўчди.
- Товламачи бир кимса бўлиши керак, – деди Жасур Мехрига. – Зинҳор учрашувга борманг...

Мехри бормади. Ҳукм кесилди. Оқланишидан салгина олдин сирли одам бир марта қўнғироқ қилди.

- Истасангиз, эрингизнинг муддатидан олдин чиқишига ёрдам бераман. Шарт ўша-ўша...

Мехри гапиришмади. Ҳукм қамоқдан чиқиб келганидан кейин Мехри телефондаги кейинги гапларни унга дарров айтмади. Бирон ҳафта ўтгач, Ҳукмнинг ўзи гап очиб сўради:

- Ҳалиги чол бошқа қўнғироқ қилмадими?

Мехри бўлган гапларни айтиб берди. Ҳукм ўрнидан туриб кетди.

- Аҳ-а, демак... бу ўшанинг иши. Ўлдираман аглаҳни! Ўлдираман! Мени подставка қилган ҳам ўша! Палид!

– Ким у, аниқладингизми? – деди Мехри ҳайрон бўлиб.

- Аниқлаяпман...

Бу суҳбат Ҳукм йўқолиб қоладиган тунда бўлган эди.

Кейинги воқеалар эса унинг ҳаётини остин-устин қилиб юборди. Мехри қамалди. Қамоқдалик пайтида ҳам, чиққанидан кейин ҳам Мехри телефон ортидаги сирли одам ҳақида прокуратурага, судга такрор-такрор аризалар ёзди. Натижа бўлмади. Кўплар “Ҳеч жойдан нажот бўлмагач, газета таҳририятига мурожаат қилдим, ниҳоят ҳақиқат рўёбга чиқди” дейишади. Зоро, менинг аризамга ҳам жиддий эътибор бериб, адолатни тиклайдиган одам топилса...” деб тугал-

ланган эди мактуб. Бу сўзларда умид, илинж билан биргалиқда алланечук иддао оҳанги ҳам бор эдики, бу “барибир фойдаси йўқ” деган маънони англатарди. Хатда баён қилинган воқеаларни ўқиш асносида Мехрининг қиёфаси кейинги пайтларда илк бор тасавуримда ёрқин ва мукаммал жонланди. Гўзал ва мағрур аёл. Энди билсан, аввал уни нуқул мушфиқ ва муштипар аёл сифатида тасаввур қилишга уринганим учун қиёфаси сира кўз олдимда жонланмас эди. Мана энди у шундоққина қаршимда турибди. Курашчан ва сабрли. Ўжар ва бир сўзли. Ақлли ва бир қадар маккор. Йўқ-йўқ, маккор эмас! Тадбирли. Ана шундай десам тўғри бўлади.

Шикоятни текширишга киришар эканман, биринчи галда Абдувалига қўнғироқ қилдим. У кулди.

- Ҳикоянинг давоми қанақа бўлади энди?

- Буни вақт кўрсатади. Ҳозирча мактуб юзасидан “Журналист текшируви” ўтказишим керак.

- Марҳамат! Қанақа ёрдам керак бўлса, бемалол мурожаат қилишинг мумкин.

- Мен аввало ўша тергов ва суд хужжатлари билан атрофлича танишишим лозим.

- Истаган пайтинг кир. Мен тайёрлаб қўяман.

- Эртага кираман.

- Бўпти!.. Дарвоқе, малол келмаса, хатдан менга бир нусха кўчиртириб ола кел.

Эртасига Абдувалининг ҳузурига кириб, хатнинг нусхасини бердим, хужжатларни олдим ва хайрлашишдан олдин:

- Дўстим, сен ҳарқалай мутахассиссан. Ёрдаминг керак, - дедим.

- Бажонидил. Ҳозир бир жiddий ишни тергов қил-

япман. Йўл-йўлакай қўлдан келгунча ёрдам қиласман. Дарвоқе, хатни ўзи олиб келдими? Кўрдингми? Гўзал аёл-а қурғур?

– Ўзини кўрганим йўқ. Хужжатлар билан танишганимдан сўнг учрашмоқчиман.

– Эҳтиёт бўл, яна жигарингдан уриб қолмасин-а!

– Урса-чи? – дедим кулиб.

– Урса, абгор бўласан. Эътибор бермадингми, унга ошиқ бўлганларнинг иккаловиям... Сен яна учинчи бўлиб юрма?

– Нафасингни иссиқ қил-э!

– Ҳазил, дўстим, ҳазил.

– Ҳазилни қўй. Айт-чи, ўша телефондаги одам ким бўлиши мумкин?

– Ана шуни аниқласанг, марра сеники!

– Сен хув ўшандা “Ҳамма ишнинг бошида Мехри турган бўлиши мумкин” дегандинг. Ҳалиям шу фикрдамисан?

– Мен у гапни ҳазиллашиб айтганман. Агар шунаقا бўлганида... Мехри яна қамаларди. Менимча, асосий сир ўша Мехри айтаётган одамда!

– Унақа бўлса... ўша одамнинг қўнғироқлари нега текширилмаган?

– Текширилган. Бироқ ҳеч нарсани аниқлаб бўлмаган. Сирасини айтганда... Ўша қўнғироқлар ва хатлар туфайли Мехрига нисбатан тергов тўхтатилиб, шубҳадан холи деб ҳисобланган...

– Лекин ўша сирли одамни излаш ҳам тўхтатилган. Шундайми?

– Йўқ. Тўхтатилмаган. Ўша иш менда. Шояд сенинг текширувинг давомида ўша ишни ниҳоясига етказсам.

- Демак, биргалашарканмиз-да?

- Албатта!

Эртасига кун бўйи ҳужжатлар билан танишиб бўлгач, Мехри билан учрашишга тайёргарлик кўра бошладим. Уни охирги марта кўрганимга ҳам эҳ-ҳе, қанча бўлди. Ўзгарганми? Йўқ, ўзгармагандир. Иродали аёллар ўзгармайди. Абдувалининг “Эҳтиёт бўл, жигарингдан урмасин яна” деган ҳазилини эслаб, жилмайиб кўйдим. Хатда телефонини ёзмапти. Манзилига қараганда, унча узоқ эмас. Ишдан барвақтроқ чиқсан, кириб ўтсан бўлади...

Абдувалининг кутилмаган қўнғироғи шаштимни қайтарди. Ҳайрат ва хавотир уйғотди.

- Биласанми, Мехри воқеаси билан боғлиқ баъзи янги ҳолатлар чиқиб қолди. Мактубнинг асл нусхасини прокуратурага юборинглар. Менга ҳамма ишни йиғишириб, ўша воқеа билан шуғулланиш топширилди. Сенинг “Журналистик текшируви”нгни бироз кечикириб турамиз энди. Маъкулми?

Дарвоҳе, Мехри билан хабарлашмаганмидинг?

- Ҳали улгурмадим.

- Ҳозирча шарт эмас. Агар мабодо ўзи келиб, хат тақдири билан қизиқса, прокуратурага юборилган, деб айт! Келишдикми?

- Оббо-о! Одамнинг ҳафсаласини пир қилдинг-ку!

- Ҳафсаланг пир бўлмайди. Ишнинг боришидан хабардор қилиб тур. Ҳали улгурасан ҳикояни ёзишга. Ишқилиб... юрагингдан уриб қолмаганмиди? Бева аёлнинг меҳри жуда иссиқ бўлади, дейишади.

- Энди ўзинг эҳтиёт бўл, – дедим мен. – У жудаям чиройли аёл-а?

- Хотиржам бўл. Хатни қачон жўнатасан?

- Эртага.
- Бўпти. Мен ҳозирча нусхасидан фойдаланиб, ишни бошлайвераман...
- Шунчалик шошилинчми?
- Ҳа.
- Омадингни берсин бўлмаса!
- Раҳмат, оғайнини!..

Шундай қилиб, Мехри билан навбатдаги учрашувимиз бўлмай қолди. Абдувалининг “Ишнинг боришидан хабардор қилиб тураман” деган ваъдаси шунчаки фап эди. У пишиқ терговчи. Тергов жараёни ҳақида лақиллаб юрадиганлардан эмас. Шуни билганим учун ўзим ҳам бу ҳақда ҳадеб гап очаверганим йўқ.

Дарвоқе, орадан анча муддат ўтса-да, Мехри ўз мактубининг тақдирини суриштириб келмади. Демак, Абдували хат ўзида эканини айтган бўлса керак, деб ўйладим мен ва бошқа ишларга чалғиб, бу воқеани хотирамдан бир қадар фаромуш этдим. Ногаён бир кун Мехри қўнғироқ қилди.

- Мен эртага узоққа жўнаб кетяпман. Агар вактингиз бўлса, бирон жойда учрашсак. Сизга айтадиган икки оғиз гапим бор.

- Тахририятга кела қолинг.
- Қачон?
- Истасангиз ҳозир.
- Майли, бораман.

Мехри ярим соатлардан кейин келди. Биз эски қадрдонлардек сўрашдик. У чиндан ҳам... янада гўззашган эди.

- Ишлар қалай? – деб сўрадим дарҳол. – Абдували сиз билан кўришдими?

– Ҳа, – деди Мехри сал маъноли жилмайиб. – У киши сизнинг дўстингиз экан-да.

– Яхши йигит. Ўткир терговчи. Ишларни юргизиб юборган бўлса керак.

– Анча-мунчача...

– Сир бўлмаса, айтиб беринг.

– Сир эмас. Ўзим ҳам сиздан сўрамоқчи эдим. У киши уйланганми? Бола-чақаси борми?

“Аҳ-а, демак, Абдували севги изҳор қилган” деб ўйладим ногаҳон. Кейин бунга ишонмадим. Йўғ-е, терговчи-ку. Тергов жараёнида бунаقا бўлиши мумкинми?

– Уйланган, бола-чақаси бор. Нимайди? – деб сўрадим.

– Шунчаки, ўзим...

– Қани, гапиринг-чи. Сиз бу саволни бекорга берганингиз йўқ. Шундай эмасми?

Мехри охирги саволимга эътибор қилмай, кейинги воқеаларни қисқача сўзлаб берди.

АБДУВАЛИ НЕГА ИККИЛАНДИ?

Ўша кунлар мен машинасозлик заводининг соғломлаштириш муассасасига маданий ишлар мутасаддиси бўлиб ишга киргандим ва ишхонам яқинида бир кампирнинг ғарибона кулбасида ижарада турадим. Кампир асосан шаҳар марказида яшовчи қизинида тургани учун қўпинча ёлғиз эдим.

Ёлғизлик одамни букади. Ёлғизлик қамоқдан ҳам ёмон. Эзилиб кетдим. Қайнотам боламни бермади. Нима қилишни билмасдим.

Бир куни кечкурун ишдан қайтаётсам, бир маши-

на ёнимга келиб тұхтади. Эшик очилди. Ичкаридан овоз эшитилди:

– Ўтиринг Мехрихон, әлтиб қўяман.

Машина рулида ўтирган одамни дарров танидим. Бу мен сўроқ берәётган кунларнинг бирида терговда қатнашиб, савол-жавобни унсиз тинглаб, чиқиб кетганды одам эди.

– Ўтираверинг, қўрқманг. Мен таҳририятга ёзган мактубингиз ҳақида суҳбатлашмоқчиман. Сизга айтадиган муҳим бир гапим ҳам бор. Эрингизнинг ўлдирилиши билан боғлиқ...

Бу гап мени азбаройи қизиқтиргани учун беихтиёр машинага ўтирдим.

– Сиз мени эсладингизми? – деб сўради у.

– Тергов чоғида бир гал киргандингиз...

– Илгари-чи, илгари кўрмаганмисиз?

– Эслолмадим.

– Оббо сиз-эй, эътибор қилмагансиз-да! Мен тўйингизда иштирок этиб, роса рақсга тушгандим-ку. Хукмнинг ҳамкасби Абдували бўламан. Сизга мен ҳақимда Хукм ҳам гапирган бўлиши керак.

– Ҳа, гапиргандек бўлувди. Тўйда эса чиндан ҳам эътибор қилмаган эканман

– Мен эса эътибор қилгандим. Сиз жудаям гўзал келинчак эдингиз. Кейин сизни терговда кўрдим. Ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Лекин масада оғир эди. Аммо ҳарқалай сизни “иштирокчи”ликдан олиб, “била туриб хабар бермаганлиги учун” деган мoddaga ўтказдик, ҳарҳолда енгиллашди, тез чиқдингиз...

– Раҳмат, менга шунчалик ёрдам қилибсиз... Лекин Жасур ҳам айбсиз кесилиб кетди.

– Сиз нега шундай деб ўйлайсиз? Ахир ундан бош-

қа бирон-бир одамнинг на Ҳукмда, на сизда қасди бўлмаган-ку.

– Бўлган.

– Кимнинг?

– Бир одам... Бу ҳақда хатда ёзганман. Ҳукм акам ўша одам унинг қамалишига сабаб бўлганини айтганди. Кейин ўша одам мени йўлдан урмоқчи бўлиб, кўп ҳаракат қилган.

– Ҳукм ўша одам кимлигини айтганмиди сизга?

– Сал мавхумроқ қилиб айтганди. Ишимга алоқадор одам деган. Бу ҳақда Жасур ҳам оз-моз биларди. Менимча, ўша одам Ҳукм акани ўлдиртириб, бунинг учун Жасурни айбдор қилиб, сувдан қуруқ чиқиб кетди. Аммо...

– Нима аммо?

– Жасур “Ўша одамнинг кимлигини аниқладим” деб ёзган хатида.

– Ким экан? Хат сиздами?

– Хатни ташлаб юборганман, – дедим.

Аслида бу гапим ёлғон эди. Хатни ташламагандим. Кейин Жасур “Ўша одам кимлигини аниқлаган” деган гапим ҳам ёлғон эди... Нега ёлғон гапирдим, билмайман. Ҳарқалай, ёлғон гапириб, уни ҳам, ўзимни ҳам алдадим. Тўғрироғи, бу алдов эмас, ўша нобакорнинг топилажагига илоҳий бир ишонч эди.

– Бекор ташлаган экансиз хатни. Энди гап бундай. Ўша одам бундан буён сизга хат ёёса ёки қўнғироқ қилса, дарҳол менга хабар беринг. Мен сизнинг хавфсизлигингиз чорасини кўраман... Сиз бу одам шунча пайтдан сўнг пайдо бўлиб, нега менга ғамхўрлик кўрсатяпти, деб ўйлаётган бўлишингиз мумкин. Бунга ҳаққингиз бор, албатта. Мен сизга аввалроқ

учраб, илгарироқ ғамхўрлик кўрсатишим зарур эди. Нега бундай қилолмаганимнинг маълум бир сабаблари бор. Махсус топшириқ олгандим. Жуда хавфли бир жиноятчилар гуруҳини зимдан кузатиб, фош этиш топширилганди менга... У гуруҳни яқин кунларда қўлга оламиз. Сизнинг ҳаётингиз хавф остида, Мехрихон! Ўша сизга муттасил қўнғироқ қилиб, васлингизга эришмоқчи бўлган сирли одам ҳам ўша жиноий гуруҳга алоқадорлигини аниқлаганман. Шунинг учун иш тақдирини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, сизни огоҳлантиришга қарор қилдим. Энди бундан буён сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатиб, ҳимоя қилиб юришга мажбурман. Сизнинг ҳаётингизни асраш менинг учун жудаям муҳим. Бу орият масаласи. Мен вақтида қадрдон биродарим Хукмни асрай олмадим. Энди лоақал унинг оиласини ҳимоя қилишим, унга қўз олайтираётганларнинг жазосини беришим керак...

Абдувалининг гаплари анчайин ишончли туюлди. Унинг телефондаги сирли одам хусусидаги гапларига ҳам бирон эътиroz билдириш қийин эди. Ўзим ҳам ўша одамни бирон махфий жиноят гуруҳига алоқадор деган хаёлга борган эдим.

– Майли, Абдували ака, раҳмат, ҳамонки, мендек бир ғариб, муштипарни ўз ҳимоянгизга олмоқчи экансиз, бу яхшилигингиз Худодан қайтсин...

Шундан сўнг Мехри ўта қисқа, анчайин мавҳум қилиб, истиҳола билан сўзлагани учун ҳикоянинг давомини анча кейинроқ Абдувалидан эшитган айrim тафсилотлар воситасида ҳамда ўзим мантиқан қилган тахминлар, чиқарган хуносалар асосида давом эттираман.

– Ҳозир сизни бир ўртоғимнинг чорбоғига олиб бораман. Шаҳардан унча узоқ эмас. Бўш турибди. Тинч, бехавотир жой. Вақтингча ўша ерда яшанг. Ке-йин яна бир гап бўлар.

– Узоқ эмасми, – деди Мехри “чорбоғ” сўзини эшитгач, негадир юраги шувиллаб.

– Йўқ. Шаҳар автобуслари қатнайди. Менга қолса, ишингиздан таътил олиб, беш-үн кун дам олсангиз, яхши бўларди. Сал ўзингизга келиб олинг...

– Таътил бермайди, ўзи яқинда ишга кирганман.

– У ёғидан хотиржам бўлинг, мен бошлиғингизга айттираман. Хўп, кетдикми?

– Билмасам, – деди Мехри иккиланиб. Шу топда нима бўлсаям, бу ердан узоқроқقا кетиш керак, деган фикрға борди.

Абдували машинани юргизиб, шаҳарнинг кунчиқар томонига, тоғларга туташ Заркент тумани сари ҳайдаб кетди. Йўл-йўлакай Мехри Абдувалидан кампирнинг ўлдирилиши тафсилотларини суриштирди.

– Жасурдан гумон қилишаётгани ростми?

– Бу тахминлардан бири. Янаям ким билади, дейсиз. Ҳарқалай Жасур йўқ. Уни излашяпти.

– Яна мени излаб топиб олмасмикан?

– Шунинг учун сизни хавфсиз жойга олиб бормоқчиман. Қўриқланадиган бехавотир жой.

Чорбоғ туман марказининг четроғидаги кичкина бир қўрғонда экан. Қўрғон деганимиз, ичида беш-үнтача чорбоғ ҳовлилар жойлашган, атрофи баланд девор билан ўралган қалъа бўлиб, дарвоза ёнида қоровул турибди. Чорбоғнинг ўзи эса тўрроқда, куюқ дарахтзор қўйнида. Қорасув бўйидаги икки қаватли мўъжаз, кўркам иморат. Деворлари баланд. Устидан

тиканли сим ҳам тортилган. Ҳовлисининг сатҳи кичкина. Аммо чиройли. Тиниқ сувли чорсидек мармар ҳовузча, атрофида анвойи гуллар. Биринчи қаватда битта кенг меҳмонхона ва ошхона. Ҳамма хоналар дид билан жиҳозланган. Телефон ҳам бор.

– Мана шу камтарона кошона бугундан эътиборан сизники, – деди кулимсираб Абдували хоналарни қўрсатиб бўлгач. Мехри ҳайрон қолиб, беихтиёр сўради:

– Ўртоғимники дедингиз-ку!

– Ўртоғим узоқ хорижга ишлагани кетган. Қачон келиши номаълум. Шу боис, ўз уйингиздек ҳис қилинг.

Мехри илк бор Абдувалига қизиқсиниб қаради. Шу пайтгacha унга нисбатан қанақадир шубҳа ва гу-монларга тўла бўлган кўнглининг тубида бир илиқлик уйғонди.

– Бу аслида чорбоғ эмас. Тайёр ҳовли-жой. Қишин-ёзин яшаса бўлади. Ҳамма шарт-шароити етарли. Шаҳаргаям унча узоқ эмас. Мен ҳисоблаганман. Марказгача роппа-роса йигирма чақирим. Автобус ўн беш дақиқада олиб боради.

Мехри индамай турарди. У бир зум хаёл оғушида қолганди. Шу шоҳона манзилда доимий яшашни тасаввур этди. Ўғлини олиб келса... Мана шу сўлим ҳовличада чопқиллаб ўйнаб юрса у. Бунинг учун... Мехри бунинг учун Абдувалига хуштор бўлиши лозимлигини англаб турарди. Акс ҳолда Мехрининг муаммоларини ҳал этишга бу қадар ҳаракат қилиб юрмасди. Унинг кўзларида ўлжасини авраб, тузоқقا яқинлаштираётган овчининг нигоҳи акс этиб турибди. Зеро, бу ҳаётда мўъжизалар ўз-ўзидан юз бер-

майди. Бошингга оғир кун тушганда ногоҳ ёрдамга келадиган оқ отли шаҳзода эртакларда, киноларда бўлиши мумкин, холос.

“Бадбин бўлма, бирор сенга яхшилик қиласман, деб турса-ю, хаёлингдан ўтган гапларни қара. Балким ростакам беғараз яхшилик қилмоқчирид”.

Бу қарама-қарши ўйлардан, шубҳа-гумонлардан чарчаб кетди. “Э, бор-э, нима бўлса-бўлар, бошга тушганини кўз кўтар” деб қўл силтади. Ўзини шўх-шодон, бепарво тутишга ҳаракат қилди.

- Ошхонада, совутгич ичида масаллиқлар бор. Агар малол келмаса, бирон овқат пиширсангиз, биргаликда тамадди қиласардик, – деди Абдували Мехрининг чеҳраси очилганидан хурсанд бўлиб.

– Ҳозир...

Мехри кийимларини алмаштириб, овқатга уннаб кетди. Бир зумда ковурдоқ тайёрлади. Абдували меҳмонхонадаги каттакон столнинг бир чеккасида тўкин дастурхон тузади. Озгинадан шароб ичишди. Мехрининг оппоқ юзи олмадай қизарди. Ўзини анча эркин тутди. Абдувалига илк бор бошдан оёқ разм солиб, “ёмон одамга ўхшамайди” деб ўйлади. Қизифи, унинг хаёлида Абдувалининг ёши, юз-кўзи, қадди-қомати ҳақида бирон-бир фикр айланмасди. Бунинг сабаби Мехри ҳали юрагини буткул босиб олмагани билан боғлиқ эди. “Жасур чиндан ҳам мени ўлдирмоқчи бўлганмикан? Қайси гуноҳим учун? Наҳотки у Ҳукмнинг ўлими, ўзининг қамалишида менинг ҳам иштироким бор, деб ўйлаётган бўлса?”

– Сиз тинчланинг, Мехрибону, – деди Абдували унинг фикрларини ўқиётгандек. – Энди сизга ҳеч ким, ҳеч қачон дахл қилолмайди. Умуман... Мен ҳозир

кетаман. Қоровулға қаттиқ тайинладим. Шунга қара-
масдан, дарвозани маҳкам бекитиб ётинг. Бирон нар-
садан хавотирлансангиз, күнғироқ қилинг. Абдували
қўл телефонини ёзиб бериб кетди. Мехри ажабланди.
У “Бу кеча шу ерда тунаса керак, севги изҳор қилса
керак” деб ўйлаганди. Уни кузатар экан, “чиндан ҳам
беғараз одамга ўхшайди” деб ўйлади.

Тунда безовта ухлади. Эрталаб сал тинчланди. Ту-
риб нонушта тайёрлади. Иштаҳаси бўлмади. Абдува-
лига кўнғироқ қилди. “Келинг, бирга нонушта қила-
миз” деди. Абдували тушликка бора олишини айтди.
“Бўлмаса, бугун ош қиласман” деди. У ўзини ошга уста
деб ҳисоблар, Абдувалини бир қойил қолдирмоқчи
эди. Ошга уннаш баробарида “Абдували ака албат-
та оиласлик бўлса керак. Мабодо, яқинлик қилишга
уринса, никоҳ ўқитинг деб шарт қўяман. Пинҳона
бўлсаям, майли. Ҳарҳолда ҳалол бўлади” деб ўйларди.

Абдували келди. Ошни мақтаб-мақтаб еди. Шо-
шилиб ишга отланди. Мехри оғринди. Ҳайрон бўлди.
Бошда шавқ билан гирдикапалак бўлган одам мақ-
садига эришай деб турганда иккиланаётганидан эн-
саси қотди. Эҳтимол, ўлжасини қафасга қамаб олгач,
энди шошилмасдан мазза қилишни мўлжалляяпти,
шекилли...

– Кечки овқатга келасизми, – деди Мехри нозли
бир оҳангда. Кейин уялиб кетди. “Мен нима қиляпман
ўзи, менга нима бўлди?” Дарҳол ўзини оклади. “Мен
ҳам тирик инсонман. Эrim ўлганига ҳам шунча вақт
бўлди. Ҳибс азоблари асабларимни қақшатган, руҳим
толиққан. Нега энди ўзи изимдан қолмай юрган, оғир
аҳволда қолганимда ёрдам қўлини чўзган яхши бир
эркакка майл билдиришдан уялишим керак?”

– Йўқ, келолмайман Мехрихон. Ишлар шунчалик кўпки, ярим тунгача машинка чиқиллатишга тўғри келяпти...

Шу кетганича, Абдували бир ҳафта кўринмади. Якшанба куни кечга яқин келди.

– Э, айтганча, ҳозирча бу ерда бир-икки одамга кўринмай турганингиз маъқул.

– Кимга?

– Менинг журналист ошнамга. У шов-шув ишқибози. Ва ўтакетган хаёлпараст, ваҳимачи. Мендан сизни бир-икки марта сўради. “Фойиб бўлган” деб қўя қолдим.

– Нега унақа дедингиз? Ахир...

– Биласизми, у атрофингиздаги воқеаларни но-тўғри талқин этиб, мақола ёзиши мумкин. Ортиқча гап-сўзнинг нима ҳожати бор? Умуман... биласизми... сизга кутилмаган бир таклиф ва битта совға тайёрлаб қўйдим.

– Қанақа таклиф? – ҳайрон бўлди Мехри.

Абдували чўнтагидан иккита билет чиқарди.

– Туркияда, Мармар денгиз соҳилида бир оромгоҳ бор. “Сокин қирғоқ” деб аталади. Ўша ерда дам олиб қайтасиз.

– Вой, менми, – деди Мехри ҳайрати ошиб. – Мен умримда хорижда бўлмаганман-ку. Кейин... бир ўзим...

– Кўрқманг. Бир ўзингизмас... Энди совғамни айтай: қайнотангиз билан гаплашдим. Ўғлингиз билан борасиз.

Мехри ногаҳоний қувончдан энтикиб кетди. Қулоқларига ишонмади. Ўрнидан туриб кетди. Абдувалини ҳаяжон билан қучоқлаб олди. Юзидан ўпди.

– Ростданми? Ростдан ўғлимни кўраманми? У билан дам олгани бораманми? Ростми шу? Алдама-япсизми?

– Рост, рост. Лекин ҳозирча ўғлингизни бутунлай олиб беролмасам кёрак. Ҳар ҳолда бирга бўлинг-чи, кейин яна ййлашармиз...

– Қачон олиб келасиз ўғлимни?

– Эртага тушдан кейин. Кейин тўғри аэропортга жўнаймиз.

– У ёқда... Туркияда бизлар адашиб кетмаймизми?

– Кутиб олишади. Хотиржам бўлинг.

– Ким кутиб олади? – қизиқсинди Мехри.

– Сизга айтгандим-ку, дўстим хорижда деб.

– Манови уйнинг эгасими?

– Ҳа... Ўн беш-йигирма кундан сўнг ўзим ҳам етиб бораман.

– Вой, гап билан бўлиб, сизга чой қўйиб бермабман, – деди эркаланиб Мехри. Кейин нозланиб сўради:

– Бугун... қоласизми?

Абдували “ялт” этиб қаради. Қизарди. Кулимсиради.

– Жон деб қолардим-у... Ҳеч кимга айтмайсизми?

– Вой, кимга айтаман, – деди Мехри уялиб.

Абдували бир нуқтага тикилиб, ўйланиб қолди. Қовогини солиб, ўзини қўлга олди.

– Йўқ! Мехрихон, бу гапим ҳазил... Сиз билан... Ўша ёқда батафсил гаплашамиз. Ҳозир... Ҳозир мен кетишм керак.

Абдували шундай деди-да, шашт билан ўрнидан туриб, эшикка йўналди. Мехрининг юзига қайтиб ўгирилиб қарамади ҳам. Чиқиб кетди. Мехри лол туриб қолди...

– ...Мен Абдували акага “Эрталаб шаҳарга тушиб, уйдан айрим нарсаларимни олиб келсам майлим” деб сўрагандим. У рухсат берди. “Фақат эҳтиёт бўлинг” деди. Уйга кириб, қайтишда сизнинг олдингизга келдим, – деди Мехри. – Шундай қилиб бизлар хорижга кетяпмиз. Билмадим, нима бўлади? Ўртоғи ким, унга ишонса бўладими? Оёғим тортмай турибди. Сиз нима дейсиз?

– Абдували бирон нарсани ўйлаётгандир. Ҳамонки... ўғлингиз билан жўнатаётган бўлса...

– Бораверайми?

– Боринг. Лекин эҳтиёт бўлинг. Муаммо туғилса, менга қўнғироқ қилинг.

Мехри кетгач, у айтган гаплар, унинг қўнглидаги хавотир, иккиланиш ҳақида узоқ ўйлаб ўтиредим. Абдувалининг Мехрини уйидан олиб кетиб, қанақадир чорбоқقا олиб боришини унча тушунолмадим. Эҳтимол, чиндан ҳам Мехрининг ҳаётига хавф туғилгандир. Бироқ, бунинг учун уни кимнингдир ҳашаматли чорбоғига яшириш шартмиди? Бунинг тагида бошқа гап йўқмикан? Кейин тўсатдан хорижга жўнатиш. У ёқда қанақадир “дўсти” кутиб олиши... Хуллас, ғалати.

Балким тергов давомида юзага келган вазият заруратидир. Билмадим. Бунинг устига Абдувалининг мен билмайдиган қанақа “дўсти” бўлиши мумкин? Ким у? Дарвоқе, ўша ҳашаматли чорбоғни ҳам ўша дўстиники, деб айтган-ку. Бундан чиқди, ўша дўст бой-бадавлат одам-да! Ана, топдим.

Кўз ўнгимда бундан анча йил олдин рўй берган айрим воқеалар жонланди.

АБДУВАЛИ ВА “УСТА”

Шубҳасизки, энди муҳтарам ўқувчимда ҳам муайян янги саволлар пайдо бўлди. Жумладан, уни Абдувалининг ғайритабии ҳатти-ҳаракатлари таажжубга солади. У ҳақда муфассалроқ билишни истайди.

Очиғини айтсам, ўша пайтлар ўзим ҳам Абдували хусусида етарлича тасаввурга эга эмасдим. У билан бир мактабда қўшни синфларда ўқиганмиз. Институтни эса бошқа-бошқа шаҳарларда тугатдик. Абдували оддий қишлоқ оиласидан чиққан.

Отаси дўкончилик қиларди. Яхши ўқиган. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшуносликка кириб кетди. Мен эса журналистикага балим етмай, тил-адабиёт бўлимининг кечкисига илингандим.

Вилоят газетасининг ҳуқуқ бўлимида ишлаганим учун ҳуқуқий идораларга бот-бот кириб турардим. Абдувалининг ўқишини битказиб, шаҳардаги туманларнинг бирида терговчи бўлиб ишлаётганини тасодифан билдим.

Учрашдим. Суҳбат қурдим. Болалик, мактаб даврларини эслашдик. Шу-шу тез-тез хабарлашиб турадиган бўлдик. У фош этилган жиноятлар тафсилоти ҳақида маълумотномалар ёзар, мен уни қайта ишлаб, мақола тайёрлардим ва иккаламизнинг имзоимиз билан чоп этардим.

Матбуотда мунтазам чиқиб тургани учунми, Абдували дарров кўзга ташланди. Тез ўсди. Шаҳар, сўнгра вилоят прокуратурасига ишга ўтди. Абдували табиатан анча шинаванда, даврасевар йигит экани шундан сўнг билинди. Уни турли тоифадаги кишилар турли зиёфатларга таклиф қилишар, Абдували имкон қадар

уларнинг сазасини ўлдирмасликка интилар, гоҳида мени ҳам бирга олиб борар эди. Дарвоқе, Мехри саргузаштларидан беихтиёр воқиф бўлишимга ҳам Абдували сабабчи эканини биласиз. Ўша тўйга борганимиз, келин-куёв билан бир лаҳзалик сухбат қуриб, тўйхонани тарк этганимиздан хабардорсиз.

Мехри “сирли қўнғироқ” ва унга ғойибона ошиқ бўлиб, висол таъма этган номаълум кимса ҳақида гапираётганида бот-бот тўйхонани, Мехри билан тасодифий қисқа танишувни кўз олдимга келтирдим. Абдували билан тўйга борганимизни эсладим. Тўйдаги даврамизда Абдувалидан ташқари, мен танимайдиган икки-уч киши ҳам бор эди.

Кимдир уларни “келин томондан” дея изоҳ берган, мен уларга бошда унчалик жиддий эътибор бермаганман. Фақат улардан биттаси – ёши биздан сал каттароқ, кўринишидан анча салобатли, пўрим кийинган, бўйинбоғига қимматбаҳо тўғнагич қадалган, чап қўлининг шаҳодат бармоғида майда жавоҳирлар қадалган олтин узук тақсан одам сал-пал эътиборимни тортди.

Ёнидаги икки одам унга тинмай гирдикапалак бўлишар, “Уста, чой ичинг. Уста, овқатдан олинг” деб мулозамат қилиб туришарди. Мен беихтиёр бу одам ниманинг устаси экан, деб ўйладим. Эҳтимол, дурадгор ёки сандиқсоз устанинг қимматбаҳо тўғнагичли итальянча бўйинбоқقا ва жавоҳир кўзли узукка қурби етмаслигини тушунганим учун шундай деб ўйлагандирман.

Мени ҳайратга солган яна бир ҳолат – Абдувалининг ўша одам билан қуюқ сўрашгани, унинг эса ошнамга анчайин нописанд муомала қилгани бўлди.

Бу менга оғир ботган ва Абдувалидан секингина “Бу ким ўзи?” деб сўрагандим. “А-аҳ, замонавий савдогарлардан бири” деб қўйганди Абдували.

Кейин иттифоқо, уларнинг паст овозда гаплашашётгани қулоғимга чалинди.

– Бу шағирдингизнинг бошига баҳт қуши қўнғани, шундай опатижонди қўлға кирғазди, – деди у.

– Ўзиям анча қийналди-ёв, қўнглини топгунча, – деди Абдували. – Сиз келинни яхши танийсизми?

– Сағал-пағал. Омма-лекигин... гулни гулга эмас... тиканға қўшилғани манға унча жақмади...

– Қўйинг энди, унақа гапларни. Икки ёш баҳтли бўп кетишин...

Мен ўшанда бу гапларга эмас, негадир “замонавий савдогар”нинг овози ғалати эканига, “ға-ға”лаб гапиришига эътибор бердим. Томоғида касали бор шекилли, деб ўйладим. Яна бир нарса мени ҳайратга солди: бу одам ўта замонавий ва қимматбаҳо кийимлар кийганига, зару зеварга бурканганига қарамай, ўзини худди оддий бир аравакашдек тутарди. Айни пайтда бу “аравакаш уста” вилоят прокуратураси ходимига нописандлик билан “Валибой” деб мурожаат этиши қизиқ.

Қайтиб уни кўрмадим. Орадан озгина муҳлат ўтгач, мени Шимолдаги марказий шаҳарлардан бирига малака ошириш учун уч ойлик ўқишга юборишли. Ётоқхонамиз шаҳарнинг қадимий қалъаси ёнида, сокин оқадиган дарё соҳилида жойлашган эди. Кунлардан бир кун курсдошларимдан бири “Ҳамشاҳрим келган экан, “Метрополь” меҳмонхонасида зиёфат беряпти. Кечқурун бирга борамиз” деб қолди. Бордик. Кеча совуқ ва ёмғирли ҳаво бўлишига қарамай, муҳташам

мехмонхонанинг “Қишки боғи” баҳор чоғларидаги-дек гулгун ва ҷароғон эди. Шу улкан “Қишки боғ”да анвойи ҳидли гуллар кўйнида, фаввора ёнида бир нечта стол кўйилган бўлиб, файзли дастурхон атро-фида ўн чоғли одам ўтиришар, узун, оппоқ ва силлиқ оёқли хизматкор қизларнинг кўли-кўлигà тегмасди.

Давра тўрида эса ўша мен тўйда кўрган “Уста” сав-лат солиб ўтиради. Бизни кўргач, даврадагилардан уч-тўрт киши ўрнидан кўзғалиб, “Қани, қани, марҳа-мат” дея юқорироқдан жой кўрсатиши. Мен “Уста”га яқинроқ жойга ўтириб қолдим. У саломимга жавобан бош иргаб қўйди.

Даврага ушбу шаҳарда ўқиётган юртдош талаба-лар-у бизга ўхшаш “малака”дагилар чақирилган эди. Курсдошим: “Уста” бунаقا зиёфатларни мунтазам бе-риб туради” деди. Зиёфат алламаҳалгача давом этди. Коғасули бирон кишига сўз беришдан олдин унга “Муҳтарам “Уста” жанобларининг камтарона дас-турхонига хуш келибсиз” деб қўяр ва ҳар гал албат-та, “Уста” шаънига бир-икки оғиз ҳамду сано айтиши-ни канда қилмасди. “Уста” деярли гапирмас, фақат мақтов ҳамда миннатдорлик сўзларига жавобан бош қимиirlатарди.

Курсдошим буни “Томоғидаги касали сал зўрай-ган бўлса керак” деб изоҳлади. “Нима касали бор?” деган саволимга: “Кейин айтиб бераман” деб жавоб қайтарди. Зиёфат баробарида “Уста”нинг шимолий шаҳарларга туркона доривор моддалар, жумладан мўмиё, турли гиёҳлар етказиб берадиган ширкати борлигини, биз ўқиётган шаҳарда ҳам “Шарқ табоба-ти” номли дўкон, дорихона, даволаш мажмуаси очга-нини билиб олдим.

Зиёфатдан сўнг “Уста” меҳмонларнинг ҳар бири билан сўзсиз, қўл қисишиб хайрлашди. Жумладан, мен билан ҳам. Хайрлашиш баробарида ёнида анчайин каттакон сафархалта кўтариб турган ёрдамчиси унинг имосига қўра, бир боғлам пул узатди ва “Уста томонидан моддий ёрдам” деб тиржайиб қўйди. Курсдошим ҳам бу кўмакдан баҳраманд бўлибди. Йўлда билдим. Санаб кўрсак, анчагина пул. Мен журналистга хос “ношукурчилик” билан:

– Қаердан топади бунча пулни? – деб сўрадим.
Курсдошим аввалига:

– Бофини сўраб нима қиласан, – деди. Сўнгра бояги изоҳни такрорлади:

– Шарқона дори-дармонлар сотади. Бу жуда сердаромад бизнес.

– Дарвоқе, томоғида нима касали бор дегандингиз?

– Бунинг тарихи қизиқ, – деди курсдошим. – Айтишларича, “Уста” ёшлигига бир хато қилиб қамалган. Қамоқхонада бўлган тўполонда маҳбуслардан бири унинг бўйнига пичноқ тортиб юборади. Кекирдаги кесилган “Уста” бўйнини қўли билан қисиб, қонсираган ҳолда тиббиёт қисмига етиб боради. Врачлар унинг кекирдагини тикиб, ўлимдан сақлаб қоладилар...

– Аҳ-а, бундан чиқди, “Уста” жаноблари “шеф”лардан экан-да, – дедим. Аслида “жиноят оламиға алоқадор экан-да” демоқчи эдим-у, “Еган оғиз уялар” қабилида тилимни тийдим. Дарвоқе, “Уста”нинг ҳақиқий исми-шарифи қанақа?

– Буни рости, ўзим ҳам аниқ билмайман. У бизнинг тумандаги энг чекка, тоғ орасидаги қишлоқдан. Айтишларича, у қамоқдан чиқиб келганидан сўнг ке-

кирдагини доривор гиёхлар ёрдамида даволаган ва шу тахлит шарқ табобати билан шуғуллана бошланы...

Үқишдан қайтиб келганимдан сүнг Абдували билан бир гал учрашганимизда “Уста”дан гап очдим. Адашмасам, бу ўша Хукм қамалган кунлари эди. “Тўйдаги “Уста”ни мен Шимолдаги шаҳарда учратдим. Зиёфатини едим ва ҳатто, хайрия тариқасида берилган моддий ёрдамидан ҳам баҳраманд бўлдим” дедим.

Абдували “Уста”нинг номини эшиитгач, кайфияти бузилиб, қовоғи солинди. Аммо буни сездирмасликка тиришди. Гапни бошқа томонга буриб юборди. Мен ўжарлик билан мавзуни яна “Уста”га қайтардим:

– Яхши одам экан, – дедим. Абдували кинояомуз кулимсиради.

– Яхши одам... баъзи ахмоқона қилиқлари бор, – деб қўйди. Мен буни “нописандлигини назарда тутяпти” деб тушундим.

– Ҳа, энди, бизнинг халқ пули кўпайса, унча-мунчани писанд қилмай қўяди-да, – дедим. Кейин гап яна бошқа мавзуга бурилиб кетди.

Ростини айтсам, ўша кезларда “Уста” сингари “тадбиркор”лар анча-мунча топиларди. Албатта, мен ўша кезларда барча содда одамлар қаторида “Замона зили”ни етарли даражада чуқур англаб етмаганман. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши, илдизи, танаси ва шохлари ҳақида атрофлича ўйлаб ҳам қўрмаганман. Мен “Ёш мутахассис” эдим ва фикру зикрим тезроқ “ўсиб”, мансуб бўлган доирада муносиброқ мавқени эгаллаш истаги билан банд эди. Ҳа, шунақаси ҳам бўлади. Шахсий ташвишларингдан ортмай, жамиятда юз беряётган ғаройиб воқеалардан бехабар қоласан, киши.

Мавриди келиб қолгани учун мен ана шу ҳодисалар бобида кейинроқ қылган таҳлил ҳамда хулосаларимни аввалбошданоқ қисқача айтиб кетишни лозим топдим.

Алқисса, “Уста” ва унга ўхшаган “Янги замон кишилари” ўз бизнесларини ҳимоя қилиш учун ҳокимият, прокуратура, милиция идораларига яқинлашишга, уердан ўзларига ишончли дүстлар топишга уринишган.

Бунинг учун улар тез-тез турли “базми жамшид”-лар, тўй-ҳашамлар уюштиришиб, давраларнинг тўрларини “тўралар” учун мунтазир қилиб қўйишарди. Менга ўқиш вақтида кўрсатилган ёрдам ҳам тасодифий бир “хайрия” ёки мурувват эмас, балки узоқни кўзлаб қилинган режали тадбир бўлган, шекилли.

Хуллас, Абдували билан сұхбатимиз бошқа мавзуларга ўтиб кетган бўлса-да, “Уста” ҳар иккаламизнинг тасаввуримизни тарқ этмаганини англаш турадим.

Шунда мен ногаҳон “Уста” билан яқинроқ танишсам-чи” деган фикрга бордим. Абдувалидан бу ҳакда илтимос ҳам қилиб қўрдим. У бу “савобли” ишдан ўзини олиб қочди:

– У асосан хорижда юради...

– Ҳар ҳолда бир келган вақти учраштири. Мен унга мусофирилик вақтимда кўрсатган ёрдами учун самимий миннатдорчилик билдиromoқчиман.

Бу илтимосим, адашмасам... хув ўша, Ҳукм қамалиб қолган вақтларга тўғри келган бўлса, ажабмас. Кейин мен бошқа ташвишлар билан овора бўлиб, “Уста”ни ёдимдан чиқардим. Агар Мехрининг ҳикояси боис бўлмаса, эҳтимол, уни ҳали яна анчагача эсламай ҳам юрган бўлармидим...

Мехри билан учрашувдан сўнг икки-уч кун ўтгач ҳам “Абдувалининг хориждаги дўсти ким, “Уста” эмасми?” деган савол менга тинчлик бермади. Унга қўнғироқ қилсам, Мехрининг ҳузуримга келиб кетганини билдириб қўймасмиканман, деган истиҳола-га бордим. Шунчаки, билмасликка олиб, гап орасида сўрасам бўлар. Қани... бир қўнғироқ қилай-чи.

- Салом, дўстим Абдували!
- Ваалайкум ассалом!
- Ишлар қалай?
- Тузук.
- Мехрихоннинг аризаси бўйича бирор янгилик борми?
- Бўлиб қолар...
- Ўзини кўрдингми? Қалай экан?
- Кўрдим, яхши
- Шу ердами?
- Шаҳарда эмас. Беш-үн кун дам олгани санаторийга кетган. Ўзинг қалайсан? Ижодлар яхшими?
- Яхши, - дедим-у, шу пайт каллам ишлаб кетди. Ярми ёлғон, ярми чин қилиб, мақсадга кўчдим:
- Бир китоб чиқармоқчиман. Пулдорроқ ҳомий керак. Менга қара, ҳалиги “Уста” оғайнимиз қарашиб юбормасмикан?
- Менимча йўқ. У хорижда-ку.
- Сен хабарлашиб турибсанми?
- Анча бўлди, алоқамиз узилиб кетган. Унга яқинлашмаганинг маъқул.
- Нега энди? Бир-икки миллион ёрдам қилса, давлати камайиб қолмас.
- Ундан пул олишни хаёлингдан чиқариб ташла!
- Нима учун?

– Кейинроқ... тушунасан. Дарвоқе, мен эрта-индин ўн-үн беш кунга хизмат сафарига кетсам керак. Ҳалиги... Мехрининг шикоят хатига жавобни яна бир ойга кечиктириб турарсан.

– Қандай қилиб?

– “Тергов кетаётганлиги учун” деб изоҳласа бўлади-ку. Хўпми?

– Хўп. Сафар узоққами?

– Йў-ўқ. Яқин...

Мен ундан “Туркияга “Сокин қирғоқ” оромгоҳига, Мехрихоннинг ёнига эмасми?” деб сўрашимга бир баҳя қолди. Ўзимни босдим. Ҳамонки, ўзи айтмадими, унақа қилиш одобдан эмас. Ундан ташқари Мехрининг ишончини суиистеъмол қилиш ярамайди.

Шундай деб ўйлаш баробарида кўнглимдан “Шошма, бу Мехрихоним сени ҳам, Абдувалини ҳам, умуман эркак зотини лақиллатиб, ўйнатиб, ўз ишини битказиб, айшини суриб юрган бир маккор аёл эмасми-кан?” деган шум фикр ўтди. Кўнгил – душман, дейдилар. Мехрининг унақалигига ишонмайман. Шунчаки, у ақлли аёл. Дўстлар ўртасига совуқчилик тушмасин деган. Гўзал ва ақлли аёл. “Кўйсанг-чи, унақаси бўлмайди. Аёлнинг бир йўла гўзал ва ақлли бўлиши ҳаётда учрамайдиган ҳодиса” деди менинг ўжар кўнглим яна...

– Майли, сафарлар бехатар бўлсин, – дея ҳайрлашдим Абдували билан.

– Хафа бўлма, қайтиб келай, биргалашиб, бошқа бир ҳомий топамиз, китобингга, – деди Абдували.

Шундай қилиб, “Уста” ҳақидаги саволимга жавоб тополмай қолдим. Нега Абдували уни мендан яна қочирди? Давлатманд ва сахий ошнасига мени яқин-

лаштиришни нега истамаяпти? Унинг саҳоватига ортиқча яна битта шерик пайдо бўлмасин, деяпти шекилли?..

Ажабки, “Уста” ҳақидаги саволимга тез орада кутилмаган жойдан жавоб топдим.

МЕҲРИНИНГ ҚАЙТИШИ

Орадан бир ой ўтди. Шу вақт орасида икки-уч бор хизмат сафарида бўлдим. Ишда бўлган кунларим бир-икки бор Абдувалига қўнғироқ қилдим. “Ҳали хизмат сафаридан қайтмади” дейишиди. Унинг менга ҳалигача номаълум бўлган “дўсти” ҳақидаги суриштирувларимдан ҳеч иш чиқмади. “Уста” бўлса керак-да, дея қўл силтаб қўя қолдим.

Лекин Мехрини у кўра-била туриб, савдогар бойваччанинг чангалига юбориши сира ақлимга сиғмади. Нега? Кудратли бир одамнинг паноҳида тургани маъқул, деб ўйлаганмикан?

Наҳотки, Мехрини ҳимоя қилишнинг шундан бошқа чораси топилмаган бўлса? Бироқ Абдувалининг мен билмайдиган бошқа бойвачча ўртоқлари ҳам бўлиши мумкин эмасми? Ахир, ҳарқалай, прокуратура ходими-ку. Нега мен “Уста”га бу қадар ёпишиб олдим? Қолаверса, унинг ёмон одам эканлиги ҳақида ҳеч қанақа далил-дастагим йўқ-ку. Нима, пули кўп одамнинг ҳаммаси ёмон бўлаверадими? Бугун пулдор кишилар орасида қанча-қанча саҳоватли, савобталаб, камтар ва камсуқум одамлар бор-ку.

Аслини олганда, “Уста” ҳам ўшанақалардан. Ўзим ҳам унинг саҳоватидан баҳраманд бўлганман. Хўш, ундей бўлса, нега ҳадеб Мехрини гоҳ Абдували, гоҳ

“Уста” чангалида тасаввур этиб, қизғаниб юрибман. Абдували айтганидек, бу хушрўй жувонга ўзим ҳам ошиқманми?

Тўғриси, кўнглимнинг бир четида ана шу савол бор эди ва уни қачондир ўзимга-ўзим беражагимни билардим. Энди унга холис жавоб қайтармоғим керак!

Холисанилло айтсам, чиройли, бунинг устига боши очиқ аёлни кўрган анча-мунча эркак кўнглида ихтиёrsиз бир ҳавас пайдо бўлиши табий бир ҳол.

Эҳтимол, бу дарвинизм назарияси нуқтаи назаридан айтганда, оддий атавизм ҳодисасидир. Ёки иймон сустлигимилик? Билмадим. Лекин мен мудом ўзимдаги ана шу ҳавасни енгишга ҳаракат қилиб юраман.

Дарвоқе, менда бу ҳавас қачон пайдо бўлган эди? Янглишмасам, Мехрини суддан кейин кузги хиёбон бағрида учратган чоғимда. Куз ўзи шунаقا фасл. Табиатдаги гўзаллик чекина бошлайди. Кўнглингда зерикарли бир бўшлиқ пайдо бўлиб, нимадандир айрилганингни, ниманидир софинаётганингни ҳис этсан.

Ўзингга аллақандай бир овунч ахтарасан. Ногаҳон хазонрез боғлар қўйнида ёқутдек нур таратиб турган қирмизи атиргулга қўзинг тушса, ёш боладек қувониб кетасан. Дарвоқе, мен ўшандаёқ бу ҳақда гапирган эдим-ку.

Фақат ўша қирмизи атиргул кейинроқ қишда ҳам, баҳору ёзда ҳам тасаввуримни тарк этмаганини, қачон уни эсласам, кўнглим кундай ёришишини айтмаганман. Мана энди айтдим. Лекин бу ҳавас, холос. Бу ҳаваснинг самимий ҳайриҳоҳликдан бошқа нар-

сага айланиб кетишини истамаганман. “Ҳар хотинга ошиғу, ҳар қизга хуштор авлиё” бўлиш нақадар кулгили эканини биламан. Лекин...

Кўнглимнинг бир четида доимо “Энди Мехри нима қиларкан? Кимгadir яна кўнгил қўярмикан? Шундай моҳитобон аёлнинг муҳаббатига қандай баҳтли одам сазовор бўларкан?” деган саволлар тез-тез айланар ва Мехри охирги марта “Сиз билан учрашсак, маслаҳат берсангиз” деб кўнғироқ қилганида, Абдувалидан яширинча олдимга келганида яна бир янги савол пайдо бўлган эди: “Мехри мен ҳақимда нима деб ўйлар экан?”

Бунга табиийки, Мехрининг менга ўзини яқин олгани, маслаҳат сўрагани сабаб бўлди. Эҳтимол. Мехри бир пайтлар марҳум эри ҳақида оқлаб мақола ёзганим учун шунчаки ҳурмат ҳис этар. Ёки ёлғиз аёл сифатида кимгadir суюнгиси келгани учун “Ҳарқалай зиёли одам-ку” деб мени танлагандир. Бунда ҳеч бир ғараз, ҳеч бир ёмон фикр йўқdir. Ҳарқалай, эркак зоти аёл киши томонидан билдирилган ҳар қанақа имдод, ҳар қанақа тараҳҳумни “Ғунажин кўзини сузди” деб қабул қилмаслиги керак. Айни пайтда нафси-ламбрини айтганда, курғур эркак барибир буқалиги-га бораркан.

Буни Абдували уни хорижга дам олишга юбораётганини эшишган заҳоти сездим. Ихтиёrimдан мутлақо ташқари бир ҳолатда Мехрини Абдувалидан қизғандим. Бу рашк эмасди. Рашк қаттиқ севгувчи ошиқ кишида ёки аёлга ўзининг дахлсиз мулки деб қаровчи нодон эрларда бўлади. Меники, қизғанишдан ҳам кўра, Мехрини асрар, қўриқлаш истагига ўхшаб кетар эди. Айни пайтда бу истак агар Мехри

ўзига муносиб бир эр топиб, баҳтли бўлиб кетишига асло монелик қилмасди. Бироқ ана шундай муносиб одам топилишига сира кўзим етмас, “гўзал аёлнинг баҳтли бўлиши жуда қийин” деб ўйлар эдим...

Ана шундай ўйлар оғушида юрган кунларимда Мехри қўнғироқ қилди. Овози жудаям яқиндан эши-тилди. Кувониб, ўзимни қўярга жой тополмай қол-дим.

- Қаердасиз? – деб сўрадим.
- Шу ерда, шаҳарда.
- Қачон қайтиб келдингиз?
- Кечада.
- Кўришайлик, бўлмаса.
- Майли. Қаерда?
- Ўша жойда. Хиёбонда.
- Қачон?
- Ҳозир.
- Ҳозир эмас. Кеч соат олтида.
- Бўпти. Ўша ерда кутаман...

Мехри келди. Бироз тўлишиб, янаем очилиб кетибди. Денгиз ҳавоси ёқсан шекилли. Мен дарҳол ўзимни қийнаётган биринчи саволимни бердим:

- У ёқда Абдували билан учрашдингизми?
- Йўқ. Учрашолмадим. У киши бормади. Ва уму-ман, бизни унутиб юборди.
- Ие, ахир “Бораман, ўша ёқда батафсил гаплаша-миз” деган эмасмиди?
- Деган. Бироқ, афтидан у киши мени бошқа бирор учун совға... ўлжада қилиб тайёрлаган экан. У ёқда ўша одамга дуч келдим.
- “Уста” эмасми? – деб юбордим беихтиёр.
- Қанақа “Уста”? – тушунмади Мехри.

- Тўйингизда қатнашган бир тижоратчи одам...
Мехри елкасини қисди.
- Билмадим. У одамни атиги икки марта кўрдим.
Сиз Абдували акани кўриб турасизми?
- Биласизми? Ростини айтсам, анчадан бери кўрганим йўқ. Ўша... Сиз жўнаб кетган кунларда охирги марта сухбатлашганимиз. Кейин мен ҳам ишлар билан бўлиб қўлим тегмади.
- Сиздан бир илтимосим бор. Агар малол келмаса, Абдували акага бир қўнғироқ қилсангиз... Мен ўзим қиласай десам, ноқулай бўляпти.
- Телефон қилиб нима дейман?
- “Мехри сиз билан учрашмоқчи” денг. Вақти бўлса, эртага шу пайт, шу ерга сиз билан бирга келсин. Майлими?
- Майли-ю. Аммо икки одамнинг сухбатида учинчи киши ортиқча бўлади.
- Йўғ-е, сухбат эмас. У киши билан жиддий гапларимиз бор. Майли. Мен олдин гаплашай бўлмаса. Кейин сизга айтиб бераман. Ҳикоянгиз учун керак-ку. Шунақами?
- Шунақа.
- Энди хайрлашайлик. Кеч бўлиб қолди.
- Мехрихон, дengiz соҳилида, дам олиш чоғи кўрган-кечирганларингизни сўзлаб бермайсизми? Бояги жумбоқли гапингиз...
- Унчалик жумбоқли эмас. Оддий ва жўн воқеа. Бошланиши эртакка ўхшайди-ю, ниҳояси аянчли. Кейин бир йўла сўзлаб бераман. Дарвоҷе, сиз “Уста” деб айтган одамнинг исми Нўён эмасми?
- Шунга ўхшаган эди, шекилли.
- Агар ўша бўлса, яқинда ўлди. Эшитдингизми?

– Нима? Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас.

– Хорижда. Демак, эшитмабсиз-да. Майли. Бунинг нима аҳамияти бор. Демак, эртага шу пайт шу ерда Абдували акани кутаман.

– Яхши... Мехри, шошманг, “уста” ҳақида...

– Кейин айтиб бераман. Кейин...

ҚАЙДАСАН, АБДУВАЛИ?

Мехри билан хайрлашиб, ишхонамга қайтдим. Йўл-йўлакай Абдувалининг Мехри билан учрашмаганидан ҳайратланиб келдим. Демак, унинг мақсади бошқа экан-да. “Дўстим” дегани “Уста” бўлиб чиқди. Аммо “Уста” қандай ўлган? Нега ўлади? Мехри нега бирдан айтмади? Мехри чиндан ҳам чиройли. Боя уни кузги хиёбонда кўрган заҳоти атиргул ҳақидаги гапларимни яна эсладим. Тоғда, арчазор ўрмон бағрида ҳам кўрган эдим ўша атиргулни. Арчалар қиёфасидағи безавол яшиллик бағрида лахча чўғдек ёниб турар эди у. Мехри ҳам шундай. У билан учрашувларимиз асосан ёз охири, куз, қиши чоғларига тўғри келади. Бироқ, ҳар гал кўрганимда бирдек яшнаб, ёниб турган бўлади. Шунча ташвиш, шунча ғам-андуҳ унинг бетакрор чиройига асло соя сололмаган. Нега шундай? Дарвоқе, мен нега нуқул унинг чиройи, зоҳирий қиёфаси ҳақида гапираётирман. Ахир, ташқи гўзалликни сақлаш учун аёлда ички, ботиний бир замин ҳам бўлмоғи зарур эмасми? Нега мен Мехрининг иродаси, қатъияти ҳақида муфассалроқ мулоҳаза юритмаётирман? Унинг ёш бўлса-да, совуққон, мулоҳазалари чуқур, босиқ аёл эканини нега эътироф этмаётирман? Айтганча, “Уста”нинг ўлими ҳақида шунчаки

сұхбат сүнгіда бекітілгенде көзіңің түшінімдерін анықтауда мәннен шынайы болады. Ёки атайлаб гап орасида айтдым? Агар “Уста” ўлған бўлса... Нега мен эшитмадим?... Майли, Абдувалига кўнғироқ қилиб, бир йўла сўраб оларман.

Рақамни тердим. Абдували әмас, бошқа бир йигит жавоб берди.

– Абдувалини мумкинми?

– У киши ҳозир йўқ.

– Қачон бўлади?

– Билмадим. Сиз кимсиз? Ўзингизни таништиринг. Таништирдим.

– Абдували ака меҳнат таътилида.

– Ие, сафарда эди-ку. Қачон қайтди?

– Аниқ бир гап айтолмайман. Сафар тугагандан сўнг таътилга чиққан, шекилли, – деди йигит энсаси қотиброк.

– Майли, раҳмат, – деб гўшакни кўйдим. Ён дафтарида Абдувалининг уй телефони ҳам бор эди. Ўша рақамни тердим. Аёл киши жавоб берди. У ҳам Абдувалининг меҳнат таътилида эканини, пойтахт яқинидаги дам олиш уйларидан бирида ҳордик чиқараётганини айтди. “Қайси санаторийда эканини билмайман” деди.

– Ўша жойнинг телефонини айтмаганми? Мен ўртоғиман. Бир ишим бор эди.

– Дам олиш уйининг телефонини айтганлари йўқ. Ўзлари ҳар замон кўнғироқ қилиб турибди.

– Хўп, майли, раҳмат...

Абдували пишиқ йигит-да. Ҳеч ким халақит бермасин деб, манзилини ҳам, телефон рақамини ҳам ҳеч кимга айтмасликни тайинлаган. Майли, дам олсин. Агар уни ҳозир топиб, Мехри учрашувга таклиф

этаётганини айтсам, қаерда бўлса ҳам етиб келган бўларди.

Уйга қайтишдан олдин “Матбуот уйи” яқинидаги “Ижодкор” қаҳвахонасиға кириб, қаҳва буюрдим. Бу жой ҳар оқшом қалам аҳли вакиллари билан гавжум. Кимдир менга ўхшаб қаҳва ичади. Кимдир пиво, яна кимдир улфати билан “яримта”ни майдалайди. Етти иқлим янгиликларидан шу ерда боҳабар бўлиш мумкин.

Бурчакдаги столларнинг бирида Хондамир Бакир сигарета тутатиб, пиво шимириб ўтирган экан. Қаҳвани олиб, унинг ёнига ўтирдим. Бироз сұхбатлашдик. Мен Абдувалининг у ҳақдаги гапларини эсладим.

– Сиз Абдувалини танийсиз-а? – деб қолди худди фикримни ўқиётгандек кутилмаганда Хондамир.

– Таниганда қандоқ, – дедим, – дўстим бўлади.

Хондамир менга ҳайрон бўлиб қаради. Кейин оғзини қулогимга яқин олиб келиб, шивирлади:

– Эшитдингизми?

– Нимани?

– Унинг тўсатдан ғойиб бўлганини?

– Йўғ-е, меҳнат таътилида-ку, – дедим беихтиёр.

– Кўйсангиз-чи! Машъуқаси билан хорижга қочиб кетибди-ю хотин-бола-чақасини ташлаб.

– Ие, маъшуқаси ким экан?

– Ўша ўзингиз оқлаб ёзган Ҳукмнинг хотини Мехри-да! Нима, сиз Мехрини яхши билмайсизми?

– Йўқ. Мен Абдувалини яхши танийман, холос. Лекин қочганини сиздан эшитиб турибман.

– Қочган! Аллақачонлар қочиб кетган! Айтишларича, ўша маккор аёлнинг хорижда катта сармояси бор экан.

– Сармояси бўлса, нега қочишади? Қочмай, тўғриликча кетаверишса бўлмайдими?

– Э-э, қизиқмисиз, тўғрилика қандай кетади? Аввало, хотини, бола-чақаси қўядими? Кейин Абдували “Уста”нинг ўлдирилишига алоқадор эмиш... Ҳа-а... “Уста”нинг ўлганини эшитган чиқарсиз?

– Шошманг, “Уста” хорижда ўлган-ку.

– Ҳамма гап шунда-да! Ўша ёққа бориб, қотил ёлашган.

Хондамир анча тортган шекилли, гапининг давоми унча қовушмади. Мен қаҳвамни ичдим-да, у билан хайрлашиб, чиқиб кетдим. Йўл-йўлакай Бакирнинг гаплари таъсирида хавотир оғушида караҳт бўлиб, ўй суриб келдим. Наҳотки, шу рост бўлса? Воқеаларнинг бунаقا тус олиши мумкинлиги етти ухлаб тушимга кирмаган. Ажабо, Мехри нима дейди-ю, Хондамир нима фикрда? Хондамир муболаға қилдими? Қизиқ, Мехри Абдувалининг йўқолганидан хабардорми? Хабардор бўлса, нега менга уни излатиб юрибди? Атайлабми? Мени лақиллатмоқчими? Нима мақсадда? Ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатиш учунми? Бунинг унга нима кераги бор? Агар у айбдор бўлса, хориждан қайтиб келишини қандай тушунмоқ керак? Юраверса, бўлмасмиди яшириниб? Йўқ! Мехри Абдувалининг ғойиб бўлишига алоқадор эмас. Агар шундай бўлса, бу ўйинда ҳеч қанақа маъно, мантиқ йўқ. Дарвоқе, сұхбатимиз охирида “Уста”нинг ўлими ҳақидаги гапни очгани-чи? Хондамирнинг гаплари мастлик туфайли туғилган маҳобатли тахминми?

Миям ғовлаб, фикрларим чалкашиб кетди... Уйга келгач, ўзимни телевизор орқали берилаётган футбол репортажига алаҳсиб, бирмунча тин олдим. Ўз-

бекистон Хитой билан ўйнаётган экан. Бизниклар ютишди. Ё, кудратингдан! Хитойни ютди-я!..

Эртасига белгиланган вақтда хиёбондаги арғувон остига Абдували эмас, яна мен келганимни кўриб, Мехрининг кўзлари хавотирга тўлди.

– Абдували сафарда экан, – дедим мен унинг кўзларига синовчан тикилиб. – Лекин сафардан қачон қайтиши ҳали номаълум. Агар сиз менга “Уста” ҳақида кўрган-билгандарингизни очиқ-равшан гапириб берсангиз, Абдувалининг дарагини тезроқ топамиз.

Мехри гапимга яхши тушунмади, шекилли, ҳайрон бўлди.

– Бунинг Абдували акага нима алоқаси бор? Тушунмадим...

– Кейин тушунтираман. Ҳозир сиз менга ҳикоянгизнинг давомини айтиб беринг. Ҳўш, шундай қилиб, болангиз билан хорижга жўнаб кетдингиз. Кейин-чи? Кейин нима бўлди?

– Кейин...

Мехри ҳикоясини бироз шошилиб, бироз ҳаяжонланиб сўзлади.

ИСТАНБУЛ, БЕРЛИН, ПАРИЖ...

Мехри гўёки туш кўрап, агар ёнида ўғилчаси Ёдгор мудом “Ая, қаранг, ая қаранг, денгиз” деб турмаганида чиндан ҳам бу воқеалар кўз ўнгидага юз берадиганига сира-сира ишонмаган бўларди.

“Учқичимиз Истанбул шаҳрига кўнди” деган овоз уни гўёки уйқудан уйғотди. Самолёт овози тиниб, йўловчилар “гур” этиб ташқарига интилишганда, у ҳам боласининг қўлидан ушлаб, эшикка йўналди.

Трапдан тушар экан, “Ким экан, бизни кутиб оладиган одам” деб ўйлар ва майдончадаги тумонот олоном орасидан ўзи танимаган ўша одамни ўйчан қидирап эди.

– Ассалому алайкум, Мехри хоним, – деган такаллуфли овоз уни кутиш майдончасида беихтиёр ортига ўғирилишга мажбур этди. Рўпарасида ўрта ёшлардаги хушбичим хоним турарди. Хоним Мехри билан кўл бериб кўришди, ўғилчасини ўпиб кўйди.

– Са-ло-ом, – деди Мехри ҳайрат билан.

– Яхши келдингизми, қийналмадингизми? Менга Нўён афандининг топшириғига биноан сизларни кутиб олиш ва ҳамроҳлик қилиш вазифаси юклатилган. Ҳозир машинага миниб, меҳмонхонага борамиз. Исмим Латифа хоним...

“Нўён афанди дегани, Абдувалининг ўртоғи бўлса керак” деб ўйлади Мехри Латифа хонимнинг ишораси билан оппоқ машинанинг орқа ўриндиғига ўти-раркан.

Шаҳарнинг денгиз соҳилига туташ мавзесида-ги ўн беш қаватли муҳташам мусофирихона “Кумуш қирғоқ” деб аталаркан. Энг юқори – ўн бешинчи қаватдаги кенг, шинам бир хонага жойлашишди.

– Ўз уйингиздек ҳис қилинг, – деди Латифа хоним. – Бу меҳмонхона Нўён афандига қарашли. Ул жаноб сизлар билан кечқурун денгиз қирғоғидаги шахсий кемасида учрашади.

“Ажабо, шахсий мусофирихона, хусусий кема... Ким экан, бу сирли Нўён афанди?”

Латифахоним ўларни жойлаштириб бўлгач, меҳмонхона ресторанига олиб тушди. Тушлик қилишди. Сўнгра хонага чиқиб, икки-уч соат дам олишди. Соат

олтида яна хоним ҳамроҳлигига машинага ўтириб, денгиз соҳили бўйлаб, бандаргоҳ томон кетишиди. Қайиққа минишиб, оппоқ, мўъжаз яхта ёнига сузуб келишиди. Яхта палубасида стол қўйилиб, дастурхон тузалган, бир ёш йигит қўлда сочиқ билан хизматга шай турибди.

Хоним уларни кемага чиқариб, қайиқда ортга қайтиб кетди. Кема ичкарисидан ёши элликларни қоралаган, соchlари мошгуруч, оқ қўйлак, оқ шим кийган бир одам чиқиб келди.

Мехри бу одамни илгари бир-икки кўрганини эслади. Қаерда, қачон дея хотираси қатларини титкилади.

– Бекарға аввара бўлманғ, барибир эслалмайсиз мени илгари қачон кўрганинғизди, деди у одам. Мехри ҳайратга тушди. “Кўнглингдан нима кечганигача билади-ку бу одам”.

– Сиз Абдували акамнинг хорижлик дўстисиз, шундайми? – деб сўради Мехри.

– Ҳа, шундай десанғизам майли, – деди у одам.

– Исмингизни айтмаганди у одам.

– Мени бу ерда Нўён афанди дейишади. Сиз учун шунчаки оддийгина Нўён aka бўлақолай.

– Исмингиз қизиқ экан. Мен бунаقا исмни ҳеч эшитмаганман.

Афанди томоғини силаб қўйиб, кулди.

– Ўзим ҳам эшитмаганман. Аслида исмим Нўтьмон. Қишлоғимиздаги саводи зўр бир хотиннинг мәрҳаматиминан Нўён бўп қоғон. Қани, энди дастурхонга қарайиқ. Сен ўлим, анови амакингминан кемани томоша кип ке, – деди у Мехрининг ўғлига ўгирилиб. Ёдгор суюниб, онасиға қаради. Онасидан рухсат ол-

гач, оқ кийимли матрос ҳамроҳлигида кемани томоша қилгани кетди.

Шундан сўнг Нўён афанди мақсадга кўчди.

– Мен сизди бир кўрган заҳотим суйиб қолғанман, Мехрихон. Мен сизди... тўйингизда қатнашғанман. Эрингизди куни калта экан. Ўзига-ўзи қип кетди болапақир. Енди-и, ўтган ишға саловот. Бўғани-бўлди. Енди мен сизди бахтли қиласман... Мени моли давлатим етти пуштинғизга етади.

– Телефондаги овоз ҳам сиз экансиз-да, – деди Мехри биринчи марта ростакамига ҳайратга тушиб.

– Менидим. Мен ўзи бирон аялға тилпонда гапирмағанман. Истағон аялимди йигитларим ҳозиру нозир қилиб келади. Сизди... суйганим учун ўзим тилпон қиғанман.

– Бундан чиқди... Абдували ака ҳам сиз учун югуриб юрган экан-да?

– Бўлмасам-чи! Абдувалини ўзим катта қиғанман-ғў! У менинг қияматли укам-ғў!

Мехри ўйланиб қолди. Нима дейишга ҳайрон эди. Чексиз куч-кудрат, беҳад молу давлатга эга бўлган бу одамга “йўқ” дейишнинг фойдаси борми? У бунга қулоқ соладими? Гапларининг маъносидан кўриниб турибдики, у масалани аллақачон ҳал этиб бўлган. Энди шунчаки расмийлаштириш қолган, холос. Абдувалининг ботинолмаганининг сабаби ҳам энди аниқ бўлди. “Илтимос, дўстимнинг гапидан чиқманг” деганида шуни назарда тутган экан-да!

– Майли, мен розиман! – деди Мехри аввалига жаҳл билан. Лекин жаҳли чиққанини афандига сездирмасликка уринди. Ҳозир “Ўйлаб қўришга фурсат беринг” деса, унамаслиги аниқ. Шу боис розилик бериш ва

ликда түрткінчи хотин охирги шаръий хотин ҳисобланади. Кенжаси суюкли бўлажак...

Мехри кулди. Кейин йиғлаб юборди. Куни-кеча Абдувалига кўнгли суст кетганини эслади. У ёш, чиройли. Прокуратурада ишлайди. Мана бу одам эса, беҳисоб давлати бўлса ҳам, қум устига қурилган омонат уйга ўхшайди. Бир кун келиб бир тепсанг, қулаб кетадигандек. Унинг бутун асьасаю дабдабаси вақтиналиг туюлади.

Тақдирга тан беришдан бошқа иложинг йўқ, деб ўйлади у. Абдувалининг умидида бўлишинг бефойда. У Нўён афанди қархисида гумаштадек бир гап. Чорбоғ ҳам, эҳтимолки, Абдували миниб юрган машина ҳам уники. Бу ёқларда шунча дов-даска. Қизик, қаёқдан орттириди экан шунча бойликни?..

Тошкент аэропортида уларни ҳеч ким кутиб олмади. Латифахоним қўнғироқ қилгани қайгадир кетди. Кейин кўзлари қизариб, қайтиб келди.

– Қизим... жоним... Нўён афанди... тўсатдан қазо қилибди... Нарёқда...

– Вой, нега қазо қиласди?! – деди беихтиёр Мехри. – Касал эмасдилар-ку?

– Юраги озроқ безовта қилиб турар эди бояқиши. Биз кетгач, хуруж қилган экан. Берлинга олиб боришган. Лекин бўлмабди.

– Энди... мен... биз нима қилайлик, бўлмаса?

– Бизлар энди Истанбулга қайтайлик. Сен, қизим, болангни олиб, тезроқ ота-онангникига жўна! Зарур бўлса, ўзим излаб топаман. Изламасам ҳам хафа бўлмайсан! Шундай эмасми?

– Худо хайнингизни берсин!..

– Жўна бўлмаса! Тезроқ!

Латифахоним қўриқчи йигит билан навбатдаги рейслардан бирига чипта олиш учун аэропорт биносига қайтиб кириб кетишиди. Кутиш майдонида бир зум саросималаниб турган Мехри боласининг қўлидан етаклаб, бекат сари кетди.

НОМАЪЛУМЛИК

– Мана шу бўлган ҳамма воқеа, – деди ҳикоясини тугатиб Мехри.

– Демак, сиз Абдували билан охирги марта у ёқقا жўнаб кетишдан олдин аэропортда кўришган эканлиз-да?

– Ҳа. У киши ўша ёқда учрашамиз, деб ишонч билан гапирган эди. Лекин негадир бормади. Мен нозик жойда ишлайди, жавоб ололмагандир, деб ўйладим. Ўзим излаб келдим охири.

Мен Абдувалининг ғойиб бўлганини Мехрига айтиш керакми, йўқми, деб бир оз ўйланиб турдим. Охири чидаб туролмадим.

– Ахир... ахир у меҳнат таътилига чиққан экан. Ишда ва уйдагиларга “санаторийда дам оляпман” деган. Демак, у сизнинг орқангиздан кетган бўлиши керак. Наҳотки, ўша ёқда учрашмаган бўлсаларингиз. Ё сиз менга ҳамма гапни аниқ айтмаяпсизми?

– Вой, қизиқмисиз? Менга ёлғон гапиришнинг нима кераги бор? Ахир, айтдим-ку, Абдували aka сизларни қидириб топаман, деганди, лекин бормади, шунинг учун ўзим қидириб келдим, деб.

– Айтинг-чи, Абдували сизга “У ёқда дўстим кутиб олади” дегани тўғрими?

– Тўғри.

– Лекин сизни Латифахоним деган аёл кутиб олган-ку. Буни қандай тушунмоқ керак?

– Мен ҳам бу ҳақда күп ўйладым. Охири, “дўстим” деганлари Латифахоним бўлса керак, деган хulosага келдим. У киши жудаям бамаъни, яхши аёл экан.

– У билан Абдували ҳақида ҳеч гаплашдингизми? Танирмикан?

– Йўқ. Гаплашмадим. Абдували ака “Мен ҳақимда ҳеч жойда гап очманг” деган. Фақат... Нўён афанди бир гал “Абдували менинг қўлимдаги одам, уни ўзим катта қилганман” деганди.

Миямга кутилмаганда ғалати бир савол келди.

– Айтинг-чи, Мехрихон, Нўён афанди қароргоҳидаги одамлар қанақа кишилар? Улар орасида бирортасини илгари учратмаганмисиз?

– Бир қисми ўша ерлик, маҳаллий одамлар. Ёрдамчи ва қўриқчиларининг кўпчилиги ёш йигитлар. Улар шу ерлик, ўзи билан бирга боришган.

– Ўшалар орасида бирорта ҳам таниш чехра учрамадими, яхшилаб эслаб кўринг. Эҳтимол, ўшанда хаёлингиз бошқа фикрлар билан бандлиги туфайли эътибор бермагансиз.

Мехри ўйланди. Эслашга тиришди. Кейин бош чайқади.

– Йўқ. Ҳеч кимни. Фақат... йўқ-йўқ. Ҳеч кимни!

– Ҳарқалай яна кейин эсланг. Бу жуда муҳим. Энди сизга яна бир-икки нозик саволлар бераман. Малол келмаса, жавоб қайтаринг. Малол келса, ўзийғиз биласиз

– Майли.

– Абдували сизга “Яхши кўраман, уйланаман” деган мазмунда гапирган эмасмиди? Умуман, муносабатларингиз қанақа эди?

– Бунинг нима аҳамияти бор, – деди Мехри қизарипб.

– Аҳамияти шундаки, айрим кишилар сизларни биргаликда хорижга қочиб кетган, деб гап тарқатиб юришибди.

– Ё, тавба! Мен мана шу ердаман-ку!

– Мен мишмишларга ишонганим йўқ. Лекин биласизми, сизнинг атрофингизда жудаям катта, қонли бир ўйин кетаётганга ўхшайди. Сизга ким яқинлашса, эгалик қилмоқчи ёки муҳаббатингизга сазовор бўлмоқчи бўлса, фалокатга учраётир. Ё ўлади, ё қамалади, ё йўқолади. Тушунаяпсизми? Фақат кўнглингизга олманг. Хўш, энди ростини айтинг, Абдували сизга муҳаббат изҳор қилганмиди?

– Йўқ. У киши шунчаки мени ёқтиришини айтган. Бу муҳаббат изҳор қилиш, дегани эмас-ку? Тўғрими?

– Тўғри. Эркак зотининг фожиаси бу. Аввал шунчаки ёқтиради, кейин балога гирифтор бўлади. Хўп, сиз-чи, сиз нима дедингиз?

– Мен ҳам ёқтирганман у кишини. Лекин аниқ жавоб берганим йўқ саволларига.

– Нима савол берганди?

– “Мен сизга ёқаманми?” деган.

– Тушунарли... Сўнгра у сизга “Мен сени қаттол иблиснинг қўлидан қутқараман” деб ваъда берган, шундайми?

– Шундай.

– “Бунинг учун унинг ёнига боришинг керак, илонни ўз уясида янчамиз” деган, тўғрими?

– Йўқ, айнан шунаقا деган эмас.

– Шунга яқинроқ гап бўлган-ку. Шундай эмасми?

– Ҳа.

– Демак, Абдувалининг аниқ режаси бўлган. Бироқ бу режа амалга ошмай қолган.

– Нега? Нўён афанди ўлди-ку...

– Уни Абдували ўлдирган деб ўйлайсизми?

– Билмадим...

– Мен ҳам билмадим. Лекин тахмин ва фаразлар шундан далолат бермоқда. Шундай қилиб, менинг кўз ўнгимда воқеаларнинг тахминий баёни қуида-гича намоён бўлди.

Абдували “Уста”ни йўқ қилиш учун хорижга боради. У бир йўла ўзини мудом шантаж қилиб, “қармоқ”да ушлаб юрган одамдан қутулиш ва Мехрини унинг чангалидан қутқариш ниятида бўлган. “Уста” ундан хавотирланмаслигидан фойдаланишни мўлжаллаган. Чамаси, “Уста”ни у ўлдирган. Табиийки, “Уста”нинг қўриқчи ва тансоқчилари унинг ўзини ҳам соғ қўйишмаган.

Шу ўринда “Нега Абдували “Уста”га қарши ошкора курашмади” деган савол туғилади. Албатта, у бундай қилолмасди. “Уста”га ошкора қарши чиқиш, қонуний йўл билан кураш олиб бориш унинг учун ҳалокатли эди. Шу боис у меҳнат таътилига чиқиб, “Уста”ни йўқ қилишга бел боғлади. Бу йўлда ўзи ҳам курбон бўлади. Нақадар жўн ва қайғули хулоса. Наҳотки, Абдували ўз режасини етарлича пишиқ қилиб тузолмаган?..

– “Уста”нинг соқчилари қуролланганми? – деган бемаъни савол бердим Мехрига ва бундан ўзим ҳам уялдим.

– Билмадим, – деди Мехри. – Аммо жудаям кучли, спортчи болалар.

– Кўпмиди?

– Ўн-ўн беш чоғли чиқади.

– Аҳа... Латифахоним сизга “Уста”ни юрак хуружи-дан Берлинда, касалхонада ўлган, деб айтган-а?

– Ҳа, шундай деганди.

– Тушунарли. Мен энди Абдувалининг чиндан ҳам хорижга учеб кетган-кетмаганини аниқлашга ури-ниб кўришим керак. Агар шуни аниқласам, масала анча ойдинлашади.

– Нима ойдинлашади? Абдували аканинг қаерда-лигими?

– Ҳа. У тирикмикан, ишқилиб?..

– Яхши ният қилинг.

– Илоҳим, тирик бўлсин.

Мехрининг кўзларида хавотир ва таҳлика кўрдим. Чамаси, у мишиш ҳақидаги бояги гапимдан саро-симага тушмоқда эди. Худди ўйлаганимдек, ўзи ҳам бирпасдан сўнг шу ҳақда гап очди.

– Агар мени Абдували ака билан қочди, деб гап чиққан бўлса... иккаламизни қўшиб қидиришаётган эмасмикан, ишқилиб?

– Бўлиши мумкин.

– Мен нима қилай бўлмаса?

– Ҳайронман... Ўзингиз нима дейсиз?

– Менга қолса хорижга кетсамми, деб турибман.

– Хорижда нима қиласиз? Кўйсангиз-чи!

– Латифахоним қўнғироқ қилди. “Қайтиб келсанг, бирон жойга ишга жойлаб қўяман” деяпти.

– Қайси Латифахоним? Ҳа-а, афандининг хизмат-корларидан. Дарвоқе, у қаерда экан ҳозир?

– У киши мураббия. Бой оилаларда инглиз тили-дан хусусий дарс бериш билан шуғулланади. Ким-сасиз аёл. Бефарзанд. Ўғилчамга меҳр қўйиб қолган эди. “Ўзим тарбия қиласман” деяптилар.

– Ундей бўлса, билмадим. Лекин аёл кишининг хорижий элларда сарсон бўлиб юришини маъқулла-маган бўлардим. Биласиз, ҳозир чет элга кетган ёш аёллар яхши таассурот қолдирмайди.

– Ҳар киши ўз виждони олдида жавоб беради. Шундай эмасми?

– Тўғри. Лекин барибир мен ҳам сизнинг хорижга кетишингизни истамасдим.

Меҳри маъюс жилмайди.

– Майли, қатъий бир қарорга келиб улгурганим йўқ-ку. Сизга қўнғироқ қиласман, – деди.

Хайрлашдик. Мен унинг сўнгги сўзларига ишонламадим. Чунки кўзларида иккиланиш йўқ эди. Қаршимда ўз мақсадини яхши билувчи, қатъиятли аёл чеҳраси намоён бўлиб турарди. Шу боисдан ҳам энди уни ҳеч қачон кўрмасам керак, деб ўйладим. Қолаверса, ушбу чалкаш воқеанинг энди давом этадиган жойи қолмаган эди, назаримда. Абдувалининг хорижга борган бормаганлигини аниқлаш учун қилган ҳаракатларим бехуда кетгач, бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

– Биз бу одам ҳақида ҳеч кимга, ҳеч қанақа маълумот беролмаймиз, – дейишиди халқаро аэропорт ходимлари.

– Нега? Нима, бу давлат сирими?

– Йўқ. Шунчаки матбуот учун ҳеч қанақа маълумот беролмаймиз. Вассалом!

– Нега ахир?

– Илтимос, мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг. Хайр!

Абдувалининг ишхонасида ҳам, уйида ҳам такро-ран ўша эски жавобни олдим: меҳнат таътилида. Бу

жавобнинг хотиржам айтилишига қараб, “ҳар ҳолда тирик бўлиши керак” деб ўйладим. Кутишга қарор қилдим. Соғ-омон бўлса, бирон кун дараги чиқар, деб ўйладим.

ОДИЛ

Бу исм ҳикоямизда биринчи бор тилга олинмоқда. Гарчанд биз у билан илгари учрашганмиз. Судда. У суд қилиниб, йигирма йил қамоқ жазосига хукм этилган ёлланма қотил Одил Маҳкамов эди. Эсингизда бўлса, суд ҳақида гапирганда, мен унинг исми-фамилиясини тилга олмаганман. Чунки ўша пайтда бунинг аҳамияти йўқ деб ўйлаганман. Яна бир жиҳати, ўзи қотилу исми Одил экани ғашимни келтирган. Ажабки, ҳаётда мана шундай номутаносибликлар гоҳ-гоҳ учраб туради. Яъни исми Одилу ўзи қотил ёки исми Оқилу ўзи беакл ва ҳоказо. Қолаверса, ўшанда мана шу эзгу мақсад ила қўйилган чиройли исмнинг кўпдан-кўп соҳиблари “Бошқа исм қуриб қолганмиди” дея оғринишади деган андишага борганман. Хуллас, азбаройи нафратланганим туфайли ҳикоя давомида ҳам уни деярли эсламасликка тиришдим. Ҳатто, Абдували бир гал уни “қамоқдан қочибди” деганида ҳам, бунга айтарли аҳамият бермадим. “Бузоқнинг юргани сомонхонагача” деб қўйдим. Бизнинг замонда қамоқдан қочиб кутулиш ақлга сиғмайдиган нарса-ку. Ҳолбуки, у тез-тез эсимга тушар, унинг темир панжара ортида ўтириши, ўзини имкон қадар хотиржам тутишга уриниши кўз олдимда бот-бот жонланар ва мен буни ўтакетган шармизлик, андешасизликка йўярдим. Ҳатто унга охирги сўз берил-

ган чоғда ҳам пинагини бузмаган. Судьянинг “Қилған ишиңгиздан пушаймонмисиз?” деган саволига: “Йўқ. Чунки бу ишни мен қилмаганман” деб жавоб берган. Иродани қаранг. Сирасини айтганда, у тергов давомида ҳам, судда ҳам ўз айбини бўйнига олмагани ҳеч кимни, жумладан, мени ҳам ажаблантирган. Сабаби, терговда ҳаммаси аниқ далиллар билан исботланган эди.

Шу боис унинг икрори ва пушаймонига ҳожат бўлмади. Фақат мен Абдувалига ҳазил аралаш ўз таажжубимни билдиргандим: “Наҳотки, сендек паҳлавон терговчилар ҳам уни шунга мажбур этишолмаган бўлишса?” деб.

Абдували ҳазилимдан ранжиган, “Сенга ўхшаган “дўст”ларнинг шарофати билан айrim одамлар терговчи билан жаллоднинг фарқига бормай қўйишган, ҳолбуки, биз калтак ёрдамида эмас, ақл билан ишлаймиз” деганди.

Кейин мен Абдувалидан “Ростини айт-чи, терговчи қавмида ўз хатосини мардларча тан олиб, уни тузишга ҳаракат қилувчилар ҳам учраб турадими?” деб сўрадим. Шунда у: “Албатта, иш бор жойда хато бўлади, уни тузатмоқ эса марднинг иши” дея шоirona жавоб берди. Бу саволга Одилнинг аввалбошданоқ айбини тан олмагани ва судда бир оғиз қилиб “Хато қиляпсизлар, ўз ожизликларингизни хаспўшлаш учун бегуноҳ одамларни жазога тортяпсизлар” деган гапи сабаб бўлганди. Лекин у пайтлар Одил Маҳкамовнинг бегуноҳлиги ҳақида гап ҳам, фикр ҳам бўлиши мумкин эмасди. Кейинроқ кўнглимда “Жасур бегуноҳ бўлиши мумкин” деган фикр туғилган албатта, ва ўшанда бу фикр қотилликнинг буюртмачиси бош-

қа эмасмикан деган гумон ҳосиласи эди. Бироқ Жасур ўз жонига қасд қилгач, гумон гумонлигича қолиб кетди. Бунинг устига “Одил Маҳкамов қамоқдан қочибди” деган гап яна бир янги гумонни келтириб чиқарди. Ўйладимки, “У ўз фожиасининг сабабчилари бўлган Мехрини ҳам, Жасурни ҳам ўлдиришга бел боғлаган. Қамоқдан ҳам худди шу мақсадда қочган!”

Мехридан “Уста”нинг ўлими ҳақидаги хабарни эшифтгач, тасаввуримда мудҳиш қотилликлар, “қонли ўйин”нинг тайёр силсиласи пайдо бўлди. “Бу ўша! Одил Маҳкамов яраланганд бўри сингари Меҳрига алоқадор бўлган одамларни бирин-кетин гумдон қилмоқда! Худди детектив кинолардаги сингари. Қонсираган қотил! Бир марта қон тўккан одам кейин ўзини тўхтатолмайди”, дейишади.

– Қотиллик қилиб қамалганлар жиноят дунёсида катта обрўга эга бўлади, – деганди суҳбатларимиздан бирида Абдували. – Унақалар маҳбуслар орасида алоҳида имтиёзлардан фойдаланишади. Қанча кўп одам ўлдирган бўлса, мавқеи шунча баланд бўлади. Ундан бўридан кўрққандек кўрқишади...

Аҳ-а! Демак, Маҳкамов ҳибсдан қочиб, қасос йўлига кирган. У мабодо қўлга тушса ҳам, албатта қўлга тушиши аниқ, қамоқда яна ҳам юқори мавқега эга бўлажагини билади. Отилиб кетмаса, албатта.

Агар...

Шу топда хаёлимда “Агар у Абдувалини ҳам ўлдирган бўлса-чи?” деган мудҳиш фикр пайдо бўлди. Кўнгил – душман. Унинг ҳали “хизмат сафарида”, ҳали “мехнат таътилида” деб, ғойиб бўлганини яширишмаяптимикан? “Хукуқ” журнали ходимининг

мастлиқда айтган гаплари таги пуч мишмиш, албатта. Чунки Абдувалининг Мөхри билан қочиб кетмаганлигини ўша пайтдаёқ яхши билардим. Бироқ... бундан анча йиллар олдин прокуратурада терговчи бўлиб ишлаган бир истеъодли, ҳалол йигитнинг изсиз ғойиб бўлиб кетгани, отаси – таниқли олим ёлғиз ўғлининг доғида адойи тамом бўлганини, ўша йигитнинг ҳанузгача на тириги, на ўлиги топилмаганидан хабардор бўлганим учун Абдували ҳақида шундай гумонга боргандим.

Фақат... фақат бир нарса кўнглимга таскин берарди. Унинг ишхонасида ҳам, уйида ҳам ҳеч қанақа таҳлика, хавотир белгисини сезмадим. Демак, Абдували улар билан хабарлашиб турган бўлиши мумкин. Акс ҳолда бу гап тарқалиб кетарди. Лекин унинг маъшуқаси билан қочганлиги ҳақидаги мишмиш қандай пайдо бўлган? Шунга бошим қотар, прокуратурадан, унга яқин бўлган журналист дўстлардан бирон аниқ гап билишга ҳарчанд уринмайин, ҳеч нарсага эришолмасдим.

Дарвоқе, шу орада Абдувалининг уйига яна бир неча марта қўнғироқ қилдим. Яна ўша – “У киши меҳнат таътилида, дам оляптилар” деган хотиржам жавобни эшитдим. Бу қанақа жумбоқ бўлди? Уни қандай қилиб ечиш мумкин?

Мана шу ўйлар таъсирида калаванинг учини Одил Маҳкамовдан излашга қарор қилдим. Мөхри воқеаси билан боғлиқ жиноят ишини ўрганиш чоғида унинг таржимаи ҳолини ҳам ёзиб олгандим. Ўшани такорран, синчиклаб ўрганишга киришдим.

“Одил Маҳкамов. 1972 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Болалар уйида тарбияланган. Олим-

пия заҳиралари спорт мактаб-интернатида ўқиган. Афғонистонда ҳарбий хизматда бўлган. Армиядан қайтгач, автомашиналар таъмирлаш устахонасида ишлаган. Иқтисодиёт институтида сиртдан ўқиган. Уйланмаган. Кимё заводи ишчилар ётоқхонасида яшаган. Спортнинг бокс, каратэ турлари билан шуғулланган". Жасур Муродов Одил Маҳкамов билан машинасини тузатиш чоғида танишади. Унга "Бир кишини "гум" қилиш керак, яхши ҳақ тўлайман" дейди. Маҳкамов рози бўлади".

Кейинги тафсилотларнинг зарурати йўқ. Муҳими, Одил Маҳкамовнинг ҳаёт йўли аксар жиноятчиларникига айнан ўхшашлигида. Ота-онасиз ўсиш, болалар уйи, спорт мактаби, Афғонистон, қўл учидаги тирикчилик... Уни қотилликка олиб борган йўл, муҳит менга яхши таниш.

Меҳрга тўймай, меҳрдан бегона ўсан, бунинг устига спортнинг шафқатсиз тури билан шуғулланган, Афғонда жанг қилиб, дийдаси қотган йигитнинг қонли жиноятдан ўзини тиёлмаганига ажабланганим йўқ.

Шунга қарамасдан доим ўйлайман: "Наҳотки, инсон муҳитнинг қуллигини енголмайди. Ахир, парвардигор ҳар бир одам лойига, қонига эзгулик уруғини қўшиб қорган-ку!.. Шундай... Лекин... Қаердадир ўқигандим: "Ҳар қандай жиноятчи жиноятга қўл ўраётганида ўзини ҳақ деб ҳисобларкан. Шу билан ноҳақликка қарши қурашаяпман" деб ўйларкан.

Бойни ўлдириб, молини талаган ўғри "Мен ўзимнинг, ўзимга ўхшаганларнинг ҳалол насибасини қайтариб оляпман" деркан. Бемаънилик эмасми бу? Адолат, ҳақиқатнинг ҳамма учун бир хил мезонлари

бор-ку! Лекин, афсуски, бу мезонларни ҳамма бир хилда “түғри” деб қабул қилмайди. Нега шундай? Чунки агар ҳамма ҳақиқат ва адолат мезонлари-га бирдек амал қилса, дунёда бою камбағал, ўғрию түғри деган бўлинишлар бўлмасди, балки. Дунёning нотекислиги, кемтиклиги шунда бўлса керак...”

Мехри билан суҳбатларимиз баробарида лоақал бирор марта Одил ҳақида гап очилмаганини афсус билан хотирамга келтирдим. Нега эсламаганмиз уни? Мехрининг кўнглини оғритгим, дардини янгилагим келмагани учунми? Ўшанда суд ҷоғида темир панжара ортида ҳам Одил томонга қарамаганини эслайман.

Ҳолбуки, Одил дафъатан қараган киши нигоҳини узолмай қоладиган даража кўркам, хушбичим ва хушқомат йигит эди. Гавдаси спортчиларга хос тик ва таранг, мушти гурзидек. Пешонаси дўнг, малла сочлари тифиз ва тикка. Юзлари оқ-қизил ва серсоқол. Мен уни биринчи кўрганимдаёқ “Онасими ё отасими бошқа миллатдан бўлса керак, шу боис мана шунаقا паҳлавон келбатли туғилган” деб ўйладим. Кейин савол-жавоблар пайтида маълум бўлдики, ота-онаси Барқут туманидаги тоғли Барлос қишлоғидан экан. Улар чўпонлик қилишган. Қишда кўчки остида қолиб, ҳалок бўлишганидан кейин ёлғиз ўғил болалар уйига топширилган.

Демак, Одилнинг қорувли гавдаси тоғлиқ экани билан боғлиқ. Қолган қусурлари эса кейинги тарбиянинг нокомиллигидан...

Одил эса ўшанда Мехрига ўқтин-ўқтин қараб қўяр, кейин негадир бошини чайқаб-чайқаб, чукур “ух” тортарди. Эҳтимол бунинг маъноси: “Шундай аёлни

жувонмарг қилдим-а" дегани бўлса керак. Шу билан биргаликда уни Мехрига маҳлиё бўлиб, ҳавас ҳамда иштиёқ кўзи билан қараётир, дейиш кулгили бўлар эди. Суд чоғида ҳою ҳавасга бало борми? Янаям ким билади, дейсиз?..

Хўш, энди нима қилсан, Одил Маҳкамовнинг кейинги тақдирни ҳақида қаердан, кимдан суриштисам экан? Абдували йўқ. Прокуратурадан бирон маълумот олишнинг иложи бўлмаётир. Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш муассасалари бошқармасидагилар ёрдам қилишармикан? Ҳарқалай, бир уриниб кўриш керак...

Хизматхонамдаги телефонлар китобидан керакли рақамни топиб, телефон гўшагига қўл узатаётганимда телефон жиринглади. Олдим. Мехри экан. Сујондим.

– Жўнаб кетмабсиз-да, – дедим “яхши қилибсиз” деган оҳангда.

– Кўйишмаяпти-ку!

– Ие, нега қўйишмаяпти? Ким қўймайди?

– Прокуратура.

– Нима учун?

– Суд бўлар экан. Ўшандан қатнашар эмишман.

– Суд? Кимнинг устидан? Сиз нега қатнашар экансиз?

– Гувоҳ тариқасида.

– Қанақа суд? Қачон?

– Яқинда... Ҳукм аканинг ҳақиқий қотиллари устидан.

– Нима?.. Ким экан ўшалар?..

– Телефонда... ноқулай. Вақтингиз бўлса, хиёбонга чиқинг. Ўша ерда гаплашамиз.

– Ҳозирми?

– Ҳа.

– Бўпти! Беш дақиқадан сўнг ўша ерда бўламан.

Хиёбонга бамисоли қуш бўлиб учиб бордим. Мехри таниш арғувон пойида турага ва ёлғиз эмасди. Ёнида мен бугун исмини илк бора тилга олган, ўша биринчи суд чоғида йигирма йилга кесилган, кейинроқ Абдували “қамоқдан қочибди” деган йигит – Одил Маҳкамов турарди.

Мен ҳайратдан суратдек қотдим. Ҳолатимни Мехри ҳам, Одил Маҳкамов ҳам сезди.

– Қўрқманг, қуролим йўқ! – деди йигит ҳазил оҳангода ва гурзидек муштини ёзиб, қўлинни узатди: – Асалому алайкум!

Мен унинг саломига алик олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай, иккиланиб қолдим. Нажот излаб, Мехрига қарадим. У кулиб турарди. Мен йигит билан кўл олишдим.

– Одилжонни илгари бир марта кўргансиз, шундай эмасми? – деб сўради у.

– Ҳа, лекин...

– Мутлақо бошқа бир ҳолатда, – деди йигит. Шунда мен унинг чехраси, қадду қоматига бир кур разм солиб чиқдим. Боя Мехрининг ишораси ила қўл бериб кўришган бўлсам-да, аввалдан мавжуд таассурот таъсиридан кутулмаганим учун атай бир қадар киноя билан аниқлик киритдим:

– Судда! Ўртамиизда темир панжара ҳам бор эди.

– Хотирангиз кучли экан, – деди йигит киноямга эътибор қилмай.

– Унақа манзара, ҳолат хотирадан ўчмайди, – дедим мен жиддий оҳангда. Мехри менинг ҳолатимни

тушунди шекилли, ўртадаги англашилмовчиликка тезроқ барҳам бериш учун яна бир фавқулодда гапни айтди:

– Ҳозир бу ерга Абдували ака келади!

– Абдували! У топилдими?! – деб юбордим ҳайрат билан.

– Топилди, топилди, – деди Мехри менга қараб тинчлантирувчи оҳангда. У киши кеча Одилжон билан бирга хориждан қайтиб келишган.

– Хориждан... Одилжон билан? – менинг ҳайратим сира тугамас, зеро, кўраётган ва эшитаётган нарсаларим бир-биридан фавқулодда, таажжубланарли эди.

– Кейин биз Одилжон билан бирга қайнотамнинг хузурларига бордик. Ўғлимни бобосининг ёнида қолдирдим. – деди Мехри ҳайратим устига ҳайрат кўшиб. Кейин узокдан кимгадир кўзи тушиб, гапини қисқа қилди:

– Яххиси, воқеаларнинг тафсилотини сизга Абдували аканинг ўзлари айтиб бергани маъқул, – деди Одил Маҳкамов. – Ана келяптилар.

Хиёбонга киравериш томонда Абдували кўринди. Мен кўзларимга ишонмай, унинг истиқболи сари юрдим. Кучоқлашиб кўришдик.

– Унақамас-да, – дедим ҳазиломуз гина билан. – Яширишният ҳаддан ошириб юбординг-ку!

– Узр, оғайни, шароит шунга мажбур этди, – деди Абдували. Унинг Мехри ва Одил Маҳкамов томонга қараб, шунчаки “Қалайсизлар?” деб қўйганидан бугун, бундан олдин ҳам учрашганларини сездим.

– Қани, гапир энди, ўзиям йўқолиб кетдинг-е, – дедим Абдувалига.

– Майли, майли, ҳаммасини айтиб бераман. Аммо

ҳозир бир иш қилсақ-чи? Тўртталамиз ўтириб, бир пиёла чой ичсак. Нима дейсизлар?

– Майли, – дедим мен. Хаёлимга “Фоят ғаройиб давра: терговчи, айбланувчи, жабрланувчи ва журналист” деган ҳазил фикр келди. Тилимга чиқармадим. Мехри ранжимасин, дедим.

Хиёбон адoғидаги “Нурафшон” қаҳвахонасиға кирдик. Анча суҳбатлашдик. Суҳбат асносида мен айрим нарсаларни тушунгандек бўлдим-у, барибир кўп савол туғилди. Буни сезган Абдували:

– Дўстим, ҳозир ҳар қанча муфассал ҳикоя қилмайлик, сенда савол устига савол туғилаверади. Яхшиси... индин бошланадиган судда қатнашсанг, ҳаммасини яхшилаб тушуниб оласан ва ҳикояни ёзишинг ҳам осонлашади. Келишдикми?

Ичим нечоғлик қизиётган, воқеларни ипидан игнасиғача билишга қизиқиб, сабрим чидамаётган бўлишига қарамасдан, кўнишдан бошқа чорам йўқ эди. Чунки ҳозир воқеагўйлик мавриди эмаслигини англаб турадим. Қаҳвахонада майин, дилни орзиқтирувчи куй янграр, Одил Маҳкамов қаршимга ўтириб олиб, иштаҳа билан овқатланар, ўқтин-ўқтин Мехрига қараб қўяр, бироқ бу қараши ҳув ўша суддаги қарашидан кескин фарқ қиласар, бу қарашда нафис бир авайлаш бор эди.

Ифодали қилиб айтганда, улкан гавдали, паҳлавон келбатли бу йигит ёнидаги нозик вужудли моҳитобон аёлни нигоҳлари билан майин сийпалаётгандек туюлар, энг қизифи, Мехри ҳам унга тез-тез нигоҳ ташлар, гоҳ-гоҳида нигоҳлари тўқнашиб қолиб, икковлари ҳам “дув” қизариб кетишарди. Бундан ҳам қизифи, ҳайратлиси Абдували ана шу манзарани ал-

ланечук қониқиши баробаридаги ҳавас билан кузатиб ўтирап, бот-бот “Қани олинглар, тортиңманглар” дея күяр, ўзи эса енгил тортинар, ора-орада нигохини қай бир нұқтага қадаб, қисқа-қисқа ўйларга толар, афтидан шу ерда ҳам индин бўладиган судга фикран ҳозирлик кўриб ўтиради.

Мен эсам дастурхон устида ҳам чувалган ўйларимни йифолмай, паришон ўтирадим. Ҳарқалай, хаёлимда бир фикр аниқ-равшан айланарди: “Демак, Одил Маҳкамов оқланади. У гуноҳсиз. Бунинг устига у Мехрини севади. Мехри-чи? Наҳотки, у ҳам севса...”

СУД

– Ўрнингиздан туриңг, суд келяпти!..

Зал оёқقا қалқди. Темир панжара ортида ўтирган етти чоғли одам ўрнидан кўзғалди. Уларнинг аксаријати ёш йигитлар, бири аёл, икки нафари ўрта ёшли кишилар эди.

Прокурор вакили айбномани ўқишига киришди. Абдували унинг ёнидан жой олган, улардан сал берида, залнинг биринчи қаторида Мехри ўтиради. Ундан ташқари залда мен бир неча таниш журналистларни ва аввалги судда қатнашган кишиларни кўрдим. Улардан бири бошига оқ рўмол ўраган ёшроқ жувон – Жасурнинг хотини, унинг ёнида Ҳукмнинг отаси ва бир неча қариндошлари. Одил Маҳкамовни ташқарида учратгандим. Уни кейинроқ чақиришган.

Айбномани тинглаш асносида гоҳ ўзимга таниш, гоҳ тахмин қилиб кўз олдимга келтирган манзараларни ва гоҳида умуман хаёлимга келмаган чигал ва мудҳиш воқеалар кўз ўнгимда бирма-бир жонла-

на бошлади... Турли мамлакатларда “Уста” лақабли, Нўён Афандиев, Муфлис Нақиб ҳожи ўғли деган бир неча номлар остида иш кўрган, асли исми Зулун, отасининг исми Саман бўлган бу одам биринчи марта ўғирлиги ва безорилиги учун судланиб, икки йил қамоқда ўтирган. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қамоқдан чиқиб келиб, “Табиб” деган бир ширкат тузади. Ширкат доривор гиёҳлар, мўмиё савдоси ниқоби остида гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланади.

Асли чаласавод. Еттинчи синфи тугатиб, мактабни ташлаб кетган. Лекин ниҳоят айёр, шафқатсиз. Ширкат атрофига бекорчи, нотайин ўсмирларни тўплаб, уларни ўз жиноий фаолиятига жалб этган. Тўқсонинчи йиллардан бошлаб гиёҳванд моддаларни хорижий мамлакатларга катта миқдорларда жўната бошлайди. Бунда турмуши ночор аёллар, ҳатто болалар хизматидан фойдаланади. Улардан кўпларининг қамалиб кетишига сабаб бўлади. Бироқ “Табиб” ширкати расман бошқа кишининг номида бўлгани сабабли ўзи ҳеч жойда кўринмас ва ҳамиша сувдан қуруқ чиқиб кетар эди. Ҳолбуки, ҳуқуқ идоралари тўқсонинчи йиллар бошидаёқ унинг изидан тушишган. “Уста” асосан хорижда яшагани боис унга бирон-бир айб қўйиш қийин бўлган. Айни пайтда у доим маъмурӣ идоралар ходимлари билан яқинлашишга, уларни сотиб олиб, эркин ҳаракат қилишга уринган...

Кейинги йилларда “Уста” ўз “фаолияти”ни яна ҳам кенгайтириб, фоҳишафурушлик, қурол-яроғ савдоларига аралашган. Афғонистон, Чеченистонда бўлган. Сохта паспортлар ёрдамида бир неча мамлакат фуқароси сифатида иш кўрган...

Айбнома узок ўқилди. “Уста” ва шериклари қилган ишлар олдида Ғарбнинг энг даҳшатли жангари киноси ҳам ип эшолмасди. “Мехри воқеаси” ушбу жиноят ишида кичик бир лавҳа эди. Гарчанд кейинроқ айбланувчилар ва гувоҳлар кўргазмалари асосида ўша мудҳиш, қонли жиноятнинг муфассал ва мукаммал манзараси равshan намоён бўлди. Алқисса...

Хукм ва Абдували “Уста” билан талабаликлари-нинг охирги йилида, ётоқхонада танишадилар. Ўша пайтлар бу “ёш тадбиркор” талабалар ўртасида ўзининг “бекиёс саҳовати” ила ном қозонган, айниқса, бўлажак ҳукуқшуносларни, журналистларни тез-тез қуюқ зиёфат қилиб, улар орасидан имкон қадар кўпроқ дўстлар орттиришга уринган. Бу унинг узокни қўзлаган мақсадларига хизмат қилиши лозим бўлган, албатта. Дарвоҷе, судда унинг “Уста” лақаби қандай пайдо бўлгани ҳам ойдинлашди. Биринчи марта қамалгунга қадар у автомашиналарни таъмирлаш устахонасида ишлаган. Аввал шогирд бўлган. Кейинроқ мустақил ишлаб, “кўли гул уста” сифатида ном қозонган. Қамоқдан чиқиб келиб, “Табиб” ширкатини юргизиш баробарида бойиб, ўша ўзи бир пайтлар ишлаган устахонани ҳам шерикларидан бирининг номига сотиб олган. Одил Маҳкамов айнан ўша устахонада ишлаган.

– Мен устахонада тинчгина ишлаб юргандим, – дея ҳикоя қилди судда Одил. – Бир куни бошлиғимиз “Сени катта раҳбаримиз ёқтириб қолибди, ўзига ёрдамчиликка сўраяпти. Ҳозир ҳузурига суҳбатга борсан. Яна таклифини рад этиб юрмагин” деди. Ўшанда мен Самановни умримда биринчи марта кўрдим. У менга “Сен етим ўсган экансан, бошингни силаб,

одам қилмоқчиман” деди. Кейин айтдики, “Номига устахонада ҳисобда турасан, лекин асосан менинг топшириқларимни бажарасан”. Мен рад этдим. Чунки табиатимга кўра, бирорга хизматкор бўлишни ёқтирамасдим. “Оддий бўлса ҳам, устачилик қилиб юрганим маъқул” дедим. “Уста” аччиқланди. “Майли, сени шоширмайман, ўйлаб кўр” деди. Худди ўша кунларда устахонага машина тузаттириш учун келган Жасур aka билан танишдим. У киши “Сен яхши йигит экансан, энди машинани фақат ўзингга тузаттираман” деди. Шу тахлит тез-тез келадиган, баъзида машинасини бир-икки кун ташлаб ҳам кетадиган бўлди.

Бу кунларда мен машинани созлаб, ювиб-тараб, гоҳ-гоҳида ҳайдаб ҳам юрадим. Бир куни кечқурун у кишининг машинасини созлаб, уйига элтиб бермоқчи бўлиб турганимда бошлиғимиз “Бир-икки соатлик иш бор, машинада хизмат қилиб юборасан” деди. Мен бирорнинг машинасида хизматга боролмаслигимни айтдим. Шунда бошлиғимиз “Жасур aka доимий мижозимиз, агар билиб қолиб, хафа бўлса, ўзим гаплашаман” деди. Кейин машинага уч киши келиб ўтирди. Мен уларни илгари кўрмаганман. Бири малласоч, бошқа миллатга мансуб одам эди. Гапидан бошқа шаҳардан келганини билдим. Улар аввал “Ресторанга ҳайда!” дейишиди. Ярим кечагача, ресторан ёпилгунча ўтиришди. Сўнгра тунги дискотекалардан бирига боришиди. Соат иккиларда у ердан чиқиб, маҳаллалардан бирининг манзилини айтишибди ва ўша ёқقا ҳайдашимни буюришиди...

Судья Одилдан “Улар ҳовлиларнинг биридан қоп кўтариб чиқишиди ва машинанинг юкхонасига солиб,

шашарлараро автобус бекатига ҳайдашни буюриши-ди" дедингиз. Қопда нима борлигига, умуман улар-нинг бу ҳовлига нима учун, қандай қилиб кирганига қизиқмадингизми?" деб сўради.

- Қизиқмаганман. Бизнес ишлари билан юриш-гандир, деб ўйладим. Ҳовлига қандай кирганлари-га эътибор бермаганман. Кун бўйи ишлаб толиқсан эдим. Мудраб қолибман. Кейин сўрадим. "Тинчли-ми, нима олиб чиқдинглар?" дедим. Улар "Ишинг бўл-масин, сенга алоқаси йўқ" дейишиди.

Очиғи... мен улар ўша ҳовлидан бирон ўғринча молни олиб, бошқа шаҳарга жўнаб кетишяпти, деб ўйлаганман. Автобус шоҳбекати дарё соҳилига яқин ерда жойлашган. Қопдаги жasad эканини, уни дарёга ташлашганини кейин қамоқقا олинганимдан сўнг билдим.

- Тергов чоғида шу гапларни айтдингизми?

- Айтдим. Лекин ўшанда гапимга ишонишмади. Кесилиб кетдим.

- Ҳозир айбланаётган кишилар орасида ўша одам-лар борми?

- Ҳа, - деди Одил ва панжара ортидагилардан икки кишини кўрсатди.

- Қамоқдан нега қочдингиз?

- Ҳаётимга икки марта суиқасд қилишди. Мени қамоқда ўлдириб юбормоқчи эканликларини бил-ганимдан сўнг қочишга мажбур бўлдим. Кейин яна қайтиб келиб, таслим бўлмоқчи эдим. Бу ҳақда Аб-дували акага айтдим. У кишидан менга нисбатан қи-дирув тўхтатилганини, жиноят иши қайтадан тер-гов қилинаётганини айтганидан сўнг паспортимни олиб, хорижга кетдим.

- Нима мақсадда?
 - Дам олгани.
 - Бўпти. Ўтиришингиз мумкин, – деди судья.
- Одил биринчи қаторга, Мехрининг ёнига бориб ўтирди...

Одилнинг сўзлари менда кейинги пайтда пайдо бўлган айрим саволлар жавобини ойдинлаштириди. Айни пайтда янги саволлар туғилди. Майли, бу ҳақда кейин. Шундай қилиб...

Салкам бир ой давом этган суднинг бутун тафси-лотларини сўзласан, бир китобга сифмайди. Бинобарин, сўзни муҳтасар қилиб, унинг якуни ҳақида тўх-таламан.

Судда “Уста”нинг қамоқقا олиш арафасида ўлганлиги айтилди. Одил кўрсатган икки киши Хукмнинг қотили аслида бошқа шаҳардан олиб келинган одам бўлганини, Мехри ижарада яшаган хонадон соҳибасини ҳам, Жасурни ҳам ўша ўлдирганини айтишди. “Биз фақат унга ёрдам бергандик, холос” дейишди улар.

– Кейин “Уста”нинг буйруғига биноан сизлар уни ўлдиргансизлар, шунақами? – деб савол берди тўсатдан Абдували.

– Йўқ. У Истанбул шаҳрида номаълум кишилар томонидан ўлдириб кетилган. Бунга бизнинг алоқамиз йўқ, – деди улардан бири. – Туркия полицияси унинг қотилларини тополмаган.

– Чунки сизлар бу пайтда қочиб улгургансиз, – деди яна Абдували. Кейин залга қараб изоҳ берди:

– Ушбу қотиллик юзасидан Туркия жиноят қиди-рув полицияси терговни ҳали давом эттирмокда. Тез орада аниқлик киритилади.

Шунингдек, "Уста"нинг ўлими сири ҳам ўша тергов якунида аён бўлади...

Суд тугади. "Уста"нинг шериклари ва гумаштала-ри узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм қилинди. Одил Маҳкамов оқланди. У суд залини тарк этаркан, Абдували билан қучоқлашиб, хайрлашди.

– Қиёматлик акам бўлдингиз, – деди у. – Бир умр қарздорман сиздан.

Сўнгра у қадди букилган қайнотасининг қўлтиғидан суюб ташқарига чиқаётган Мехрининг ёнига келди. Икковлашиб отахонни бекат сари етаклаб кетишиди. Ўша куни Одил, Мехри ва Абдували билан қаҳвахонада суҳбатлашганимизда Мехри Одил билан қайнотаси ҳузурига борганларини, ўғилчасини ўша ерда қолдирганини айтган эди. Ўшанда мен жабрдийда, жафокаш отахоннинг ҳолатини тасаввур қилишга урингандим. Энди ҳаммаси аён бўлганди. Аммо...

Мен ҳозир уларни тўхтатиб, саволга тутиш ўнғай-сизлигини билардим. Шу боис Абдувалини кутиб турдим. Бироздан сўнг у чиқиб келди.

– Бирон жойга кириб, бир пиёла чой ичамиз, – деди у.

– Майли, – дедим ва уни Матбуотчилар уйи ёнида-ги қаҳвахонага бошладим.

ХУЛОСАМИ Ё МУҚАДДИМА

– Биламан, сен мендан хафасан, – деди Абдували аччиқ дамланган қўк чойни ҳузур қилиб шими-рар экан. Ҳарқалай энди ҳақиқат ва адолатни юзага чиқариш учун анча-мунча елиб-юрганимни билиб

олганингдан сўнг тўғри тушуниб, бир қошиқ қонимдан ўтарсан, деган умиддаман.

- Майли, бир қошиқ қонингдан кечдим. Лекин наҳотки шу қадар маҳфий тарзда иш олиб бориш керак бўлганлиги ақлимга сиғмайди.

- Керак эди, дўстим. Ўша ўзинг билган “Уста”нинг ҳамма жойда айғоқчилари бўлган. Шу боис тез ва ўта яширин тарзда иш олиб боришга тўғри келди.

- Барibir “Уста”ни қўлга ололмабсан-да? Ёки унинг тириклай қўлга тушиши сенга ҳам унчалик зарур эмасми?

Абдували менга қулимсираб қаради:

- Сен мабодо мени ҳам “Уста”га тобе одамлар рўйхатига киритиб қўйганинг йўқми?

- Ошна эдиларинг-ку!

- Бу хизмат зарурати эди. Дарвоҷе, нега сен “Уста”-нинг ўлими тафсилотлари ҳақида батафсил сўрамаяпсан? Ё унинг чиндан ҳам ўз ажали билан ўлганига ишондингми?

- Шунаقا дейишди-ку

- Бу ҳали дастлабки маълумотлар. Аслида у ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Тиббий экспертиза хулосасига кўра “Ўткир юрак етишмовчилиги” деб ташхис қўйилган. Бироқ, ҳозир шунаقا заҳарлар борки... Шу боис биз унинг мурдасини экслугумация қилиш ва такрорий текшириш ўтказиш ҳақида сўров юборганимиз.

- Мени “Уста”дан ҳам кўпроқ ёлланма қотилнинг ўлдирилиши воқеаси кўпроқ қизиқтириди. Ким ўлдирган уни? Агар... сен судда айтганингдек, “Уста”-нинг буйруғига кўра ўлдирилган бўлса, анови иккалови нега тирик қолган?

– “Уста” изларни йўқотиш учун Ҳукм ва Жасурнинг ўлимига алоқадор кишиларни бирин-кетин йўқота бошлаган. Бунинг сабаби, мен ўша жиноят ишини қайта текширишни бошлаганимни у билиб қолган. Одилни ҳам қамоқда ўлдиришга уринишган-у, бунинг уддасидан чиқишшолмаган. У қочиб кетган. Бу пайтда мен унинг гуноҳсизлигини исботлаб улгургандим.

– Одилга хорижга “дам олиш”га боришини ҳам сен маслаҳат берган экансан-да?

– Ҳа, бу пайтда интерпол “Уста” иши бўйича тергов олиб бораётган эди. Одил ўша ерда гувоҳ тариқасида керак бўлганди.

– Тушунарли. Демак, Мехри ҳам?

– Ҳа.

– Қизиқ. Унда... Мехри қандай қилиб “Уста”нинг қўлига тушиб қолган?

– Аэропортда интерпол ходимларини чалғитиб, илиб кетишиган. Кейин Европадаги бир неча давлатларга юбориб, яширишмоқчи бўлишган. Бу орада “Уста” ўлган. Мехри бу ёққа қайтган. Унинг кўргазмалари шу ерда олинди.

– Одил-чи?

– Одил ўша ерда “Уста” ва бошқа жиноятчи шериклари билан юзлаштирилиши керак эди. Тегишли тергов ҳаракатлари ниҳоясига етгач, у мен билан бирга қайтиб келди.

– Асосий ёлланма қотилнинг ўлдирилиши билан боғлиқ воқеа аниқланмай қолибди-да, хуллас?

– Вақти келса, аниқланади. Янаям ким билади дейсан. Ит ўлимини топган ўша кимсанинг қотилини излаб ўтиришнинг ҳожати бормикан? Мен ўз тахмин ва хуносаларимни у ёқда ҳам, бу ерда ҳам айтдим. Энг

муҳими, бегуноҳ одамлар оқланиб, ҳақиқий айбдорлар жазосини олди. Энди буни bemalol мақола ёки ҳикоя қилиб ёzsang бўлади.

– Майли, энди ёzsam бўлар. Лекин бунинг учун Мехри ва Одил билан яна бир марта батафсил сұхбатлашишим керак

– Сұхбатлаш. Дарвоқе, улар турмуш қуришса керак. Бир-бирларини яхши кўришади. Сездингми?

– Ҳа. Лекин, Абдували, ростини айт, сен ҳам Мехрини ёқтириб қолган эдинг, шундай эмасми?

– Ўзинг-чи, ўзинг? Ўзинг ҳам унга бефарқ эмасдинг. Биз, эркаклар чиройли аёлни кўрганда оғзимизнинг суви қочади. Бу ҳаммамизга хос касаллик. Кўявер, ўтган ишга саловат, дейдилар. Энди дўстим, мен борай. Иш кўп. Хайр!

Абдували кетди. Мен яна анча ўтирдим. Бўлиб ўтган барча воқеаларни, суд тафсилотларини хаёлдан ўtkазиб, ёзилажак мақолани миямда режалаштиришга уриндим. Шу чоғ кўлида икки шиша пиво кўтариб мен томон келаётган ширакайф Хондамир Бакирга кўзим тушди. Боя уни суд залида кўргандек бўлувдим.

– Салом, ошна! – деди у пивони стол устига кўйиб, менга қўл узатар экан. – Қалайсиз? Ўтирсам майлими?

– Келинг, – дедим бўш ўриндиқлардан бирига имоқилиб. – Сиз ҳам судда қатнашдингиз-а?

– Ҳа, – деди у бир амаллаб стол ёнига ўрнашиб олгач, шишадаги пивони пиёлаларга қуяр экан. – Қатнашдим. Фирт бемаънилик! Абдували ошнангиз тўқиган сафсата! Адолат яна оёқости қилинди. Ҳукуқ химоячилари яна бир карра ўз ношудликларини, саводсизликларини намойиш этишди!

- Нега энди? Нима учун?

- Шунинг учунки, бу суд ҳам прокуратуранинг айрим нопок ходимлари томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтди. Судья саводсиз бир кўғирчоқ. Ўша порахўрларга шерик.

- Сиз ўйлаб гапиряпсизми, биродар? Тунов куни Абдувалини Мехри билан қочиб кетди, деган бўлмағур гапни айтгандингиз...

- Ҳа, шунаقا дегандим. Аммо, бу Абдували ошнангиз мен ўйлагандан кўра ҳам айёроқ экан. Мехри ва Одил Маҳкамов ёрдамида Зулун Самановни ўлдиртириб, уларни ва бир йўла ўзини оқлаб олди. Самановнинг лақма гумашталарини суд қилиб, масалани ана шунаقا тарзда якунлади. Шу тахлит у олган миллион-миллион пораларини, ўзининг гиёҳванд моддалар савдосидаги иштироки ва бошқа жиноятларини Зулун Самановга кўшиб, кўмиб юборди...

Хондамир Бакир айтаётган гаплар шу қадар даҳшатли эдики, мен беихтиёр атрофга аланглаб, овозимни пасайтириб сўрадим:

- Сиз буни қандай исботлайсиз?

- Вақти келса, исботланади. Ҳозир мен тўлалигича коррупциялашган улкан жазо машинасига қарши ожизман. Лекин менинг кучим – ҳақиқатни билишимда.

- Қанақа экан ўша ҳақиқат? Билсак бўладими?

- Майли. Сизга айтаман. Ўша Абдували деган терговчи ошнангиз, аслида “Уста” деб аталмиш Зулун Самановнинг гумаштаси бўлган. Унинг пулига ўсиб-улғайган, прокуратурага ишга жойлашган. Мудом унинг хизматида бўлиб, айбларини яшириб, ҳатто шерикчилик қилиб келган.

– Хўп... лекин бу гапларнинг Мехри воқеасига қанақа дахли бор?

– Э-э, содда қаламкаш дўстим! Мехри Абдувалининг энг асосий шериги-ку! Абдували у билан қизлиқ чоғидан юрган. Айбини яшириш учун шогирди Ҳукмга олиб берган. Кейин Ҳукм унга қарши чиққач, қаматтирган, ўлдиртирган. Кейин Зулун Самановга қўшган... Унинг Заркентдаги шоҳона қасрини қўлга киритиш учун. Саманов ўша муҳташам чорбоғни, хориждаги сармоясининг анча қисмини Мехрининг номига расмийлаштириб бергач, уни ҳам ўлдиртириб юборган. Абдували ана шунақа даҳшатли маҳлук. Мехри – унинг шериги. Тушундингизми?

– Одил Маҳкамов-чи?

– У бола бир адашган, сўқир бола. У – Абдувалининг қуроли! Абдували айнан унинг қўли билан аввал Ҳукмни, кейин қамоқдан қочириб, Жасурни, ундан сўнг Зулун Самановни ўлдиртирган. Мана энди оқлаб, Мехрига уйлантиради ва униям истаган пайтда йўқ қилиб юборади.

– Гапларингиз хаёлий бир детектив кинога ўхшайди. Фантастика... мистика...

– Ҳар қанақа фантастика ҳам, мистика ҳам азиз дўстим, ҳаётдаги реал воқеалар асосида пайдо бўлади. Элликдан зиёд аёлни ўлдирган Чикатилло ёки Англиядаги қонхўр Жек қилган ишлар ҳам билмаган одам учун фантастика бўлиб туюлади...

– Менимча, сиз шу ҳақда бирон бадиий асар ёзаётганга ўхшайсиз. Шундай эмасми?

– Шундай.

– Ўша асарингизда муболаға ҳаддан ортиқ кўпайиб кетмаяптимикан? Шу ҳақда бир ўйлаб кўринг.

– Нимасини ўйлайман. Бунинг ўйлайдиган жойи

йўқ. Ё ростини, ҳақиқатни ёзишим керак, ёки сизга ўхшаб Абдували айтган чўпчакларга ишониб, “Суд залидан” рукни остида “Адолат қарор топди” қаби-лидаги юзаки, буюртма мақола битиб, виждонимни алдаб, ўзимни овутиб юришим керак. Иккиси-дан бири. Мен... ҳарқанча оғир, мураккаб бўлмасин, тўғри йўлни танлаганман. Сиз эса... сиз ва сизга ўх-шаганлар Абдувалиларнинг ноғорасига ўйнаб юра-верасизлар!..

Хондамир Бакир ҳар иккала шишадаги пивони ичиб тугатгач, кайфи буткул ошиб қолди. Яна ни-малардир деб ғўлдиради. Мудради. Шу боис у билан баҳслашиб ўтирмадим. Бир муддат унинг қизариб, бўғриқиб кетган юзига қараб турдим-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, қаҳвахонадан чиқиб кетдим. Кеч тушиб, теварак-атроф қоронfilaшган. Ҳаво анча со-вуқ. Хиёбон орқали автобус бекатига қараб юрдим. Йўлкадаги заъфарон ҳазонларни бир-бир босиб, одимлар эканман: “Хондамир Бакир мастлик билан айтган гапларни хаёлимдан чиқариб ташлашим ке-рак, акс ҳолда Мехри ҳақидаги мақоламни ҳеч қачон ёза олмайман ва... бу воқеа ҳаливери тугамайди” деб ўйлаб борар эдим.

АКА-УКАЛАР

Ҳикоя

Шаҳарга ғуборли куз оқшоми чўқди. Диққинафас уйчада хаёл суриб ўтирган Файратнинг кўнгли ғаш бўла бошлади. Ҳар куни аҳвол шу: қоронғи тушди дегунча унинг ҳам ичи хуфтон бўлади. Бугун усти-га-устак қорни ўлгудай оч, курагининг таги куйган-дек ачишяпти. Акасидан бўлса дарак йўқ. Ким била-

ди, соат нечада келади. Эрталаб “кечкіларда дарсім бор” деяётган эди. Файратнинг бўлса ичи гумуриб бораётти.

Ошхонага чиқиб, дастурхондан бирон бурда нон олиб ейин деса, янгаси жеркиб беради. Бир гал шундай қилганида: “Нега иштаҳангизни бўғасиз. Ҳадемай овқат сузамиз-ку” дея уришган. Бу қуриб кетгур “ҳадемай” эса акаси Шухратнинг ишдан қайтишига боғлик. Баъзи кунларда Шухрат кеч келиб, “мен овқатландим, ўзларинг еяверинглар” деганида, Файратнинг алами олти бўлиб кетади. Овқат еб, нафси ором олгач, ўзининг бу аянчли ахволига гоҳ кулгиси, гоҳ хўрлиги келади.

Бир қарашда ростданам кулгили. Овқатланиш ҳам шунча хуноб бўлишга арзигулик гапми? Бир соат олдин бўлмаса, бир соат кейин-да. Кишининг эсига келмайди-ку! О, қанийди Файрат ҳам шундай қила олса. Отаси ўлиб, уйда ёлғиз бўлиб қолгач, уззу-кун очдан оч юриб, фақат чой-нон билан тамадди қиласавериб, ошқозонини ишдан чиқаргандан кейин, иссиқ овқатга суюниб қолди. Фикру зикри овқат. Салгина оч қолса, қорни тилиниб кетгандек бўлаверади.

Врач: “Ёшсан, вақтида овқатланиб юрсанг, асабийлашмасанг тез тузаласан, кўрмагандек бўлиб кетасан” деди. Лекин Файрат у айтгандай қилолмаяти-да. Эҳтимол, қўнгли тўқ бўлса, очликдан унчалик жиғибийрони чиқмасди. Қайтага оч қолиш асабни мустаҳкамлармиш-у. Лекин Файрат сирам хотиржам бўла олмайди. Яккаю ягона туғишгани билан тил топишолмаётган кишининг қаёқдан кўнгли тўқ бўлсин. Файрат доимо акаси уни тушунмаётгандигини ўйлаганда, хўрлиги келиб, кўзида ёш ғилтилларди. Ҳозир ҳам у куйилиб келган ёшни қайтар-

моқчи бўлгандек бошини юқорига кўтариб, қоронғи шифтга тикилди. “Култ” этиб ютинди. Илгари, ҳали қишлоқда, тоғасиникида юрганида бунчалик эзилмасди. Кўнгли чўккан кезларда “шаҳарда акам бор” дея ўзини юпатарди. Энди-чи, энди нима деб ўзига тасалли беради?..

– Яхши ўйлаб кўрмадинг, жиян, – деди тоғаси қовоғини уйиб, Ғайрат шаҳарга отланган куни. – Яна-ям ўзинг биласанку-я!.. Бола эмассан энди. Сенга ақл ўргатишнинг ўзи нотўғри. Аммо... киши насибасини киндик қони тўкилган жойдан излайди. Иннайкей-ин, чол-кампирнинг арвоҳи ҳали чирқиллаб юрган хонадонда чироқ ёниши керак. Одам фарзандини “ўлсам чирофимни ёқади” деган умид билан катта қиласди.

Ўқиши бўлса қочмас, ахир. Шопирлар курсига кир. Уч ойда битириб, правали бўласан. Совхозга келган янги машиналардан бирини олиб берардим...

Тоғаси учун дунёдаги энг яхши касб – шофёрлик. Ўзику эсини таниганидан бери машина ҳайдаб, эгни дурустроқ костюмга ёлчимайди. Яна бошқаларни гаранг қилишига бало борми? Шофёрлик ҳам касми? Кўрган кўзгаям, эшитган қулоққаям кулги бўлади.

Кейин... Маҳфузанинг олдида неча пуллик одам бўлади? Унга анчадан бери “зоотехникликка кираман” деб юрибди. Маҳфузга билан шу ҳақда гапиришганда, Ғайратнинг меҳри товланиб: “Биласизми, Маҳфуз, истасангиз икковимиз ҳам бир институтга кирамиз” деганди.

Маҳфузга уялиб кетди. Кейин: “Майли, сиз бораверинг. Кириб олсангиз, келаси йил менга ҳам ёрдамлашасиз. Чунки ўйдагилар мени бу йил юборишмайди. Аввал аканг кириб олсин, кейин сен борасан

дэйишияпти" деди. Мана шунаقا. Файрат институтга киришга аллақачон аҳд қилиб қўйган. Тоғаси буни тушунармиди...

Хона эшиги тарақлаб очилди. Парда ортидан акасининг тўнғич қизи Моҳира мўралади.

– Дадам келдилар. Овқатга борайканлиз.

Файрат тушкун кайфиятда айвонга чиқди. Ойнаванд зал ўртасидаги узун хонтахта атрофида ундан бошқа ҳамма жам бўлганди. Акаси, янгаси, уларнинг уч қизи. Кенжаси Зоҳида дадасининг тиззасига чиқиб олибди.

– Сурил, аканг ўтиурсин, – деди янгаси Моҳираға.

Аслида шундоқ ҳам жой кенг эди. Шунчаки янгаси Файратга меҳрибончилигини кўрсатмоқчи бўлди. Файрат акасига салом берган киши бўлиб, хонтахта ёнига ўтирди. Димоғига зифир ёғига қилинган паловнинг хушбўй ҳиди гупиллаб урилди. Ҳа, янгаси ошга жон киритиб юборарди. У киши пиширган ошни еган киши тўйганини билмайди. Файрат ҳам биринчи гал еганида кечаси билан ухлай олмасдан, энтикиб чиққан...

Ўша куни уни жуда яхши кутиб олишганди. Ака-ука кучоқлашиб кўришишди. Акаси Файратдан мактабни қандай тугатгани, баҳолари қанақалигини астойдил қизиқиб суриштирибди. Аттестатни синчиклаб текширибди. Кўнгли тўлди шекилли, "маладес" деб қўйди. Сўнгра худди бугунгидек дастурхон атроғига ўтириб ош ейишди. Файратнинг кайфияти яхши, нимагадир энтикарди.

Фақат бир нарса – акаси билан янгаси тилла суви юритилган қошиқда еб, унга оддий темир қошиқ беришгани ғашига тегди. Кейин: "Эҳтимол, менга етмай қолгандир, шунгаям эътибор бериб ўтирибман-а"

деб ўзини койиди. Акаси иккови бир товоқ ошни пок-покиза туширишди. Тўғриси, кўпини Файрат еди. Бир томони, ош жуда ширин бўлган. Устига-устак, акаси “ол-ол, бакувват бўлиб, куч йиғмасанг, институтга қандай кирасан” деб қистар, Файрат чиндан ҳам кам еса, ўқишига киролмай қоладигандек катта-катта ошарди.

Ошдан кейин чойни майдалаб ичиб, гаплашиб ўтиришди.

– Хўш, жўра, план қандай? – акасининг дабдурустдан берган саволи Файратни бир оз саросимага солиб қўйди.

– Шу... селхозга кирсам дегандим, зоотехникликка. Ахир... – Файрат гапининг давомини айтишга улгурмай Шуҳрат қулиб юборди.

– Оббо сен-эй! Сельхозга кираман, де! Дадилсан-ку! Совхозга директор бўлмоқчимисан? Худойберди кал ишсиз қолар экан-да? Берармикан жойини? Берса-ку яхши-я, бермаса, умринг кучукларни укол қилиш билан ўтиб кетар дейман-да. Ё чўпон бўласанми? Бир қиши ўтмай, отарнинг ярмисини қириб юбориб, қамалиб кетма яна.

Файрат акасининг совхоз директори Худойберди Ҳамроев ҳақида бунчалик қўпол, ҳақорат қилиб гапиришидан хафа бўлди. Чунки отаси директорни жуда хурмат қилар, доим алқаб тилга оларди. “Бара-ка топгур Худойберди, зап кайвони чиқди-да” дерди у киши. Кейин... кейин тоғасининг айтишича, у отасининг қабрига тош қўйишгаям ёрдам берган экан.

Файрат акаси Худойберди Ҳамроевни нимага ёмон кўришини яхши билади. Худойберди aka отасидан директорликни “тортиб олган”. Илгари у бош зоотехник бўлиб ишларди. Узоқ йили қиши қаттиқ келиб,

совхоздаги қўйларнинг қарийб ярмиси қирилиб кетди. Шунда отаси ўзи ариза бериб бўшади. “Бизларди усулимиз энди иш бермайдиганга ўхшайди, ёшлар ишласин” деди. Ахир ёши ҳам олтмишдан ошиб кетганди-да. Шухрат бўлса, қишлоқдаги айрим қитмир одамларнинг гапига ишониб, “Худойберди отамнинг устидан ёзib бўшатди” деб ўйлади. Тўй-маъракаларда кўрса, сўрашмай терс бурилади. Ҳалиям Худойберди аканинг ичи кенг экан. Шухратнинг нописандлигига парво қилмай, кулиб қўяди. “Ёш, ҳали пайти келса, тушунар” дейди.

– Бу болаларга бир гап уқтириш жуда қийин-да! – деди Шухрат хотинига ўгирилиб. – Улар учун дунёда зоотехник ёки ветврачдан зўр одам йўқ. Мундай кўзини очиб, атрофга қарашмайди. Ахир бу муаллим деган оқсоқол тушунтирмайдими? Техника тараққий этяпти. Атом асрида яшаяпмиз. Замон кимники – техникани биладиганники!

Акаси ўзи ишлайдиган институтни мақташни, инженерликни ҳамма касблардан устун қўйишни яхши кўради. У қишлоқقا борган кезларида ҳам бу ҳақда кўп гапиравди.

– Энди ука, хўп десанг, бизнинг институтни бир кўр. Битириб чиқсанг, ишқилиб, хор бўлмайсан. Бу ёғи – мен шу ердаман! Аспирантура, илмий иш, кандидатлик деган гаплар бор...

Ғайрат узоқ ўйлаб ўтирумай, эътиroz билдириди:

– Ҳамма кандидат бўлиши шарт эмас-ку.

Шундай деди-ю, боши балога қолди.

– Э, шўринг бор сени! Жуда калланг ишлайдиган бўп кетибди-да. “Ҳамма кандидат бўлиши шарт эмас” эмиш. Хўш, ким бўлмоқчисан? Сен нимани тушунасан, ўзи. Э-э..

Шуҳрат ҳафсаласи пир бўлгандек, қўлини силтади.

Боядан бери лабини масхараомуз буриб ўтирган
Манзура гапга аралашди:

- Товба, сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Ҳа-а-й, ма-а-йли... Қўйинг, ўзлари хоҳлаганига кира қолсинлар. Бир кучларини кўрайлик!

Файрат “ўқишга кириш учун ўзинг минг яхши билсанг ҳам, таниш бўлиши керак” деган гапларни мактабдалигидаёқ эшитганди. Математика ўқитувчиси Пиримқул Тошбоев баъзан хуноб бўлиб, “яхши била-диган болалар қолиб, қаердаги чаласаводлар кириб кетяпти, ҳаммаси таниш-билишчилик” деб қолар ва “агар калланг зўр бўлса, барибир кирасан” дерди. Гарчанд Файратнинг ўзига ишончи унчалик зўр бўлмаса ҳам, янгасининг нописанд гапириши нафсониятига тегиб кетди.

- Нима, шунчалик қийинми? Одамлар киряпти-ку?

- Бўлмаса, бир кўрасан-да, ука! Сен ҳам одамсан-ку! – пичинг қилди Шуҳрат. – Лекин ҳалиям бўлса, бир танангга ўйлаб кўр. Ўзимизнинг институтга бир укамни киритишга қурдатим етади. Бошқасига югуриб юришга вақтим йўқ. Имтиҳон... Иш бошдан ошибб ётибди...

Кейинги воқеаларни эслагиси келмайди. Эсласа, кўнгли ағдарилиб, алланечук бўлади. Гоҳ нафрати қўзғайди, гоҳ йиғлагиси келади.

Нега топширди ҳужжатларини шу институтга? Нега акасининг гапига кирмади? Акасиям қизик, Нима учун уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ахир тузуроқ тушунтирганида, у политехника институтига кириб қўя қоларди-ку!

Бу афсус-надоматлар кўнглига фақат аҳён-аҳёнда, Файрат “энди қишлоққа қайси юз билан кириб бора-

ман?" дея изтиробга тушган кезларда келарди. Аслида эса, у шошма-шошарлик қылганини, яхши ўқимаганини тушунди. Имтиҳон олган кекса, хушчехра домла уни суяшга, ёрдам беришга ҳаракат қилди. Лекин ба-рибир бўлмади. Уч саволнинг бирортасигаям тайинли жавоб беролмади. Бечора домла имтиҳон варақасини столнинг бир чеккасига олиб қўяр экан, гуноҳкорона илжайди. Ер ёрилмади-ю, Файрат кириб кетмади.

Ўша куни ҳам, ундан кейин ҳам акаси тайинли бир нарса демади. Оғзидан чиққан ёлғиз калима: "Боплабсан. Баттар бўл!" бўлди. Ўшанда гўё Файратнинг қаршисида туғишган акаси эмас, етти ёт бегона тургандек туюлди. "Ҳеч бўлмаса, қандай қилиб йиқилганини сўрамади-я, – ўйларди Файрат. – Бундай акадан бегона яхши, ҳалиги домлага ўхшаган". Қизиқ. Ўша домла имтиҳондан йиқитиб юборган бўлсаем, Файратнинг хотирасида худди яқин одамдек из қолдирди. Ўшанда Файрат имтиҳон хонасидан чиқар экан, эшикка етганида беихтиёр орқасига ўгирилганди. Қараса, ҳалиги домла унинг ортидан тикилиб турган экан. "Раҳми келди шекилли, ўйлади Файрат, яхши одамга ўхшайди..."

– Ҳа, тиқилиб қолдими, бунча имиллайсан!

Акасининг зардали товуши Файратнинг хаёлини бўлиб юборди. У шунда анчадан бери лунжидаги бир ошам паловни айлантириб чайнаётганини, қўлидан дастурхонга икки томчи ёғ томганини ҳезди. Тавба, ҳозиргина қорни таталаб кетаётганди. Энди бўлса, икки марта олмасданоқ энтикяпти – луқма томоғидан ўтмай қолди. Шунда Шухрат тутоқиб, бақириб юборди:

– Ема, тешиб чиқади, ҳаром пулга келган! – кейин товоқни жаҳл билан суриб, қўлинини арта бошлади.

Ғайратнинг юраги зириллай бошлади. Энди уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Бир соат тинмасдан жаврайди, ўзининг ҳақлигини, яна худо билсин, нечанчи марта такрор-такрор исботлайди. Ғайратни эzáди, ерга қаратади. Қаёқданам Ғайратнинг оғзидан чиқиб кетди ўша гап. Унга деса, бутун дунёни кемириб емайдими акаси...

Ғайрат имтиҳондан йиқилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрган кунларнинг бирида, кечки пайт ҳовлига дабдурустдан икки киши кириб келди. Уларнинг бири қўй етаклаб олганди. Шуҳрат ҳам, хотини ҳам ишда. Ғайрат ҳовлида бир ўзи эди.

– Домла йўқларми? – сўради биринчи бўлиб кирган мўйловли одам. Чехрасидан қишлоқдан келганиги билиниб турарди.

– Ишда у киши. Ўтириб туринглар, келиб қўлади, – дея Ғайрат уларни ҳовлидаги сўрига бошлади.

– Йўқ ука, вақтимиз йўқ. Ҳали яна келармиз. Мана буни бирон жойга боғлаб қўйинг. Ҳакимжон ака ташлаб кетди, деб қўясиз. Мехфакка кирган Ҳакимовнинг отаси десангиз, билади.

“А-ҳа! Акам вақтим йўқ, ишим кўп” деганида мана буни назарда тутган экан-да!” деб ўйлади-ю, дарди дунёси қоронғи бўлиб кетди. Кечгача ўзини қаерга уришини билмай, гоҳ аччиқланиб, гоҳ ҳўрлиги келиб, каловланиб юрди. Акаси келиб, дастурхон атрофида ўтиришганида, нимадандир гап очилди-ю, ўзини тутолмади.

– Сиз... Сиз қўй олиб келганларга ёрдам берар экан-сиз-да! Ана, бугун биттаси ташлаб кетди.

Шуҳрат укасига ҳайрат ва саросима билан қаратади. Ҳозир унинг одатдаги ўқтамлиги, сиполиги бир зумда қайгадир ғойиб бўлган, айб устида қўлга туш-

ган ёш боладек күзлари жавдиарди. Афтидан, у бунақа гапни биринчи эшиши эди. Шу боисдан бўлса керак, дафъатан нима дейишини билмай турди-ю, кейин зўраки илжайиб, хотинига гапирди.

– Бу қайнинг, терговчиликка ўқиса бўларкан-ку, хотин. Гапини эшиитдингми? Шўрлик отам буни чеснийликка ўқитиб кетган экан-да. Ўзи-ку, йигирма йил совхозда директор бўлиб, онамнинг косасини оқартирмади. Инсоф, виждан деб, ўзиям охир-оқибат бирордан раҳмат эшийтмай ўлиб кетди. Энди буям қорнини гап билан тўйдириб, эти устихонига ёпшиб юради, шекилли?

– Киролмаганларининг аламини энди сиздан оладилар-да! “Акам порахўр” деб гап тарқатишдан ҳам тоймайди бунингиз.

– Сен аввал тушун, ука. Мен бу қўйни сўраб олганим йўқ, хайми, агар баъзи домлаларга ўхшаб пул олганимда, билмайман, нима қиласдинг? Кўлимдан келди, ёрдам бердим. Ўзимизга кирганингда, сенгаям ёрдам берардим. Хўш, ёрдам бераман деб айтдими? Айтдим! Ўзинг ўжарлик қилдинг. Кўнмадинг. “Хай майли, бир шаштидан тушсин” дедим. Шундаям, жигарчилик, қанчалик юрагим ачишганини биласанми? Билсанг агар... ўша йиқилиб келганингдан бери еганим ичимга тушмайди! Қандай қилсам, шу кўнгли яримта укамни хотиржам қиласман, деб ўйлайман. Кеча селхозди тайёрлов бўлимининг деканини кўриб, гаплашдим. Хўп деди. Сен аввал бир гапди билиб, кейин гапир-да, жўра... Менгаям осон эмас...

Шуҳрат узук-юлуқ, пойма-пой гапирав, Ғайрат акасининг нима демоқчи бўлаётганини тушунолмасди. Илғагани шу бўлдики, акаси уни тайёрлов бўлимига киритмоқчи.

Лекин Файратнинг кўнгли ёришмади. Биринчидан, тайёрлов бўлимига кириш учун камида бир йил иш стажи бўлиши керак. Иккинчидан... акасининг ёрдам беришига негадир ишонмасди.

Мана энди бўлар-бўлмасга ўша гапни қўзғаб, жаврайверади. Жонига тегди. Нима қилишгаям ҳайрон. Тайёрлов бўлимига қабул вақти бошландиям, ўтиб кетди ҳам. Лекин на Шуҳрат гап очди бу ҳақда, на Файратнинг юраги бетлади. Файрат ўша лаънати кўй келган куниёқ бу ердан насибаси қирқилганлигини, янгаси тугул акаси учун ҳам бегона бўлиб қолганини, ортиқча нонхўрга, ҳатто қайсиdir маънода хавфли одамга айланганлигини пайқаб юрар, лекин энди нима қилиш кераклигини билмасди. Ёзгача ҳали қарийб бир йил бор. Бу ерда ҳар куни дўқ, пичинг, иддао. Яхвиси кетиш керак!

Акасининг навбатдаги зардаси туфайли хаёлига ногаҳон келган бу фикр унинг карахт тасавуруни тиниклаштириб юборди. Майли, қишлоқдагилар нима дейишса, дейишар. Маҳфузага эса у ҳаммасини яхшилаб тушунтиради. Кира олмадим, яхши тайёрланмаган эканман, дейди. Қиш бўйи ўқиб, келаси йил ёзда келади. Келсаям, бу ерга эмас, бошқалар қатори ётоқхонага жойлашади. Яна йиқилса, яна тайёрланади.

Кирмагунча кўймайди. Қишлоқда кўйнинг қатиғидан ичиб юрса, ошқозониям тузалиб кетади. Лекин... лекин қайси юз билан боради қишлоқقا? Қаерда яшайди? Бир ҳовлида бир ўзими? Тоғасиникидами? Туғишган акасининг уйига сиғмаган одам тоғасиникига сиғадими? Бунинг устига, бу ёқса келаётib тоғасига аччиқ қилган, сиз тушунмайсиз деган-ку! Энди қайси юз билан кириб боради у кишининг уйига.

Бироқ барибир хаёлидаги гапни айтиб қўйди.

– Мен кетсам деяпман, ака!

Шуҳрат унинг қачондир шу қарорга келишини билгандек, хотиржамлик билан гапини охирига етказди. Кейин шошилмасдан айтиши керак бўлган қарз гапни айтди:

– Ўқишиш-чи, ўқишиш нима бўлади?

Бу гап Ғайратнинг аламини қўзғади! “Ол-а! Худди мен бирон жойда ўқиётгандек” ўйлади у. Кейин атанин қўрс жавоб берди – у кетиш олдидан юрагининг зардобрарини бўшатиб олмоқчи эди:

– Ўқимайман! Пули кўп, қўйи кўп бойваччалар ўқийверсин!

Шуҳрат ёғ қуйилган оловдек ловиллаб кетди.

– Э, менга қара, алам қилган бўлса, қалампир қўй, хўпми! Кучим билан кираман дединг, ўз ҳолингга ташлаб қўйдим. Энди расво бўлиб, заҳрингни сочганинг нимаси? Калланг ишламагани учун мен айборманми? Ўзинг-ку, балониям билмайсан! Билгандаям, ўз кучинг билан киролмайсан.

– Майли... – сўнгги жумла Ғайратнинг бўғзида қолди. Кўнгли бузилиб, ўрнидан туриб кетди.

Маъюс бир аҳволда уйчага кириб, ўринга чўзилди. Узоқ хаёл суриб ётди. Ичи қисилар, тор, қоронғи уйча бўғаётгандек, ҳаво етишмаётгандек туюларди. Лекин сира ўйлаб ўйига етмасди. Асабийлашавериб, чарчагани асар қилди. Ярим тунда уйқу элитди.

Тушида аввал онасини, кейин отасини кўрди. Отаси унга “йўлинг тўғри йўл” дегандай жилмайиб турганмиш.

“Айтинг, ота, энди нима қилай” деса, “меҳнат қил, болам” дермиш. Кейин Маҳфуза пайдо бўлибди. У ҳам отасининг гапини такрорлармиш мулойим кулиб. Қи-

зиги шундаки, Гайрат туш кўраётганини билиб ётар, унга зўр бериб “мен ўз кучимга ишонаман, ҳали кўрасиз, албатта ўзим танлаган ўқишга кириб оламан!” дермиш.

“МЕНИ ШАРМАНДА ҚИЛМА, ХОТИН!”

Ҳажсвия

Исми жисмига монанд ўқтам ва ориятли биродарим Ўқтамбой яқинда нохуш бир хабар айтди.

– Хотиним юраркан!

Аввалига “оёғи бўлгандан кейин юради-да”, деб асқия қилмоқчи бўлдим. Қарасам авзойи жиддий. Ўйланиб қолдим. Ҳозир мендан хотинини сўйиш учун пичоқ, ёки осиш учун арқон сўрайди, деган хаёлга бордим. Нима қилиб бўлса ҳам уни ҳозир тинчлантиришим, бироз шаштидан туширишим керак. Акс ҳолда кўра-била туриб, бир инсоннинг умрига зомин бўлишим мумкин.

– Ўзингни бос, жон дўстим, балким... бўлмаган гапдир, бирон киши кўролмасликдан тухмат қилаётгандир, ким айтди ўзи? – деб сўрадим кўрқа-писа.

– Э, ўзим ушлаб олдим!

– Йўғ-е, ростданми, қаерда?

– Автобусда, шундоқ ҳайдовчининг орқагинасида ёнма-ён ўтирволишиб, тиржайган кўйи шакаргуфторлик қилиб келишаётгандакан. Ўша жойнинг ўзида иккаласиниям асфалосфилин қилворай, дедим-у автобусчига раҳмим келди, ҳалқ хизматидаги одам, терговга қатнаб сарсон бўлмасин, деб, ўзимни босдим.

– Тўғри қилибсан, автобусчи қамалиб кетса, бола чақасининг аҳволи нима кечади, ундан ташқари қанча одам хизматга кечикиши, оқибатда қанчадан-қан-

ча ишлар вақтида бажарилмасдан иқтисодиётимиз қанча миллионлаб зарап кўриши мумкин ахир,— дедим биродаримнинг жамият манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйгани ва бир бегуноҳ кимсани ноҳақ жазодан асраб қолгани учун астойдил алқаб.— Хўш, иннанкейин-чи, ким экан ўша, куппа-кундуз куни уялмай-нетмай бировнинг қонуний хотини билан ёнма-ён ўтиришга жазм этган хумса? Ўзим... уни тилка-пора қилиб ташлардим замон кўтарса.

— Мактабда ўқитувчи экан.

— Ўқитувчи? Вой қисталоғ-ей! Автобусда абонемент билан юрадиганчувриндига жазман орттиришни ким қўйибди!

— Ҳа-а, ўлма, оғайнини, мен ҳам шуни айтаман-да! Ақалли мундайроқ шахсий машинаси бўлсаям майли эди.

— Э-э, машинани битининг пулига оладими, ўзи маошдан-маошгача қарзга ботиб, тишининг кирини сўриб юради-ю. Айлантириб солмадингми нокасни?

— Ёқасидан ғиппа бўғиб, “ҳозир абжафингни чиқарман”, десам, “ўзингизни босинг ака, кеннойим тунов куни ўғлингизнинг ота-оналар мажлисига келганида танишган эдик, бугун автобусда тасодифан дуч келиб қолдик, ёмон хаёлга борманг, бу киши салкам онам қатори-ю”, дея айбини бўйнига олмасликка уринди. “Ўв-в назари паст, биринчидан, хотиним сен айтаётганчалик қари эмас, иккинчидан, эркак киши ёнма-ён ўтириб кетаётган аёлини “онам қатори”, деб камситмайди, учинчидан, мен сенинг ўрнингда бундай соҳибжамолни “мерседес”га миндирмасам ҳам ҳар қалай лоақал таксида олиб юрардим. Одам деган ҳам шунчалик мумсик бўладими-а? Нима қиласан қўлингдан келмаса, бунақа ишлар билан шуғулланиб,

ўзингният мениям юзимни ерга қаратиб, ҳайф сенга эркак, деган ном-э!" – дедим. Уялганидан ўзини автобусдан ташлаб юборай, деди шўрлик. "Ака, жон ака, тўғри тушунинг, хотинингизга кўз олайтириш нари турсин, ақалли автобусга чиптаям олиб берганим йўқ," дейди сўлжайиб. "Ўл бу кунингдан, – дедим энди заҳримни аёлимга сочиб, – жилла курса автобус харажатини кўтараолмайдиган жулдуровоқи камбағалдан бошқаси қуриб қолганми? Юрганга яраша тузукроқ бир бойвачча ёки мансаби каттароқ амалдор билан юрмайсанми, у сени мана бунаقا шалоғи чиқкан автобусда сарсон қилмасдан, ойналари қорайтирилган қоп-қора зулукдай "лимузин"га миндириб, дарвозанинг ёнига олиб келиб ташламайдими қўни-қўшнининг сўлакайини оқизиб. Кўрган, эшигтан одамлар нима дейди: "Ўқтамбойдай ўқтам, ориятли йигитнинг завжаси келиб-келибчувринди бир ўқитувчини илаштириби, бошқа ҳеч ким назарига илмаган-да, демайдими? Шунча йил мисқоллаб тўплаган обрў-эътиборим қаёқда қолади? Маҳалла-кўйда қандоқ бош кўтариб юраман?"

– Тўғри айтибсан, жўра, ориятингни сақлашинг керак. Анови... ўғлингнинг устози бўлса, ўзиям бошланғич синфларнинг ўқитувчисидир-да, маълумоти-ям олий эмасдир.

– Маълумоти-ку олий. Ундан ташқари, хотинимнинг айтишига қараганда, ўша кунги ота-оналар мажлисида қатнашган ҳамкасларидан бир-иккиси: "бу йигит юқорйнинг эътиборига тушиб, директорлик лавозимига тавсия этилган, яқин кунларда ҳокимиятдан буйруқ келиши керак", деганмиш.

– Ие, унақада нимага арзимаган нарсага ваҳима кўтариб, хотинингни хафа қилиб юрибсан? Ўтирган

бўлса, эрта-индин раҳбарликка тайинланадиган, келажаги порлоқ йигит билан ўтирибди-ку! Мен сенга айтсам, ошна, мактаб директори, деганлари ҳазила-кам одам эмас!

Аввало отнинг калласидай маош олади. “Кўшимча” даромадлари ҳам ёмон эмас. Ҳозир болангни айрим мактабларга жойлаштириш университетга кири-тишдан кўра қийин бўлиб кетган. Таниш-билиш топмасанг, томоғини дурустгина қилиб мойлашинг зарур. Ундан ташқари шўринг қурғур ота-оналардан “мактаб биносини таъмирлашга, ўқитувчиларни Янги йил, 8 март, Наврӯз, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Мустақиллик, касб байрами билан табриклишга, деб ҳар йили камида ўн-ўн беш марта пул йиғишади. Ўша пуллар сенингча қаерга кетади? Директорнинг чўн-тагига-да албатта!

Қисқаси, мактаб бир хазина бўлса, директор ўша хазинанинг эгаси-ку, биродар! Омадинг чопиб қопти, дўппингнги осмонга отавер. Зудлик билан бориб, ундан кечирим сўра, ҳа, айтганча, хотинингни ҳам олиб боришни унутма, кечириши осон бўлади-да! Сўнгра ялиниб-ёлвориб, ўзинг ҳам ўша мактабга ишга кириб ол, юрасизлар икковлон директорнинг сояи давлатида. Ундан ташқари-чи, бу бола катталарнинг шазарига тушган бўлса, ўсадиган йигит экан, ҳали яна кўтарилади. Бир-икки йилда ҳоким бўлиб қолса ҳам ажабмас. Ўшанд... хотинингни ўзига ўринбосар қилиб опкетади, сен эса ўрнига директор бўлиб қоласан.

– Э-э, намунча ҳовлиқасан, дарров подадаң олдин чанг чиқарасан-а, аввал директор бўлсин-чи, номзо-ди тавсия этилди, дегани албатта тайинланади, дегани эмас, биз ҳам оз-моз биламиз кўчанинг баланд-пастини.

- Бўлолмайди, деб ўйлайсанми?

- Ким билсин. Биладиганларнинг айтишича, ёғлироқ раҳбарлик лавозимига одам тайинланадиган бўлса, "кимошди савдоси", эълон қилинаркан, яъни ким "куруфи"дан кўпроқ чўзса, ўшанинг кетмони учаркан. Автобуснинг чиптасига пули етмайдиган бу бола кўпкарида улоқ олишига ҳечам кўзим етмайди-да.

- Эҳтимол ичидан пишгандир, яъни ўзини камтарликка солиб, автобусда юриш эвазига топганини туфлаб туғиб, йиғинаётгандир директорлик лавозимини сотиб олиш учун. Ё... асли мол-давлати чириб ётган бир бойнинг ўғлидир. Чунки... ўлгудай хассис эканлигига қараганда, бу бола сирам қашшоқقا ўхшамайди, мен сенга айтсам. Ҳар қалай, сен зимдан суриштириб, йўқ, яхиси – завжай муҳтара-манга шундай топшириқ бер: учрашувга таклиф этсин, ресторонда яхшилаб ичирсин, сўнгра секин қўйнига қўл солиб кўрсин. Аксар эркаклар мастлик билан ичидаги ҳамма сирини айтиб қўяди.

- Қизиқ гапларни гапирасан-а, ошна, автобусга чипта олиб беришни эп кўрмаган хасис ресторанга олиб кирадими?

- Олиб кирап ўлдими, агар... олиб кирмаса, хотининга "куруфи"дан тузукроқ бериб қўй, "харажати мендан", деб, ўзи олиб кирсин. Бунақа пайтда пулни аяб ўтирмаслик керак.

- Шошма, аввал ўзинг айтганингдек ўзим зимдан суриштириб кўрай. Ростдан ҳам ҳалигидақа бўлса, хотинхўжага айтаман, кўрқмасдан дадил ҳаракат қилишни бошласин. Нима дединг, маъқулми?

- Маъқул-ку-я, аммо суриштираман, деб вақтни бой бериб қўймасмикансан ишқилиб, унақа ўсадиган

кадрларнинг бозори чаққон бўлади, яна бирортаси эпчиллик қилиб илиб кетиб қолмасин, дейман-да.

– Унда вақтни бой бермасдан байтални қамчилаш керак. Шундайми?

– Мана бу бошқа гап. Машойихлар демишларки, бугунги ишни эртага қолдирма.

– Эмасам мен кетдим. Тезроқ бориб, маликаи дило-ромим билан маслаҳатни пишитай. Хайр!

– Омадингни берсин! – дедим ва ўқтам ва ориятли, шу билан биргаликда дадил ва қатъиятли биродаримнинг ортидан ҳавас ҳамда ширин хаёллар билан қараб қолдим. Ахир унинг иши юришса бизга ҳам юқади-да! Аммо...

Орадан икки-уч ой ўтди. Ҳалиги ўқитувчи йигит директорликка тайинланиш ўрнига “ахлоқи бузуклиги учун” ишдан ҳайдалиб кетди. Ўқтамбой ошнам ресторанга сарфланган пулларга бироз ачиндию сўнгра “келажаги порлоқ” бошқа бир номзодни қидиришга тушди. Камина эса унга қимматли лекин бепул маслаҳат беришда давом этаётирман.

ВАКОЛАТНИ ЎЗИМИЗ БЕРДИК

Ҳажсия

Кўпқаватли уйда яшайман. Яхши биласиз, бунаقا турар жойларни эплаш осон эмас. Шунинг учун бошқарувчилар тез-тез алмасиб туради. Яқинда навбатдаги уйбоши, яъни “домком”ни сайладик.

– Буниси ҳам узоққа бормаса керак, аввалгиси со-биқ мелиса бўлса ҳам тартиб ўрнатолмади-ю, – деди улфат қўшниларимиздан бири умумий мажлис арафасида.

- Ундан аввалгиси-чи, "тадбиркорман, етса молим, етмаса жонимни фидо айлаб жонажон домимизни обод қиласман", деб катта гапирганди. Олти ойга ҳам етмади фидокорлиги.

- Бунисининг касб-кори нима экан ўзи?

- Ёшлигиде безорилик қилиб бир неча марта қамалганди. Кейин пича инсофга келиб, бозорда чекчи бўлиб юрди. Ҳозир нима иш қилишини билмайман. Ҳамонки, домкомликка тавсия этишяпти, демак шунга арзиса керак-да.

- Майли, кўрайлик-чи...

- Агар мени сайлаб, тегишли ҳақ-хукуқларимга қўшимча тарзда яна озгина ваколат берсаларингиз уйимизда шу пайтгача тушингизда ҳам кўрмаган дарражадаги озодаликни, осойишталикни, намунали тартиб-интизомни, ахиллигу саронжом-саришталикни ўрнатаман. Минбаъд наинки қўшнилар, балки хона-донлардаги оила аъзолари ўртасида келишмовчилик, уриш-жанжал бўлмайди, кўйди-чикдилар тамоман барҳам топади, болалар ўртасидаги бетайин юришлар, мактабдан қочишлиар бартараф этилади, йўлакларга ўғрилар, дайди, безори, хуллас, қаланғи-қасанғи кимсалар мутлақо қадам босмайди. Агар шунга ўхшаш бирорта нохуш ҳолат юз берса, мени шу заҳоти бўшатиб юборишларингиз мумкин, – дея катта ваъда бериб юборди у йиғилишда. Бундан ийиб кетдик ва:

- Сайлаймиз! Қанча ваколат керак бўлса, олаверинг, озодалик ва тартиб интизом сақланса бас, – дея қичқирдик ўйлаб ҳам ўтирмасдан. Ҳа-да, ўзи бир домком бўлса, унинг ваколати қаёққа борарди.

- Унда марҳамат қилиб мана бу "Ваколатнома"га имзо чексаларингиз, – дея ботинқирамайгина бир хужжат кўрсатди у.

Бирма-бир бордиг-у ўқиб ҳам ўтирумасдан имзо чеквордик. Ҳижжалаб, инжиқлик қилиб ўтиришнинг нима кераги бор.

– Раҳмат, ана энди, рухсатларингиз билан ишга киришсам, – деди камтарлик билан қўлини кўксига қўйиб.

– Рухсат! – дея бақирдик бир овоздан.

Янги раҳбар биринчи куниданоқ берган ваъдаларининг устидан чиқа бошлади десангиз. Кўнгилли фаоллардан бир гуруҳини ёнига олиб, каллаи саҳардан қора шомгача салкам икки юз эллик хонадонли домнинг у бошидан бу бошигача тинимсиз “изғиш”-ни, яхши маънода албатта, бошлади. Шунинг баробарида истаган пайтда, айтайлик ярим тунда ёхуд айни пешинда истаган йўлагига, хонадонига кириб, кўрпангизнинг орасидан сичқоннинг кавагигача текшириб, юз берган нохуш ҳолатларга нисбатан чора кўришга, юз бермаганларининг олдини олишга киришди, хуллас, қисқа фурсатда қаттиқ тартиб ўрнатиб ташлади. Натижада...

Домимизда ўғирлик содир бўлиши тақа-тақ тўхтади. Бола-бақрадан тортиб катталаргача жиддий огохлантирилгани ва қаттиқ назорат остига олингани боис хонадонларда бақириш нари турсин, баланд овозда гапириш, белгиланган соатлардан кейин телевизор кўриш, радио эшлиши, чироқни ёқиб газета ўқиш, йўлакларга ҳожат равон этиш, ахлату чиқинди ташлаш нари турсин, чиқиш буткул тақиқланди. Шунинг самараси ўлароқ ўринсиз шовқин-суронлар барҳам топиб, эшикларимиз таги, зиналар чиннидай ярқирай бошлиди. Йўлакларимизга зирҳли пўлат эшиклар, уларга банкларнинг сейфларидағида рақамли қулфлар ўрнатилиб, кўчадаги турли дайдилару қаланғи-қасанғи

кимсаларнинг қадами узилди. Аммо... Кучайтирилган тартиб бизга бироз малол келди, шунга қарамасдан пана-пастқамда ғийбат қиласынан бермади. Айтишларича, гапи-ни икки қылганларни домимизнинг ертўласига оптушиб, қаттиқ дашном берар ва ҳатто... калтаклармиш. Чунки бунга ваколатни ўзимиз берган эканмиз-да. Аммо-лекин чукурроқ ўйлаб қаралса, кўрилаётган чор-тадбирлар ўзимизнинг фойдамизга хизмат қиласи. Масалан...

Эрталаб соат неччида ўрнимиздан туришимиз ва кечаси соат неччида уйқуга ётишимиз қатъян белгилаб қўйилди. Ушбу тартибни бузганларга жиддий чора кўрилади. Айтайлик, тунда уйқу маҳалидан саббисиз кеч қайтганлар уйга киритилмайди. Ёки, эрталаб белгиланган вақтдан олдин ташқарига чиқишнинг иложи йўқ. Бугина эмас..

Ҳар бир яшовчи эрталаб уйдан чиқиша ва кечқурун қайтиб киришда обдон текширув ва суҳбатдан ўтказиладиган бўлди. Яъни, нима мақсадда чиқяпти, чўнтағида нимаси бор, пули бўлса микдори қанча, уни қанақа мақсадларда ишлатмоқчи, қачон қайтади ва ҳоказолар ҳақида аниқ маълумот бериши керак. Қайтишда эса аввало, эрталаб берилган маълумотларга қанчалик қатъий амал қилганлиги ҳақида муфассал ҳисобот топширади. Айтайлик, эрталаб, тўғри ишга бордими, буни тасдиқловчи ҳужжатга эгами, ёки йўл-йўлакай бирор жойга кирган бўлса, бу ҳақда ишхонасини огоҳлантирганми, ўша кирган жойидан буни далилловчи қофоз беришганми, телефон ёки бошқа бирор коммунал хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, чиптаси қани, умуман, уйдан олиб чиқсан пулини қандай мақсадларда сарфлади, туш-

ликда еган овқати ҳақида ошхона маъмуриятидан маълумотнома олдими, ишдан қанақа транспортда келди, автобусда бўлса, чиптасини ташлаб юбормадими, чўнтағидаги мана бу пуллар қаердан пайдо бўлди, ишхонада маош олган бўлса, буни тасдиқловчи квитанция талаб этилади, мабодо тадбиркорлик асосидаги даромад бўлса, декларацияси борми, ўлпони тўланганлиги борасида солиқ идорасидан маълумотнома олганми ва ҳоказо.

Ўрни келганда ўша “ваколатнома”га кўра, манбаси аниқланмаган даромадлар домком томонидан мусодара этилиб, тегишли идораларга, манбаси аниқ бўлатуриб қўшимча махфий чўнтакларга, пайпоқ ичига яширилган пуллар эса текширилувчининг завжай муҳтарамасига топширилиши белгиланганлигини эслатиб қўйишим керак. Бу ҳам ўз нафимизга қаратилган-да! Ё нотўғрими?

Бу ҳали ҳаммасимас. Домкомимиз ўз ваколатлари доирасида ўрнатган қоидага биноан бирор яшовчи бирор жойга тўй-маъракага ёки меҳмондорчиликка бормоқчи бўлса, бу ҳақда камида бир ҳафта олдин тегишли таклифнома ёки тушунтириш хатини илова қилган ҳолда билдирги ёзиб, розилик олиши шарт. Билдиргида қачон, қай соатда чиқиб кетади, хотини ёки болалари биланми ё ёлғизми, қачон қайтади, аниқ кўрсатилиши лозим. Аксинча, уйига меҳмон келадиган бўлса, уларнинг умумий сони, ҳар бири ҳақида батафсил маълумот, паспортларининг нусхаси илова қилинган, келиш-кетиш соатлари, уларга тайёрланадиган таомларнинг хили, миқдори, нархи равшан акс этган ариза тақдим этилади. Домком аризани кўриб чиқиб, рухсат бериши ёки илтимосимизни рад этиши, бундан ташқари келадиган меҳмонлар

сонидан бошлаб тайёрламоқчи бўлган таомларимизнинг хилигача тузатиш киритиши, яъни кўпайтириши ёхуд камайтириши мумкин. Кўпчиликка маъқул тушган тартиблардан бири – у истаган пайтда уйимизга келиб, меҳмонлар рухсат берилган таомларни ейишияптими, аризада кўрсатилмаган ичимликларни ичишмаётирми, ёки белгиланган вақтдан ортиқча ўтириб қолишмадими, текширишга ҳақли. Агар рухсат этилган муддатдан кўпроқ лақиллашиб ўтиришган бўлса, куч ишлатиб, ҳайдаб чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Бирор киши ғинг деёлмайди. Чунки ўзимиз шунга ваколат берганимиз.

Каминага ҳаммасидан ҳам ёқиб тушгани – уйда хотин билан алоҳида мулоқот қилмоқчи ёхуд болаларга бирор топшириқ бермоқчи бўлсак, бу ҳақда аввал домкомимизни хабардор этиб, оғзаки бўлса-да, ҳар қалай розиликларини олишимиз талаб этилади. Ҳа, айтганча, сал бўлмаса эсимдан чиқай, депти, хонадонларда тайёрланиши режалаштирилаётган таомларнинг ҳафталик, ойлик, чораклик ва ниҳоят йиллик рўйхатларини олдиндан тақдим этиб, домкомимизнинг ёзма рухсатларини расмийлаштириб қўямиз. Худди шунингдек, сарфланган озиқ-овқат, яъни, нон, гўшт, ёғ, сув, ҳаво, э узр, буниси рўйхатда йўқ экан, газ билан чалкаштирворибман, демак, газ ва қуёш нури, шошманг, мана шуниси ҳам ортиқча шекилли, ҳа, тўғри, электр экан, хў-ўш, яна нимайди, ҳа мана рўйхатда бор: чиқарилган чиқинди микдори бўйича ҳам хуллас, барчаси ҳақида ҳар ҳафта, ой, чорак ва йил якунига кўра ҳисботлар топширамиз.

Албатта, кимгадир ёқмаслиги, буни инсон эркинликларига хилоф, деб ҳисоблаши мумкин. Аммо бизга маъқул, шунинг учун ҳам ўз ихтиёrimиз билан

шунга рози бўлганмиз. Қулоқларингизга айтадиган бўлса, бу яшашнинг жудаям қулай усули. Одам мазза қилади. Ҳеч нарса ҳақида ўйлаб, бош қотириб, арзимайдиган нарсалар учун масъулият ҳис этиб ўтирамайсан. Каллани ишлатишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Раҳбар, яъни домкомимиз бор-ку, ҳаммаси ўшанинг бўйнида, деган фикрда тинч, хотиржам юраверасан.Faқат белгиланган тартибга қатъий риоя этсанг, берилган топшириқларни сўzsиз бажариб, ҳисоботларни вақтида топшириб турсанг бўлгани. Ишонмасанглар, синаб кўринглар. Ҳа, дарвоқе...

Бизлар бу илғор тажрибани кенг ёйиш, яъни қўши ни домлар, иложи бўлса, маҳаллаларда ҳам, хуллас, бутун шаҳарда жорий этиш юзасидан тегишли идораларга таклиф тайёрлаётирмиз. Агар таклифимиз қабул қилинса, зўр бўларди. Бироқ...

Бизнинг домкомимизга ўшаган шунча кадрни топишнинг иложи бўлармикан? Агар иложи бўлмаса, ул жанобимизнинг ваколатларнини яна озгина кенгайтириб беришга тўғри келади. Бунга сизлар ҳам рози бўлсаларингиз, албатта. Ўйлайманки, бажонидил, қувона-қувона рози бўласиз. Бўлмай ҳам кўринг-чи...

ГАРОВ ЎЙНАШ ҚИМОРМИ?

Ҳажсвия

Ўқитувчилик маошимдан ўттиз йил емай-ичмай пул тўплаб, "Нексия" харид этадиган бўлдим. Маҳалладошим Ваҳматуллони ҳамроҳ қилиб, автодўконга жўнадим.

– Бозордан олақолмайсизми, нима қиласиз сарсон бўлиб, ё... "шапка" берасизми? – деб сўради Ваҳматулло.

– У нима деганинг?

– Ие, билмайсизми? Дўкондан мошина олиш учун пулинни бир йил олдин тўлайсиз, улар пулингизни роса айлантиришади, орада нархини салкам икки баравар оширишади, хуллас, машина минмоқчи бўлганингизга минг бор пушаймон қиласиз ёки... устига каттагина микдорда пора бериб, шундаям ялиниб-ёлвориб, икки-уч ойда оласиз, – деди Ваҳматулло йўлда. Мен уни койидим:

– Автомобил савдоси ходимлари ҳақида бунақа гаплар гапирма, уят бўлади.

– Телевизор кўрасизми, газет ўқийсизми, қанчаси таъмагирлиги, ҳаромхўрлиги учун қамалиб кетди-ю!

– Гуруч курмаксиз бўлмас, битта-яримтаси қамалса қамалгандир, аммо уларнинг аксарияти ҳалол кишилар, мен бунга ишонаман. Ҳозир борамиз, мёнга ҳеч қанақа навбатсиз, “шапка”-папкасиз шу бугуноқ беришади. Жа-а бўлмаса, бошлиғига кириб илтимос қиламан, кекса ўқитувчилигимни эътиборга олинг, дейман.

– Ҳах, содда одама-а, булар ўқитувчини биладими, қўйиб берсанг туққан онасидан ҳам “шапка” сўрашиди-ю, – деди бўш келмасдан Ваҳматулло.

– Мендан сўрашмайди.

– Сўрашади. Битта ошдан гаров бойлашаман.

– Бўпти! Эртага дўконга бирга борамиз!..

Ишимизнинг боши Ваҳматулло айтганига са-ал ўхшашроқ кечди: пештахта ёнида ўтирган ёш йигит менга ариза ёзиш, навбатга туриш, пулнинг қанчадир қисмини аввалдан тўлаш, барибир ҳам кечикиб қолса хафа бўлмаслик лозимлиги ҳақида узундан-узоқ маслаҳату панд-насиҳат қила бошлади. Ваҳматуллонинг оғзи қулоғида: “ана, айтмаганмидим”, дея нишлаб турибди.

– Тўхта, мен бошлигининг олдига кириб чиқай,— дедим.

– Фойдаси йўқ, у айтган “шапка”ни берадиган бўлсангиз, ўзингиз беш-олти қишини бошяланг ўтказишингизга тўғри келади, – деди масхараомуз Ваҳматулло.

– Кўрамиз...

Дўкон директори хушмуомала йигит экан. Яхши кутиб олди.

Салом-аликдан сўнг унга гапнинг пўст калласини шивирлаб айтдим: “Сизлар ҳақингизда ўта ёмон гаплар тарқатиб юрган бир одам билан гаров бойлашдим, наҳотки шунга ютқазишимга йўл кўйсангиз, ахир битта мошин анқонинг уруғи эмасдир”, дедим. Қаранг, тушунадиган йигит экан.

Бекорга шивирламаяпти, деб ўйлади. Ўзи ҳам шивирлаб сўради:

– Ўша одам... ҳалиги, нозикроқ жойда ишлайдими?

Бош чайқадим.

– Ё ўзингиз... анавинаقا, маҳсус топшириқ билан келмаганмисиз ишқилиб? – башарамга синовчан тикилди. Яна бош чайқадим. Афтидан билдим: ишонмади. Майли, ишонмаса, ишонмас, муҳими: шартта ўрнидан туриб, мен билан дўконга чиқди. Бояги йигитчага: “Отахон машинани ҳозироқ миниб кетсин”, деб буйруқ берди. Ваҳматуллонинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Ошни... бугун ейсизми ё бир-икки кундан сўнг қилсам ҳам майлимни? – деб сўради машинани миниб қайтаётганимизда шумшайиб.

– Машойихлар: “Бугунги ишни эртага кўйма”, деган, ҳозир бозор ёнида тушириб кетаман, харажатни қилиб бораверасан, чойхонада кўришамиз.

Ваҳматулло исмига монанд ваҳимачироқ бўлсаям қўли очиқ йигит. Ошни боплаб, дастурхонга барча ноз-неъматларни тўкиб ташлабди. Роса мазза қилдик.

– Майли, бу гал мен ютқаздим, машинани қўшимча харажатсиз олдингиз, – деди у ошдан сўнг чой ичиб суҳбатлашиб ўтирганимизда. – Аммо... кафолат бериб айтаманки, унга тузукроқ номер олмоқчи бўлсангиз, муқаррар пора беришингизга ёки юқоридан кўнғироқ қилдиришингизга тўғри келади.

– Нима, шундай мастьулиятли, нуфузли ходимлар пора оладими? Санамай саккиз дема, ҳўв бола! Қолаверса номерхонада ҳам шогирдларим кўп. Шу гапингга мошинамга 007 рақамини олиб, сени бир ўсал қилмасамми...

– Ололмайсиз, оввора бўлманг, қанақадир 987ми, 632ними беришади. 007нинг нархи салкам мошинаникига teng ака, уни йигитларнинг гулига беришади, истасангиз яна битта ошдан гаров ўйнаймиз, бу гал албатта ютаман, – деди Ваҳматулло.

– Шунақами?

– Шунақа!

– Яхши, эртага бирга борамиз...

Ваҳматуллони ёнимга ўтқазиб, номерхонага бордим, кўп қатори навбатга турдим. Ваҳматулло сал нарида нигоҳини найза қилиб, пойлаб ўтирибди. Навбатим етгач хушбичим формали йигитга рўбарў бўлдим. Ўзи ҳам хушфеъл экан: хушмуомалалик билан:

– Хизмат дода? – деди. Бундай ҳурматдан бошим осмонга етиб, мақсадимни тушунтирдим. Охирида:

– Иложи бўлса шу... 007 рақамини берсангиз, – деб шивирладим. Мулозим аввал каминага бошдан-оёқ синовчан назар солди, сўнгра теваракка хавотир

билин тикилди. Хавфсирайдиган ҳеч нарса сезмади шекилли, кулимсиради. Лекин ҳар эҳтимолга қарши овозини пасайтириб сўради:

– Нима қиласиз унақа рақамни? Ё... Жеймс Бондга ўхшаб, разведкага бормоқчимисиз?

Саводли йигит экан мулозим бўлсаям, қаранг, хорижлик машхур 007 рақамли агентни ҳам биларкан.

– Йўқ, шунчаки, маҳалладаги бир... ғийбатчи билан гаров бойлашгандим, – дедим фақат иккимиз эшитадиган қилиб.

Мулозим яна сергак тортди. Шивирлаб сўради:

– Қанақа гаров?

– У машинага обрўли номерни текин олиб бўлмайди, пора талаб қилишади, деди, мен эса, унинг оғзига урдим: бизнинг масъул ходимлар барчаси виждонли, ҳалол йигитлар, дедим. Шу ҳақда гаров бойлашдик. Ютсам чойхонада ош қилиб беради, сизниям чақираман, – дедим шивирлашда давом этиб. Мулозим бир зум иккиланди-ю, бироқ кўзини чирт юмиб, барага гапирворди:

– Ош ейишга-ку вақт йўқ, додам, аммо лекин... ишончинингиз учун каттакон раҳмат! Мана сизга 007 рақами, боринг, машинага тақиб, бемалол разведка-га жўнайверинг!

Охирги жумлаларни шу қадар баланд айтдики, Ваҳматулло ҳам бемалол эшитди. Оғзи ланг очилиб қолди. Ўрнидан туриб, ёнимга келиб, узр сўрашга ҳам мажоли етмади. Овози қалтираб:

– Кечқурун чойхонада кўришамиз, – деди ю жуфтакни ростлаб қолди. Аммо ўзи ғийбатчи бўлсаям мард йигит, ўша куниёқ ош қилиб, гаровнинг қарзини узди. Бироқ аламидан сал кўпроқ ичиб қўйди шекилли, охирида дийдиё қила бошлади:

– Икки гал ҳам омадингиз келиб, “нонемас”ига учрадингиз, аммо мен сизга кафолат бераман, теварак-атроф порахўру таъмагирга тўлиб кетган, – деди. Гапини қоқ белидан кесдим:

– Менга кафолат керак эмас, ошни вақтида қилиб бериб турсангиз бўлди. Қачон қанақа масалада гаров бойлашаман, десангиз тайёрман.

– Шунақами?

– Шунақа!..

Хуллас, ўшандан бери бир йил ўтди. Ваҳматулло билан гаров бойлашиб, ўғлимни каттакон бир нуфузли идорага ишга, қизимни ўқишига, неварамни боғчагага ҳеч қанақа таниш-билишсиз, пора ҳам бермасдан жойлаштирдим. Ўзим ва хотинимга нафақани ҳеч қандай қийинчиликсиз расмийлаштирдим, ҳатто дам олиш уйига бепул йўлланма беришди.

Шўрлик Ваҳматуллонинг бир оёғи бозорда, иккинчиси чойхонада бўлиб қолди. Аммо-лекин марду валломат бўлсаям, ўлгудай ўжар бола экан.

– Барибир ютмай қўймайман, – деб гаровлашгани гаровлашган.

Мен эсам синалган услубимдан фойдаланиб, ҳали бирор марта ҳам ютқазмадим. Ўйлайманки, келгусида ҳам ютқазмасам керак. Чунки, одамлар, айниқса, ма-съул мулозимлар ҳақида ҳеч қачон ёмон фикрга бормайман, улар ҳақидаги турли-туман миш-мишлар, узун қулоқ гаплару ғийбатларга ишонмайман, мабодо ҳалигидақа тахмину фаразларни эшитиб қолсам, тикка хузурларига бориб, бор гапни рўй рост айтаман. Улар эса дангал гапирган ростгўй кишиларни астойдил яхши кўришади, ҳурмат қилишади. Ҳатто энг инжиғи ҳам:

– Ҳа-а, энди бизнинг шаънимиз учун таваккал қилиб, ўзингизни шунчалик таҳлика остига қўйиб, гаров бойлашибсиз, келинг, бир марта асакамиз кетиб қолсаям қўллаворайлик, – дейди. Бунга ўзим неча марталаб гувоҳман ахир. Фақат бир гал бир амалдор ишимни битказишга битказиб берди-ю...

– Сиз бўлар-бўлмасга гаров ўйнайверманг-да, оғам, унақада... кимларнинг насибасини яримта қилиб, кимларни ошларга тушириб юраверасиз, ўзингиз эса ғирт қиморбоз бўлиб қоласиз, – дея енгилгина койиб қўйди холос. Аммо камина парво қилганим йўқ. Ахир гаров ўйнаш қимор эмас-ку? Тўғрими? Дарвоҳе, “насибасини яримта қилиб”, деганда у киши Ваҳматуллони назарда тутди шекилли, ё мен янгишдимми?

ЖАЗОМИ ЁКИ РАҒБАТ?

Феълетон

Таниқли амалдорлардан бири Камсукум Камтаров яқинда ўз аризасига биноан узоқ йиллардан буён эгаллаб келаётган баландмақом лавозимидан бўшади. Айrim нохолис матбуот нашрлари бу воқеани бошқача талқин этишди, яъни, “Ўз мансабини сурункали равишда суистеъмол этиб келгани, нафси ҳакалак отиб, пора деса ҳожатхонанинг кесагигача олавериш, таниқли адиларимиздан бирининг ибораси билан айтганда “типратиконни тескари ютиш” даражасига етгани учун вазифасидан шармандаларча ҳайдалган ва устидан жиноий иш қўзғатилган” эмиш.

Бу бекор гап. Биздаги аниқ далил-исботли маълумотларга кўра, Камтаров шахсан ўз ихтиёри ҳамда имзоси билан пора берувчиларни аёвсиз фош этувчи

шикоят ёзиб, бир нусхасини юқори ташкилотга, иккинчисини прокуратурага почта орқали жўнаташга тайёрлаб қўйган экан. Кўлимиизда мазкур далилий хужжатнинг учинчи нусхаси мавжуд. Куйида уни айнан келтирамиз:

“Порадодлар (яъни пора берувчилар. *таҳр.*) дастидан дод!”

“Ушбу билан маълум ва равshan қиласманки, бир гуруҳ уюшган жиноятчи кимсалар мендек виждонли, камтар ва камсуқум одамга қарши тил бириктирган ҳолда қасдан ғаразли ҳаракат қилишиб, каминани тарихан қисқа муддатда ашаддий ришватхўр (яъни порахўр. *таҳр.*)га айлантириб қўйиши. Булар шу қадар сурбет эканки, олмаганингга сираям қўймайди: аввалига “жон ака, олинг”, деб илтимос қилишади, ялинишади, ялаш мумкин бўлган ва бўлмаган барча жойларингни ялаб чиқишади, кейинроқ эса зўрлай бошлишади, баъзида қўл-оёғингни боғлаб, қўйни-қўнжингга, чўнтағингга, қалпоғингнинг, пайпогингнинг, ҳатто иштонбоғингнинг ичига, хуллас, тиқиши мумкин бўлган ҳамма жойингга тиқишади, бу нокас узаткич (яъни ришват узатувчилар. *таҳр.*)ларда на бир ватанпарварлик, на миллий ғурур бор, ўзимизнинг сўмни назар-писанд қилишмасдан, фақат чет элнинг конвертлашган валютасини конвертларга солиб узатишади.

Бундай безбетлик ва зўравонликдан сўнг баъзан ойлаб касал бўласан, хориждаги энг қиммат шифохоналару санаторийларда даволаниб ҳордиқ чиқаришингга тўғри келади, ўзинг майли, хотинингни, бир-иккита... бева-бечора маъшуқаларингни ҳам йиллар бўйи ўша ёқларда олиб юришингга, болачақангни чет элдан харид қилинган, атрофи икки

одам бўйи баланд девор ҳамда тиканли сим билан уралган қасру қалъаларда сақлашга, ўша ёқлардаги унча-мунча қаланғи-қасанғилар яқинига ҳам боролмайдиган қимматбаҳо коллежлару университетларда ўқитишингга тўғри келаркан, кошки бу арzon бўлса. Иқтисодиёт соҳасидаги масъул бир раҳбар сифатида энг алам қиладиган жойи – миллиард-миллиард пулларингни ўзимизда ишлатмасдан ажнабийлар хазинасига тушириб, иқтисодиётимизга зарар етказаётганингни сезиб турасану қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Номус ва ориятимни қўзғатган воқеалар яна шулардан иборатки, икки ўғлиму уч қизимнинг тўйларини ҳам Париждаги энг қимматбаҳо ресторонларда, ҳар бири салкам бир миллион “кўқ”идан оладиган ажнабий отарчилар иштирокида ўтказишга мажбур бўлдим.

Туғилган кунидан бошлаб хорижда яшагани боис на тилимизни, на урф-одатларимизни биладиган болаларимга тўйларимизни миллий русмда ўтказа қолайлик, десам устимдан кулишди. Аммо-лекин мен барибир ўз сўзимдан қайтмадим: Тошкентдан маҳсус самолётда карнай-сурнайчи ва доирачиларнинг маҳсус ансамблини опкелтириб, Эйфел минорасининг устига чиқариб чалдирдим. Лекин барибир қониқмадим, чунки тўйларда жонажон қишлоғимга атиги иккита самолёт юбориб, қариндош-уруғлардан борйўғи олти юз чоғлисини қатнаштираолдим холос, қолган икки минг тўрт юз ўринни шу ерлиқ begonalар банд этиб, текин зиёфатни паққос тушириб кетишиди.

Сабрим косасига сўнгги томчи бўлиб томган воқеа – кенжа маъшуқамга Атлантика уммонидаги хушҳаво оролларнинг биридан муҳташам ҳовли-жой қилиб

ўтқазиб қўйгандим, бир гал хабар олгани борсам... ўша ерлик ёш бир ҳабаш йигитчани хуштор қилиб олибди нонтеки. Айтаверсан гап кўп.

Хуллас, мен ортиқ чидолмайман, шу боис зудлик билан вазифамдан бўшатиб, устимдан жиноят иши қўзғатилиб, тергов бошлашларини ўтиниб сўрайман."

Қаранг, чин инсон виждонининг ҳайқириғи эмасми бу сўзлар? Шу фактнинг ўзи унинг нақадар орияти эканлигига ёрқин далолат бўла олмайдими? Бу ҳам майли, тергов давомида у ишхонаси ва уйидан ташқари бошқа кишилар номига олинган ўнлаб ҳовли-жойлар, чорбоғу дачалар, ҳатто маъшуқалари билан учрашиб турадиган беш-олтита хуфя квартиralарнинг манзилларини очиқча айтиб, ёзиб берган ва уларда синчиклаб тинтув ўтказилишини илтимос қилган.

Тинтув давомида тинтувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, аввало ўзига қарашли тўрт қават ва ўттиз тўрт хонадан иборат муҳташам кошонанинг, сўнгра бошқалар номида бўлишига қарамасдан аслида ўзига тегишли барча хонадонларни, улардаги пул ҳамда қимматбаҳо зеб-зийнатлар, ноёб буюмлар сақланадиган барча яширин жойларни, яъни ертўлалардаги темир сандиқлар, хумлар, бочкалар, бундан ташқари ҳовлиларнинг боғларию гулзорларига, чорбоғларнинг чиқиндиҳонаю ҳожатхоналарига кўмилган сувда чўкмас, ўтда ёнмас идишларни топиб берган ва терговга шахсан ўзи, инон-ихтиёри ила тақдим этган.

У кишининг давлат хазинасига топширган сарвату бойликларини ташиш учун иккита юқ машинаси икки ҳафта тўхтовсиз ишлашига тўғри келди. Бун-

дан ташқари бу валломат зот хориждаги банкларда сақлаётган "омонат"лари ҳисоб рақамларини ҳам рўй-рост ёзиб берган.

Уларни ортиб келиш учун маҳсус самолёт жўна-тилди. Хулоса қилиб айтганда, Камтаров томонидан топширилган бойликларнинг умумий қиймати ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда, бу маблағга у киши туғилиб ўсган кентда учта мактаб, иккита шифохона, тўртта боғча, битта эллик минг ўринли стадион қуриш мумкинлиги аён бўлди. Юртпарварликнинг ноёб намунаси эмасми бу?

Ҳа, айтганча, Камтаров виждонли бўлиш билан биргаликда таъби қанчалик нозик эканлиги терговчининг: "нега пул ва айрим қимматбаҳо нарсаларни ҳожатхона ўрасига кўмдингиз", деган саволига қайтарган жавобида ёрқин акс этган: "Мен ҳамиша пул, олтину кумушлардан қаттиқ жирканганман, шунинг учун уларни доим ифлос жойларда сақлашга қарор қилганман", – дедилар у зот.

Бу сўзларининг нақадар самимий эканлиги тинтуб давомида такрор-такрор тасдиқланди. Қарангки, Камтаров жаноблари азбаройи ижирғанганлари боис хонадонларидағи барча кулдонлар, нос туфлайдиган, чиқинди ташлайдиган идишларни, невараларининг тувагу сумакларини, ҳаммомларидағи таҳорат олгичларни, ҳожатхоналаридағи унитазларни, молхоналаридағи охурлардан тортиб, итларининг ялоқларини тиллодан ясаттирган эканлар. Очиқ гап: сийму зардан нафратланишнинг бунчалик ёрқин намунасини биринчи бор кўриб туришимиз.

Камтаровнинг нафақат терговчиларни, эҳтимолки, бутун афкор оммани қойил қолдирган яна бир иши шундан иборатки, у киши салкам чорак аср да-

вомида ўзига сурункали равишда пора бериб келган нопок кимсаларнинг мукаммал ва муфассал рўйхатини терговга бир ой давомида номма-ном ёзиб бердилар.

Воажаб, ушбу рўйхатда юксак мансаблар олиш, жиноят қилатуриб қамоқдан қутулиб қолиш учун берилган миллион-миллион салмоқли ришватлардан тортиб, шунчаки саломлашган чоғда “кўллари қуруқ бўлмасин”, деган фикрда чўзилган арзимас юз-икки юз сўмлик чўталларгача ўзининг ҳаққоний аксини топган экан. Етук мутахассислар ҳар бири беш юз бетлик иккита яхлит томдан иборат бу рўйхатни ёдда сақлай олгани учун у кишининг хотираси замонавий компьютерницидан ҳам кучлироқ эканлигини ҳаққоний эътироф этдилар. Мухбирларнинг: “бунга қандай эришдингиз?” деган саволларига жавобан у киши:

– Мен пора берувчиларни азбаройи ёмон кўрганим ва уларни қачондир барибир ушлаб беришни мўлжаллаганим учун бирортасини ёдимдан фаромуш этмасликка астайдил ҳаракат қилганман, – дедилар. Қитмирроқ бир журналистнинг:

– Юз-икки юз сўмларни ҳам олаверган экансиз-да, – деган илмоқли саволига қайтарган жавоби эса у кишининг наинки қонунлардан, балки ҳукуқшунослик фалсафасидан ҳам нечоғлик теран хабардор эканликларини равшан инъикос эттириди:

– Пора берувчиларнинг энг ёмони ўшалар. Эмасам, арзимаган юз-икки юз узатиб, ўзининг ҳам, олувчининг ҳам қўлини кир қилиб юрадими? Бермоқчи экансан, шунга ярашадиган миқдорда, тузукроқ узатмайсанми, ноинсоф! Бинобарин, менинг таклифим: чўзилган пора миқдори қанча кам бўлса, узатувчига

бериладиган жазо шунчалик оғир бўлмоғи лозим, яъни у мумсиклиги, қурумсоқлиги учун қўшимча ра-вишда жазоланиши зарур. Токи бу бошқаларга аччиқ сабоқ бўлсин!"

Ҳикоямизни муҳтасар этиб, воқеанинг индаллосини айтадиган бўлсак, Камтаров устидан ўтказилажак суд арафасида у кишини жазолаш керакми ёки шунча капитал маблағ топшириб, хазинага қўшган муносиб ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, яна ҳам юқори ва масъулиятлироқ лавозимга тайинлаш керакми, деган мавзуда баҳс-мунозаралар бўлиб туриди.

Сизнинг фикрингиз қандай? Мулоҳазаларингизни таҳририятга ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

"КАТТА"НИНГ КУЁВИ

Ҳажвия

Бўлажак рафиқам билан тасодифан танишганман. Дорилфунунни битказиб, нуфузли адабий журнал таҳририятига ишга жойлашган, "умидли ёш шоирлардан бири" сифатида тилга олина бошлаган кезларим эди.

Биринчи меҳнат таътилимда Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан дам олиш ва ижод қилиш учун денгиз бўйидаги хушҳаво шаҳарга бордим. Бир куни шамшодлар анвойи ҳид таратиб, магнолиялар қийғос гуллаб ётган жаннатмонанд боғда сайд этиб юриб, йўлка бўйидаги ўриндиқлардан бирида китоб ўқиб ўтирган қош-қўзлари қора бағоят хушрўй қизга кўзим тушди. Ҳамюртлардан шекилли, деб ўйлаб, ўзбекчалаб дадил сўз қотдим:

– Ўзбекистонданмисиз?

– Ҳа, – деб жавоб қайтарди қиз.

- Танишайлик.

- Майли...

Исми Асила, яқында чет тиллар институтини битказган ва ўша институт магистратурасига жойлашиб, ўқиш бошланишидан олдин пича ҳордиқ ёзгани денгиз бўйидаги санаторийлардан бирига келган экан, дарров апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

- Шеъриятни жуда яхши кўраман, очиғи, шоир йигитга турмушга чиқиши орзу қилиб юраман, – деди танишганимизнинг эртасига ёқ Асила дангалчасига. Қизболадан чиққан бунаقا ўғилболача гапга жавобан нима дейишим мумкин эди? Албатта ҳар қандай жўмард йигит сингари:

- Орзуим амалга ошди, деб ҳисоблайверишингиз мумкин, сизга уйланишга розиман, – дея хитоб қилворибман қаранг.

Асилахон ишонқирамасдан:

- Яқинроқ танишмасдан, насл насабимни суриштирмасдан туриб дарров шунаقا таклиф қиляпсизми? Ё... отам кимлигини биласизми? – деб сўради.

- Азизим, бунинг нима аҳамияти бор. Шунчаки мен сизни бир кўришдаёқ севиб қолдим. Сезишимча, сиз ҳам менга бефарқ эмассиз. Демак, турмуш қурамиз.

- Ҳазиллашаётганингиз йўқми?

- Таклифим мутлақо жиддий!..

Шу тариқа танишганимизнинг биринчи кунидаёқ “оламан-тегаман” бўлиб, аҳду паймон қилдик. Дам олишдан қайтганимиз заҳоти Асилахондан манзилини сўраб, уйига онамнй жўнатдим. Волидам Асила-нинг отаси катта мансабдор эканини, шунинг учун яна бир марта чуқурроқ ўйлаб кўришим лозимлиги ни айтди:

- Халқимизда: “Тенг-тенги билан, тезак қопи би-

лан", деган мақол бор, болам, каттаконнинг эрка қизи сенга буйсунармикан? Қолаверса, одамлар: "отасининг мансабига учиб уйланди", деб кулишлари мумкин.

– Аксинча, у менинг таниқли шоир эканимга қизиқиб тегяпти, она, келгусида бундан ҳам машхур бўламан, бўлажак қайнотам эса нафақа ёшига етганидан сўнг мансабидан кетади, шунинг учун келинингиз бир умр пойи патак бўлиб хизматимизни қилади, хавотир олманг, – дея тинчлантиридим хотинимнинг бўлажак қайнонасини ва такрор жўнатдим. Бўлажак қайнотам мансаби катта бўлса ҳам камтарин инсон экан, "Икки ёш яхши кўришган бўлса, биз нима ҳам дердик, розилик берамизда албатта", дея лутф этибдилар.

Тўй бўлди. Рафиқаи муҳтарамам мен кутгандан ҳам одобли, камтару камсуқум, меҳнаткашу заҳматкаш чиқди. Отаси шундай катта амалдор бўлишига қарамасдан рўзғорнинг ҳамма ишини ўзи қилади. Қўли косов, сочи супурги, эртаю кеч тиним билмайди. Мен ҳам, отаю онам ҳам хурсанд. Биз баҳтли турмуш кечира бошладик. Фақат...

Мен ўзим истагандек янада машхур шоир бўлолмадим. "Истеъдодли шоир Адаш Дадаш", деган кичкинагина шуҳратимнинг боридан ҳам айрилдим. Сабаби...

Қайнотам тўйдан сўнг яна ҳам баландроқ лавозимга кўтарилиди. Чамаси юқоридагилар: "Қизини шундай талантли ижодкорга берди, демак узоқни кўра оладиган одам экан", деган бўлишса керак. Ана шунаقا, юқоридагилар истеъдодни қадрлашни билишади. Аммо пастдагилар...

Каминани: "Адаш Дадаш" эмас, "кattанинг куёви",

деб атайдиган бўлишди. Биринчи тўпламимни кўкка кўтариб, “адабиётга янги юлдуз порлаётир”, дея жар солган ҳовлиқма мунаққидлар энди, бир-иккита тузуккина китобларим босилганига ҳам эътибор беришмади.

Баъзилари эса орқамдан: “асли бу болада ҳеч қанақа истеъдод йўқ, каттанинг қизига уйланиб олгач, ким-кимларга шеър ёздириб, китоб чиқариб, шоирликка даъвогар бўлиб юрибди” деган маънода гап ҳам тарқатишибди. Тўғри, бир-икки маддоҳ мунаққидлар ҳеч ким ўқимайдиган чучмал ва юзаки мақолаларида тил учидаги мақтаган киши бўлиб туришди. Аммо улар ҳам оғизда: “кattанинг хурмати учун шунчаки тилга олиб ўтдик-да, аслида бутун ижоди бир пулга қиммат”, деб ошкора сасиб юришибди. Ижодкор қавмини-ку қўяверинг, асли ичи қора бўлади, ҳатто оддий одамлар ҳам кўчада кўришиб қолганда “ижодингиз қалай, қанақа китобларингиз босилди”, деб эмас, истехзо оҳангидаги қайнотамни суриштиришибди денг, “кattанинг соғликлари яхшими, ишлари қандай” деб.

Хуллас, жоним халқумимга келди. Нима қилишни билмай юрган кунларимда, хайрият, қайнотамни ишдан бўшатишибди. “Энди қутулдим, энди мени илгаригидек, “умидли, истеъдодли, таниқли”, дейишмаса ҳам ҳар қалай “шоир Адаш Дадаш”, дейишар, деган хаёлда ўзимга таскин бердим. Аммо...

Адашган эканман. Энди каминага “сobiқ каттанинг куёви”, деган хавфли лақабни ёпиштиришибди. Китобларимни босиш тўхтади. Борларини эса тунов кунги маддоҳ мунаққидлар очиқчасига қоралашга киришибди. Ишдан ҳам кетдим. Аҳвол оғир. Нима қилиш керак? Билмайман.

– Мени ҳайдасангиз, балким тинч қўйишар, – деди завжай вафодорим ва ҳай-ҳайлашимга қарамасдан икки боласини олиб, отасиникига жўнади. “Ишларим юришса, қайтадан қовушамиз”, дедим унга ва жавобини бердим. Суд орқали, шов-шувли қўйди-чиқди қилдик. Бироқ...

Фойдаси бўлмади. Энди “собиқ каттанинг собиқ куёви”, деган лақаб орттириш билан биргаликда, хотинини икки боласи билан кўчага ҳайдаган золим эр сифатида газетада фельетон бўлдим. Шеър ёзиш, китоб чиқариш нари турсин, арзимаган янги ишимдан ҳам бўшатиши. Бекорчилик туфайли ича бошладим. Соғлигимдан айрилдим. Соч-соқолим ўсган, оч-юпун, пана-пастқамда санқиб юрадиган бўлдим. Энди кўрганлар эътибор беришмас, “Кўчада юрган бир дайди-да”, деб қўяқолишар, деган умидда эдим. Қаёқда! “Ие, ановини қара, собиқ каттанинг собиқ куёви қанақа аҳволга тушибди, баттар бўлсин”, дейиши. Хотиним турмушимиз тикланишидан умидини узиб, йиғлаб-йиғлаб, бошқага тегиб кетди. Шўрлик қайнотам ўлди. Лекин менинг бўйнимдаги лақаб йўқолмади. Энди “марҳум собиқ раҳбарнинг собиқ куёви”га айландим.

– Энди нима қиласай, жон дўстим, бу тавқи лаънатдан ўлиб кутулайми? – деб сўрадим таниқли руҳиятшунос бўлиб етишган мактабдош ўртоғимдан. У кулди:

– Йўқ, ўлиб ҳам халос бўлолмайсан, ортингдан: “марҳум собиқ каттанинг марҳум собиқ куёви”, деб аташади.

– Нима қиласай бўлмаса, йўл кўрсат.

– Йўли оддий, мундайроқ бўлса ҳам яна бирор каттанинг куёви бўлиб олишинг керак. Ана шунда

лоақал лақабингдаги "собиқ", "мархум", деган қўшимчалардан кутуласан, ишингга тикланасан, китобларинг чиқади, ёлғондакам бўлса ҳам мақталади, турмушинг ҳам изга тушади, хуллас, катта ҳаётга қайтасан, оғайни.

– Кўйсанг-чи, ҳозир қайси каттанинг қизи тегарди менга.

– Э-э, қизиқ экансан, амалдорлардан қанча-қанчалининг қизлари эрларини ҳайдавориб, навбатдаги "курбон"ни излаб юришибди. Биттасига бўлмаса, биттасига маъкул тушасан-да.

– Демак, камина ҳам навбатдаги қурбонлардан бири бўларканман-да?

– У ёғини тақдирингдан кўрасан. Лекин шу орада пешонанг ярқираб, анови...лақабингнинг ёнига тузукроқ бир унвон қўшилиши, чиндан ҳам машхур шоир бўлиб кетишинг мумкин.

Ўйлаб-ўйлаб, руҳшунос биродаримнинг маслаҳати жўяли, деган қарорга келдим. Ичкиликни ташладим. Соч-соқолимни чиройли тузаттириб, дурустроқ кийиндим. Ҳозир дам олиш уйлари, санаторийлар, хуллас, амалдорларнинг бева қизлари учраб қолиши мумкин бўлган жойларда изғиб юрибман. Ажабмаски, омадим чопиб қолса. Агар кунлардан бир кун бирор китоб дўконига кириб, сотувчидан:

– "Катта"нинг куёви ёзган китоблардан борми, деб сўрасангиз-у, сотувчи тасдиқ ишорасини қилса, билингки, камина шод ва баҳтиёр ижод билан банд. Лекин ҳар эҳтимолга қарши китоб муаллифининг исми-шарифига ҳам кўз ташлаб қўйинг. Чунки ким билсин, адабиётда менга ўхшаб қайнотасининг соясида униб-ўсиб юрган бошқа куёвлар ҳам бўлиши мумкин-да.

КИМНИНГ ДАРВОЗАСИГА ГОЛ УРИБ БЕРАЙ?

Ҳажсия

Эркатой кенжабойимиз ўн етти ёшга тўлганида тижорат институтига киритаман, ота қасбини эгаллайсан, десам бош тортди.

– Мен жисмоний тарбия институтига кираман. Футболчи бўламан! – деди қатъий қилиб.

– Ҳой бола эсинг борми, футболчи бўладиган шоввоз етти ёшидан спорт мактабига бориши керак. Сен оғзингдаги сўрғичингни ташлаганингдан бери дўконда ўтириб мол сотасан, чимзорда 90 дақиқа югуриш нари турсин, ҳожатхонагаям мошинада борасан, мен сени қандай қилиб у институтга кираман?

– Киритинг-да, “биз тижорат аҳли учун ечиб бўлмайтурғон муаммонинг ўзи йўқ”, деб катта гапирасиз-у.

Болапақирнинг шу гапи ориятимни қўзғатиб юборди.

– Киритишга кирита оламан, бироқ сенинг футбол ўйнаб эт-бетингни майиб қилиб қўйишингдан қўрқаман, қўзибойим. Ўзи... шу футболнинг нимасига қизиқишиди одамлар, хайронман. Йигирма иккита сўлоқмондай бўз йигит битта коптокни талашиб, бир-бирини аямай гўшт бўлишади. Бирининг боши ёрилган, бирининг оёғи синган, хуллас, турган-битгани жоннинг азоби-ку. Бир-бирининг дарвозасига гол киритиши керакмиш. Товба! Хўп, шу нарса жудаям зарур экан, наҳот яхшиликча ҳал этиш мумкин эмас. Аввал биттаси киргизсин, орқасидан иккинчи-си урсин, ахир машойихлар “тегирмон навбати билан”, деб бежиз айтишмаган-ку. Ҳаммасидан ёмони,

баъзиси оёғи қолиб, нуқул боши билан киргизмоқчи бўлади. Вой, нодон-ей, бошингни бошқа жиддийроқ ишларга ишлатмайсанми, хумпар, тўп киргизгани бошқа аъзо қуриб қолибдими?

Ўғлим аввал устимдан кулди.

- Сиз футболни тушунмайсиз. Унда қаери билан киргизиш муҳим эмас, ким кўпроқ киргизса, ўша ютади.

- Ҳм-м, биз ҳали футболни тушунмайдиган бўлиб қолдикми? Кимсан фалончи бойвачча дейишса, иккита футбол жамоасига ҳомийлик қилаётган бўлсам, шунинг учун маҳалла нозиридан бошлаб, шаҳар прокурори, ҳоким бобогача раҳмат айтиб, ҳурмат қилишса. Мен тушунмайманми футболни? Ҳой бола, оғзингга қараб гапир. Хўпми!

- Тушунсангиз, иккита футбол жамоаси қўлингизда бўлса, битта эрка ўғлингизни футболчи қилиш қўлингиздан келмайдими? - гапга аралашиб хотиним.

Эсини еганми бу? Хотинларнинг сочи узун, ақли калта бўлади, деган ҳикматни ким айтган бўлсаем зап топиб гапирган-да.

- Ў-вв, фаросати паст, сен тушунмайдиган нарсангга бурнингни тиқма, мен қўлимдан келмайди, деганим йўқ. Болангнинг соғлиғини ўйлаяпман. Бир жойи салгина лат еса, етти маҳаллани оёқча турғазворасан-ку, бу кишимнинг иддаосини қаранглар!

- Кимсан фалончи бойвачча бўлсангиз, бирор зарап етказолмайдиган, ҳеч жойи лат емайдиган футболчи қилиб қўйинг-да, - бўш кетмади завжай кажбаҳс. Очифи, шу ерга келганда унинг калласи ишладиёв. Чиндан ҳам боя айтганимдай, футболда ҳам ҳадеб жонни жабборга топширавермасдан, етти мучалингни саломат асраб, голни ҳам уриб, ўйинни

ҳам ютиб, биринчиликни ҳам олиб юраверишнинг иложи йўқми? Бўлиши кера-ак. Ҳамма гап йўриғию тадбирини топишда!

– Ҳе, ўлма хотинбой, сен менга жуда яхши ғояни айтдинг, – дедим заифамнинг елкасига қоқиб. – Ўғлинг албатта футболчи бўлади! Бўлгандаям... ҳалиги энг зўр жамоаларда ўйнаб, миллион-миллиард маош оладиган футболчи бўлади!..

Кейинги воқеаларни мухтасар ва лўнда қилиб айтсам. Ўғилни ўша йили жисмоний тарбия институти футбол бўлимига киритиб, бир йўла “Иқтисодчи” жамоасига марказий ҳужумчи қилиб жойлаб қўйдим. Кетган ҳаражатлар ҳақида гапириб майдакашлик қилиб ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Муҳими, ўғлим мамлакат биринчилигида қатнашадиган ўйинлари телевизорда кўрсатиладиган таникли жамоалардан бирининг аъзосига айланди. Ҳа, дарвоқе, мураббийси билан гаплашиб, жиддий огоҳлантиридим:

– Кўзингга қара, агар бизнинг эркатойнинг бирон жойи лат ейдиган бўлса, бошинг билан жавоб берасан! Тушундингми? Мураббий томоғини мунтазам мойлаб туришим боис, “сен”сирашимгаям, дўқ уримгаям хафа бўлмади.

Қўлини кўксига қўйиб:

– Хўп бўлади, бой ака, – деди. Шу тариқа кенжабойнинг футболдаги ёрқин ва сермазмун фаолияти бошланиб кетди.

Мен-ку ҳали айтганимдай, футболга унча хушим йўқ. Аммо онасининг куни туғди. Маҳалла аёлларини телевизорининг қаршисига тўплаб: – Ҳозир бизнинг кенжабойнинг ўйинини кўрсатади, – дея кеккаядиган бўлди, маҳалланинг бекорчи хотинлари ҳам қитмирда! Биттаси:

– Эгачи, ўғлингиз ҳалиги... гол киргизолмаяпти-ю, – деб дакки берибди.

Қаранг, хотин жаноблари ўша заҳоти чойхонада ош еб ўтирган жойимга құнғироқ қыляпти:

– Бир ишни эпласангиз қилинг, хўп-ми! Кенжабойни дунё танийдиган футболчи қиласман, деб эдингиз. Ҳалиям анови... голини дарвозага киргизолмай, мени маҳалла хотинлари ўртасида шарманда қилиб ўтирибди! Бўлинг, тез ҳал қилинг, ўйиннинг иккинчи ярмида албатта урсин. Яхшилаб, чиройли қилиб урсин!

Тўғрисини айтсам, бу гап ўзимга ҳам нашъя қилиб кетди. Рост-да, ўғлимни футболчи қилишга қилиб қўйиб, ҳалигача гол урдиролмасам, нима деган одам бўлдим. Фалончи бойваччалигим қаерда қолди? Алқисса чойхонада ўтирган жойимда тегишли одамларга қўнғироқ қилдим.

– Қанча кетса-кетсин, лекин ота ўғил иккинчи таймда албатта гол урсин, – деган масалани кўндаланг қўйдим.

– Танаффус чоғида зарур чораларни қўриб, бу масалани албатта ижобий ҳал этамиз бой ака, хотирингиз жам бўлаверсин, – деган ваъда эшишилди сим ортидан.

Ўша куни, ўзим қўрганим йўғ-у хотинимнинг айтишига қараганда шербаччамиз иккинчи бўлимнинг ўрталарида ётиб олиб, қорни билан жудаям чиройли гол киргизибди.

– Рақиб жамоанинг ҳимоячиси қойил бўлиб, худди сеҳрлангандай қараб қолди! – деди завқаланиб хотиним. Билмайдики, уни сеҳрлаш учун камина қанақа жойларга сим қоқиб, кимлар билан гаплашишга мажбур бўлдим, қандай катта харажатларга тушдим.

Майли, муҳими – унинг маҳалла хотинлари олдида юзи ёруғ, тили узун бўлибди.

– Ўғлингиз жудаям чиройли қилиб гол киргизди, қойил! – дейишибди улар.

Кулоғингизга айтиб қўяй: хотинга бир марта бўш кетдингизми, тамом, бошингизга чиқиб олади. Янаги сафар маликаи дилозоримиз хархаша қилиб қолдилар:

– Нима учун атиги битта ва фақат иккинчи бўлимда уряпти. Бу гал биринчисида битта, иккинчисида иккита урсин, хотинлар: “нима сизнинг ўғлингиз “хет трик” қилолмайдими”, дейишияпти.

“Хет трик”, деган битта ўйинда уч марта гол уриш экан. Қаранг-а, шунча ёшга кириб билмас эканман. Бизлар кўзи тўқ бўлганмиз. Бир мартасига қаноат қилиб кетаверганимиз.

– Майли, “хет трик” бўлса бўлақолсин, – дедим ва хотинимнинг ушбу талабини ҳам бажо келтирдим. Ҳа, айтганча, ўғлимнинг ўзи бундан унча қувонмади.

– “Учинчи голни ноҳалол урдинг, ўн бир метрлик жарима ноҳақ бўлганди”, деб айрим жамоадошларим гаплашмай юрибди, – дея нолиди.

– Гаплашмаса-чи, бобомдан нари, – дедим қўлимни силтаб. – Янаги мавсумдан бошлаб хориждаги кучли жамоалардан бирига ўтказвораман. Кейин термада ўйнайсан.

– Ростданми? – кўзлари чақнади боламнинг. – Қайсисига ўтказасиз? “Барселона”гами ё “Арсенал”гами?

– Кўрамиз, кармонгаю дармонга қараб, – дедим.
– Унақа зўрларига бўлмаса сал мундайроғига илдирарман.

– Ҳай-ҳай, сиз унақа паст кетманг, дадажониси, – яна гапга аралашди хотиним. – Менинг болам чем-

пионлар лигасида қатнашадиган жамоада ўйнаши керак. Маҳалланинг хотинлариға мақтаниб қўйганман-а!

– Сенам жа-а унақа, кундан бурун мақтанавермагин-да, хотин, – дедим бўшашиб. – Болангни шунча жойга опкелишни ўзи бўлгани йўқ.

– Болангиз бўлганидан кейин қиласиз-да! Берган ваъдаларингизнинг ҳаммасини бажарганингиз йўқ. Мен сизга ўғлимиз шу мавсумнинг ўзидаёқ энг кўп гол киритиб, тўпураг бўлсин, ҳалиги “олтин туфли” и, ё “олтин бутси” ними олсин, дегандим. Эплолмадингиз. Жамоаси биринчиликни эгалласин, дегандим, қўлингиздан келмади. Уялмайсизми? Ким айтади сизни “фalonчи бойвачча” деб!

– Ҳали мавсум тугашига бешта тур бор-ку, эҳтимол жиддийроқ ҳаракат қилсалар, уддасидан чиқармиз, – деди ўғлим онасининг гапини жуфтлаб.

Мен бу танқидлардан зудлик билан хулоса чиқардим.

– Шошма, бешта тур, дедингми? Биринчи бўлишларинг учун нечта очко керак? Ўзинг-чи яна нечта гол урсанг тўпураг бўласан?

Ўғлим анча катта рақамларни тилга олди. Мен чўчиб, саросималаниб ўтирганим йўқ. Дадил ишга киришдим. “Ҳаракатда – баракат” деганлари тўғри экан.

Ўғлимиз мавсумнинг асосий тўпураги бўлолмадиу, ҳар қалай иккинчи ўринни эгаллади. Жамоаси эса кучли учликка кирди. Камина ваъдамни тўлалигича бўлмаса-да ҳар қалай тўқсон фоиз адo этдим. Мавсум якунида уйимиз отбозор бўлиб кетди. Маҳалланинг хотинларидан ташқари бир-икки эркаклари ҳам қутлагани келишди.

– Қойил! – дейишиди улар. – Ўғлингиз маҳалламиз шұхратини бутун мамлакатга ёймоқда.

– Шошмай турларинг, келаси йилдан бутун дунёга ёя бошлайди, – деб мақтанвордим.

Хотинимдан юқди шекилли бу касал. Хуллас, айтилган сүз – отилган ўқ, энди уни амалга оширмасам бўлмайди.

Айни кунларда хорижий юртларга бориб-келиб, зир югуриб юрибман, биронта каттароқ футбол клубининг хўжайини билан юракдан, аниқроғи тагдан гаплашмоқ учун. Хотиним далда бериб қўяди:

– Бўшашманг, дадажониси, Европаю Осиё бўлмаса ўзимизнинг Rossié бўлар! Ишқилиб хорижга чиқса бас.

– Албатта чиқади, чиқмаса “фalonчи бойвачча” отимни бошқа қўяман. Ахир ўзимам маҳалланинг оғзи катталари олдида мақтанворганман-а! – дейман.

Узр, шошиб турувдим, самолётга кечикиб қолмайин. Ҳа, дарвоқе, сизга ҳам битта мақтаниб қўяй:

– Терма жамоамизнинг навбатдаги ўйинини албатта томоша қилинг, хўпми? Бизнинг кенжабой унда ўзининг биринчи ўйинини ўйнайди. Ва албатта, гол ҳам киритади. Ана шунаقا, камина – Фалончибой акангиз футбол соҳасининг корчалони бўлиб кетган. Мабодо шу соҳа бўйича бирор илтимос чиқиб қолса, тортинмай мурожаат этаверинг. Ҷевимли жамоангизга чемпионлик ваъда қилолмайману, аммо... люббойининг дарвозасига гол киритиб бёриш қўлимдан келади. Хўп. хайр!

МУНДАРИЖА

Макрми ё муҳаббат (*Қисса*).....3

Ҳикоя ва ҳажсиялар

Ака-укалар.....	95
“Мени шарманда қилма хотин!”.....	107
Ваколатни ўзимиз бердик.....	112
Гаров бойлаш қиморми?.....	118
Жазоми ё рағбат.....	124
“Катта”нинг күёви.....	130
Кимнинг дарвозасига гол уриб берай?.....	136

Адабий-бадиий нашр

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

МАКРМИ Ё МУҲАББАТ

Қисса ва ҳикоялар

Муҳаррир
Манзура Бекчанова

Бадиий муҳаррир ва рассом
Шуҳрат Одилов

Техник муҳаррир ва саҳифаловчи
Барно Баҳрамова

Лицензия рақами: AI № 168. 2009 йил 23.12 да берилган.

Босишига 29.03.2019 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табоғи 4,5.

Нашр табоғи 4,5. Гарнитура «Cambria».

Газет қофози. Адади 1000 нусха. Буюртма № 28.

«Tafakkur qanoti» нашриёти.

Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кўчаси, 13-йй.

Почта манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-йй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Чилонзор тум., Бунёдкор, 28.



ISBN 978-9943-513-91-4

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-513-91-4.

9 789943 513914